

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

КАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

И.Ф.Н. А. Абдиев.

**ФЕРМЕР ВА ДЕХКОН ХУЖАЛИКЛАРИ
ИҚТИСОДИ**

(Маърузалар матни)

Карши -2007

Мърузалар матнида иктисодий таълим йуналишларининг бакалаврлари, магистрлари, профессор-укитувчилари ва илмий тадқиқотчилар учун мулжалланган.

и.ф.н., доцент Турсунов И.
И.ф.д. профессор. Ч.Муродов.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6
I БОБ. «ФЕРМЕР ВА ДЕХКОН ХУЖАЛИКЛАРИ ИКТИСОДИ» ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УРГАНИШ УСУЛЛАРИ.....	8
1.1. «Фермер ва деҳкон ҳужалиги иқтисоди» фанининг предмети ва бошқа фанлар	8

орасида тутган урни.....	
1.2. Фаннинг асосий вазифалари.....	9
1.3. «Фермер ва деҳкон ҳужалиги иқтисоди» фанини урганиш усуллари.	
Таянч иборалар.....	10
қискача ҳулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар руйхати.....	
II БОБ. ДЕҲКОН ҲУЖАЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	
2.1. Деҳкон ҳужалигининг моҳияти, ривожланиш хусусиятлари ва қишлоқ ҳужалигида тутган урни.....	
2.2. Деҳкон ҳужалигининг ташкилий-иқтисодий асослари.....	
2.3. Деҳкон ҳужаликларини ташкил этиш тартиби.....	
Таянч иборалар.....	
қискача ҳулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар руйхати.....	
III БОБ. ФЕРМЕР ҲУЖАЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	
3.1. Фермер ҳужалигининг моҳияти, ривожланиш хусусиятлари ва қишлоқ ҳужалигида тутган урни.....	
3.2. Фермер ҳужаликларининг узига хос хусусиятлари.....	
3.3. Фермер ҳужалигининг ташкилий-иқтисодий асослари	
3.4. Фермер ҳужаликларини ташкил этиш шакллари.....	
Таянч иборалар.....	
қискача ҳулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар руйхати.....	
IV БОБ. ДЕҲКОН ВА ФЕРМЕР ҲУЖАЛИКЛАРИНИНГ ЕР-СУВ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ, УЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ.....	
4.1. Деҳкон ва фермер ҳужаликларининг ер ресурслари.....	
4.2. Фермер ҳужаликларига ер ажратиш тартиб қоидалари.....	
4.3. Ер ҳақи, уни ҳисоблаш ва тулаш тартиби.....	
4.4. Деҳкон ва фермер ҳужаликларининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишни ташкил этиш.....	
Таянч иборалар.....	
қискача ҳулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар руйхати.....	
V БОБ. ДЕҲКОН ВА ФЕРМЕР ҲУЖАЛИКЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	

5.1. Дехкон ва фермер хужалиги мол-мулки таркиби.....	
5.2. Мулкка эгалик килиш хусусиятлари.....	
5.3. Дехкон ва фермер хужаликларининг мулкый жавобгарликлари.....	
5.4. Дехкон, фермер хужаликларининг пул маблаълари. Хужалик мол-мулкидан максадга мувофик тарзда фойдаланиш.....	
Таянч иборалар.....	
кискача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар руйхати.....	
VI БОБ. ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИК РЕСУРСЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
6.1. Фермер ва дехкон хужаликларини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш тизимининг хусусиятлари.....	
6.2. Фермер хужаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш тартиби.....	
6.3. Фермер хужаликларининг моддий-техника ресурслари билан таъминлаш йуналишлари ва уларни такомиллаштириш	
6.4. Моддий-техника таъминотида узаро ҳамкорлик алокалари.....	
Таянч иборалар.....	
кискача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар руйхати.....	
VII БОБ. ИНФРАТУЗИЛМА ХИЗМАТЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ....	
7.1. Инфратузилманинг моҳияти ва гуруҳланиши.....	
7.2. Инфратузилманинг турлари.....	
7.3. Фермер хужаликларига хизмат курсатувчи инфраструктурани шакллантириш.....	
7.4. Инфратузилмани ривожлантириш йуналишлари.....	
Таянч иборалар.....	
кискача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар руйхати.....	
VIII БОБ. ДЕХкОН ВА ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ХАМДА БОШКА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ИҚТИСОДИЙ АЛОқАЛАРИ.....	
8.1. Иқтисодий алоқалар ҳақида тушунча.....	
8.2. Фермер хужаликларининг улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи давлат муассасалари билан узаро иқтисодий алоқалари.....	
8.3. Фермер хужаликлари ва хизмат курсатувчи корхоналар уртасидаги иқтисодий алоқалар.....	
8.4. Фермер хужаликларининг банк ва кредит муассасалари билан узаро иқтисодий	

алокалари.....	
Таянч иборалар.....	
кискача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
IX БОБ. МАХСУЛОТ СОТИШНИ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	
9.1. Дехкон ва фермер ҳамда бошқа кишлок хужалиги корхоналарида махсулот тайёрлаш тизимини ривожланиши.....	
9.2. Давлат эҳтиёжлари учун кишлок хужалиги махсулотларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йуллари.....	
9.3. кишлок хужалиги махсулотларини шартномалар асосида тайёрлаш ва сотишни такомиллаштириш.....	
Таянч иборалар.....	
кискача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар руйхати.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
X БОБ. ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИНГ ТАХЛИЛИ.....	
10.1. Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти ва мезони.....	
10.2. Иқтисодий самарадорлик курсаткичлари ва уларни аниклаш усуллари.....	
.	
10.3. Фойда ва рентабеллик.....	
10.4. Инвестициялар самарадорлиги ва уни аниклаш усуллари.....	
Таянч иборалар.....	
кискача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар руйхати.....	
АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.....	
XI БОБ. ДЕХКОН ВА ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА КУЛЛАБ-КУВВАТЛАШ.....	
11.1. Фермер хужаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туришнинг моҳияти, зарурияти ва узига хос хусусиятлари.....	
11.2. Давлатнинг фермер хужаликларини тартибга солиш ҳамда куллаб-кувватлашдаги асосий вазифалари, уни амалга ошириш шакллари ва усуллари.....	
11.3. Фермер хужаликларини давлат томонидан куллаб-кувватлаш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиб туришни такомиллаштириш йуллари.....	
Таянч иборалар.....	

кискача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар руйхати.....	
АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.....	

КИРИШ

Бозор муносабатларининг негизини турли мулк шаклларига асосланадиган хужалик юритиш шакллариининг мавжуд булиши ва улар орасида буладиган соқлом рақобат ташкил этади. Шу туфайли ҳам, республикаимизда иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичлариданок мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигига таянувчи қуп укладли иқтисодиёт тизимини барпо этишга алоҳида эътибор берилди.

Республикаимиз қишлоқ хужалигида вужудга келаётган янги хужалик юритиш шакллари орасида дехқон ва фермер хужаликлари муҳим аҳамият қасб этади. Дехқон ва фермер хужаликлари хужалик юритишнинг шахсий манфаатдорлик, ташаббусқорлик ва мулкый жавобқарлик тамойилларига таяниб, қишлоқ хужалигида мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилик ва соқлом рақобат асосида ривожланиб боришига асосланади.

Дехқон ва фермер хужаликлари етиштирган маҳсулотига эғалик қилишига, узига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни мустақил тасарруф этишиги, ерга бўлган эғалик ҳиссига қура, яъни мустақил хужалик юритиши бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос тушади.

Республика ҳуқуматининг бир қатор қарорларида истикболда асосий қишлоқ хужалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган дехқон ва фермер хужаликларини янада ривожлантириш назарда тутилган. Кейинги йилларда фермер хужаликларини зарар билан ишлаётган паст рентабелли ва истикболсиз ширкатлар негизида тузишга эътибор қаратилган.

Бутун дунё тажрибаси бозор учун, яъни сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи дехқон, фермер хужаликлариининг афзаллигини қурсатмоқда, чунки дехқон ва фермер хужаликларида ишлаб чиқарувчи, яъни фермернинг мақсади ва вазифаси охириги натижа билан узвий боқланган. Шундай экан дехқон ва фермер хужаликлариининг ишлаб чиқариш фаолиятини, уни бозор шароитидаги ҳаракатини, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш йулларини ва шу асосда уларни самарали фаолиятларини урганиш объектив зарурият бўлиб ҳисобланади. Бу масалаларни ҳал қилишда «Фермер ва дехқон хужаликлари иқтисоди» фанининг аҳамияти қатта, чунки бу фан ислохотлар натижасида вужудга келган дехқон ва фермер хужаликларини ташкил этиш қонуниятларини, уларни самарали фаолият юритиш йулларини ургатади.

Дехқон ва фермер хужаликлари фаолиятини таҳлил этишда ва уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йуналишларини белгилашда улардаги мулк ва ер муносабатлари, мавжуд ресурслардан унумли

фойдаланиш, махсулотлар ишлаб чиқариш ва уни самарали йуналишларга сотишни ташкил этиш, сармоя ва инфратузилма хизматларини ташкил этиш, фермер хужалигини бошқа корхоналар ва давлат ташкилотлари билан иктисодий алоқалари ва шу каби катор бошқа масалалар урганилади.

I-БОБ. «ФЕРМЕР ВА ДЕХКОН ХУЖАЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИ» ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Режа:

1. «Фермер ва дехкон хужалиги иқтисоди» фанининг предмети ва бошқа фанлар орасида тутган урни.
2. Фаннинг асосий вазифалари.
3. «Фермер ва дехкон хужалиги иқтисоди» фанини урганиш усуллари

1.1. «Фермер ва дехкон хужалиги иқтисоди» фанининг предмети ва бошқа фанлар орасида тутган урни.

кишлоқ хужалигининг энг муҳим вазифалардан бири мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қайта ишлаш саноати корхоналарининг хом-ашёга бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бу вазифани амалга ошириш кишлоқ хужалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, мулкчилик ва хужалик юритишнинг турли шакллари ривожлантириш, чекланган ресурслар шароитида моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда истеъмол қилиш жараёнини мукамал йулга қуйиш орқали таъминланади.

Кейинги йилларда кишлоқ хужалигида амалга оширилаётган иқтисодий ва институционал ислохотлар натижасида хужалик юритишда инсон омилининг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигига, ҳақиқий мулк эгаллиги ҳиссига таянадиган ишлаб чиқаришни бошқариш тизими юксак аҳамият касб этиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида самарали хужалик юритиш қуникмаларини мукамал эгаллаш учун кишлоқ хужалигида амал қиладиган объектив иқтисодий қонуниятлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини чуқур урганиш ва теран англаб етиш лозим бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда «Фермер ва дехкон хужалиги иқтисоди» фанининг предмети хужалик юритишда амал қиладиган объектив иқтисодий қонуниятлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини урганишдан иборат бўлади.

«Фермер ва дехкон хужалиги иқтисоди» фани кишлоқ хужалиги умумий иқтисодий қонуниятларининг муайян бир хужалик шароитида амал қилиши хусусиятларини ҳамда хужалик амалиётида улардан фойдаланиш усуллари ургатади.

«Фермер ва дехкон хужалиги иқтисоди» фани иқтисодий фан бўлиб, бошқа иқтисодий фанлар сингари у ҳам чекланган ресурслар шароитида моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида

инсонларнинг хатти-харакатини тадқиқ этади. Унинг асосида иккита муҳим омил ётади:

- жамиятнинг моддий эҳтиёжлари чексиз;
- иқтисодий ресурслар, яъни товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун зарур буладиган воситалар чегаралангандир.

«Фермер ва деҳқон хужалиги иқтисоди» фани моддий ресурслар чекланган шароитида бозор иқтисодиёти хусусиятларига мос булган 5 та фундаментал саволларга жавоб бериши лозим булади:

1. қандай товар ва хизматларни ишлаб чиқариш истеъмолчиларнинг моддий эҳтиёжларини туларок қондиришга имкон беради?
2. Мавжуд ресурслардан қанча қисмини жалб этган ҳолда, қандай ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарган маъқул?
3. Бу маҳсулотларни яратишда қандай ишлаб чиқариш тизими ва технологиясидан фойдаланилади?
4. Маҳсулот қим учун ишлаб чиқарилади, унинг истеъмолчилар қим?
5. Хужалик истеъмолчилар талаби, ресурслар бозори ва ишлаб чиқариш технологиясида юз берадиган доимий ўзгаришларга мослашиб борадими?

Айнан мана шу саволларга жавоб топиш «Фермер ва деҳқон хужалиги иқтисоди» фанининг асосий вазифаларини шакллантиради.

1.2. Фаннинг асосий вазифалари

Фаннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бозор иқтисодиёти табиатига мос қелувчи ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларининг хужаликда амал қилиши хусусиятларини аниқлаш;
- қишлоқ хужалигининг ўзига хос хусусиятларидан қелиб чиққан ҳолда фермер ва деҳқон хужалиқларининг мақсадга мувофиқ ишлаб чиқариш ҳажми, иқтисослашуви ва тармок таркибини асослаш;
- қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва унинг технологиясини такомиллаштиришга йуналтирилган тадбирлар самарадорлигини техник-иқтисодий баҳолаш усуллари урганиш;
- ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурсларидан фойдаланиш тизимини оптималлаштириш;
- ишлаб чиқариш ҳаражатлари, таннарх ва баҳонинг шаклланиш тамойилларини тадқиқ этиш;
- моддий-техник ресурслар таъминоти ва маҳсулотларни сотишнинг энг самарали тизимларини аниқлаш;

- кишлок хужалиги махсулотлари бозорида талаб ва таклиф функцияларининг амал килиш механизмларини урганиш;
- бошқарув қарорлари қабул килиш учун зарур бўладиган иқтисодий ахборотларни шакллантириш, қайта ишлаш ва тизимга солиш ва бошқалар.

«Фермер ва дехкон хужалиги иқтисоди» фани уз олдига қуйилган мақсад ва вазифаларни ҳал этишда бир қатор фанлар ютуқларига таянади. Бу фанлар тизими:

- табиий фанлар;
- ижтимоий-иқтисодий фанлар;
- техникавий-технологик фанларга бўлинади.

Табиий фанлар жумласига – «Биология», «Зоология», «Физика», «Кимё», «Математика» ва бошқа фанлар қиради ва улар бизни ураб турган табиат (борлик) тўғрисидаги асосий билимларни беради.

Ижтимоий-иқтисодий фанларга «Социология», «Психология», «Меҳнат иқтисоди», «Иқтисодий назария», «Маркетинг», «Менежмент», «Статистика», «Тармоқлар иқтисодиёти (ш.ж. «кишлок хужалиги иқтисоди»», «Молия», «Бухгалтерия ҳисоби», «Иқтисодий-математик моделлар» ва бошқа фанлар қиради, улар «Фермер ва дехкон хужалиги иқтисоди» фанини урганишда муҳим база бўлиб хизмат қилади.

Техникавий-технологик фанларга «Тупроқшунослик», «Дехкончилик», «Усимликшунослик», «Чорвачилик», «Агрокимё», «Мелиорация», «Тракторлар ва кишлок хужалиги машиналари», «Механизация ва электрлаштириш», «кишлок хужалиги махсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш» каби бир қатор фанлар қиради, улар меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларининг айрим хусусиятлари, қуввати, унумдорлиги, табиий-биологик ва бошқа хусусиятлари ҳамда уларни ишлатиш тартиби тўғрисида ахборот беради. Бу маълумотларсиз улардан самарали фойдаланишни ташкил этиб бўлмайди.

1.3. «Фермер ва дехкон хужалиги иқтисоди» фанини урганиш усуллари

Бизни ураб турган борликни урганиш усуллари фаннинг услубиётини ташкил этади. Бошқа фанлар каби «Фермер ва дехкон хужалиги иқтисоди» фанининг услубий асосини илмий тафаккурнинг диалектика усули ташкил этади. Диалектик усул ҳамма ходисалар ва жараёнлар доимий узгаришда ва узаро боғлиқликда ривожланади, бири иккинчисини келтириб чиқаради деб тушунтиради. Диалектик усул ривожланиш жараёнини оддий усиш жараёни деб эмас, балки оддийликдан мураккабликка, миқдор узгаришларидан сифат узгаришларига усиб утувчи мураккаб жараён деб баҳолайди.

«Фермер ва дехкон хужалиги» фанини урганиш – иктисодий жараёнларни кузатиш ва зарур маълумотларни йи\ишдан бошланади. Иктисодчилар аввало маълум иктисодий муаммога тааллуқли далилларни аниқлайдилар ва туплайдилар. Далилларни таҳлил қилиш орқали иктисодий ҳулоса ёки иктисодий назария яратилади. Иктисодий ҳатти-ҳаракатларни урганишда иктисодий тадқиқот назариядан айрим далилларга ва аксинча далиллардан умумий назарияга қараб ҳаракатланиши мумкин.

Иктисодий тадқиқот айрим далиллардан иктисодий назарияга қараб ҳаракат қилганда **индуктив** усулни, назариядан айрим далилларга қараб ҳаракат қилганда **дедуктив** усулни ифода қилади.

Таҳлил усулидан фойдаланишда ходисаларни майда булақларга, алоҳида-алоҳида далилларга ажратиб урганилса, **синтез** усулида ходисаларни, айрим далилларни бирлаштириш, биргаликда, узаро бо\лиқликда урганиш орқали умумлаштирилади ва ҳулоса қилиниб, турли назариялар яратилади. Аммо, бундан хатога йўл қўймаслик учун алоҳида олинган тасодифан қўлга киритилган далиллардан эмас, балки урганилаётган объектга тегишли барча далиллар йи\индисидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Далилларни йи\иш – борлиқни илмий англашнинг бошланиши ҳолос. Фермер ва дехкон хужаликлари табиий-иқлим уй шарт-шароитлар техник-технологик таъминланганлик, ишлаб чиқаришни ташкил этилиши, меҳнат унумдорлиги ва иктисодий самарадорлик жиҳатидан турли даражада ривожланиш хусусиятларига эга.

Шу туфайли алоҳида олинган хужалиқнинг маълумотлари бошқа шароитларда жойлашган дехкон ва фермер хужаликлари учун мос келмаслиги мумкин. Бунинг учун турли маълумотлар ва далилларни чуқур таҳлил этиш асосида назарий умумлаштириш лозим бўлади.

Далилларни кенг қамровли таҳлил этиш учун иктисодий тадқиқотнинг турли усулларидан фойдаланилади. Уларнинг ичида энг қўп **статистик, иктисодий-математик, монографик, тажриба** усулларидан фойдаланилади.

Статистик, яъни динамика қарорлари, уртача сонлар, гуруҳлаштириш аналитик, қореляцион, дисперсион ва регрессион таҳлил усуллари динамик қаторлар, уртача сонлар, гуруҳлаштириш усуллари орқали хужалиқда содир бўладиган миқдор ўзгаришлар қандай сифат ўзгаришларига олиб қелиши, айрим омиллар ва далиллар ўртасида қандай алоқа ва бо\ланишлар борлиги аниқланади.

Монографик усул орқали бирон воқеа ёки далил унга таъсир этувчи ҳар бир жараён урганилиши таъминланади.

Ҳисоб-аналитик усул бирон тадбирни белгилашда ёки хужалиқнинг истикболи билан бо\лиқ тадбирларни шлаб чиқишда кенг фойдаланилади.

Тажриба усули норматив асосда белгиланган меъёрий тадбирни ёки бирон-бир назарияни кенг миқёсда қўллашдан олдин кичик доирада синаб қўришдир. Агар бу синов натижалари амалда узини окласа, худди шу шароит бўлган жойларда уларни кенг қўллашга тавсия этишдир. Чунки амалиёт – ҳақиқат мезонидир. Маълумки, бирон бир натижа, масалан, хўжаликнинг фойдалилик даражаси жуда қўп омилларга боғлиқ.

Айрим ҳолларда турли-туман омиллар бир-бирларига қарама-қарши таъсир этиши мумкин. Бундай ҳолда **иктисодий-математик** усул қўлланилган ҳолда ҳамма омиллар таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисобга олиш имкониятини берадиган моделлардан фойдаланилади. Масалан, хўжаликда фойдани максималлаштириш ва ҳаражатларни минималлаштириш учун қишлоқ хўжалик ишларини трактор машиналари бўйича оптимал тақсимлаш керак.

Таянч иборалар

- Қишлоқ хўжалигидаги ислохатлар,
- фаннинг мавзуси предмети,
- Фан-техника тараққиёти
- Моддий нёъматлар
- Иқтисодий ва институционал ислохатлар

қисқача хулосалар

«Фермер ва деҳқон хўжалиги иқтисоди» фани қишлоқ хўжалиги умумий иқтисодий қонуниятларининг муайян бир хўжалик шароитида амал қилиши хусусиятларини ҳамда хўжалик амалиётида улардан фойдаланиш усулларини ургатади.

«Фермер ва деҳқон хўжалиги иқтисоди» фани иқтисодий фан бўлиб, бошқа иқтисодий фанлар сингари у ҳам чекланган ресурслар шароитида моддий нёъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида инсонларнинг ҳатти-ҳаракатини тадқиқ этади. Унинг асосида иқтисод муҳим омил ётади:

- жамиятнинг моддий эҳтиёжлари чексиз;
- иқтисодий ресурслар, яъни товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган воситалар чегаралангандир.

Бизни ураб турган борлиқни урганиш усуллари фаннинг услубиётини ташкил этади. Бошқа фанлар каби «Фермер ва деҳқон хўжалиги иқтисоди» фанининг услубий асосини илмий тафаккурнинг диалектика усули ташкил этади.

Бу фан фермер хужаликларини ташкилий-иктисодий жихатдан асослаб беради, уларнинг назарий, амалий ва услубий масалаларини ишлаб чиқишга кумаклашади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Фермер ва деҳкон хужаликлари иктисоди» фанининг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. «Фермер ва деҳкон хужаликлари иктисоди» фанининг предмети ва урганиш усуллари нималар ташкил этади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хужалиги ту\рисида»ги қонуни. Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. қишлоқ хужалиги таракқиёти - туқин ҳаёт манбаи: Биринчи қақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Х-сессиясида сузлаган нутқ, 1997 йил 25-декабрь - Т.: «Ўзбекистон», 1998.
3. Салимов Б.Т., Ҳамдамов қ.С., Юсупов М.С., Уроқов Н.И. ва бошқалар. Деҳкон ва фермер хужаликлари иктисоди. Уқув қулланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам\армаси, 2004.
4. Уральские вуставки. www.uv2000.ru
5. Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003. <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
6. Попов Н.А. «Основу руночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М.: Тандем, 2002, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>

II БОБ. ДЕХКОН ХУЖАЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ХУКУКИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Дехкон хужалигининг моҳияти, ривожланиш хусусиятлари ва кишлоқ хужалигида тутган урни
2. Дехкон хужалигининг ташкилий-иқтисодий ва ҳукукий асослари
3. Дехкон хужаликларини ташкил этиш тартиби.

2.1. Дехкон хужалигининг моҳияти, ривожланиш хусусиятлари ва кишлоқ хужалигида тутган урни

Дехкон хужаликлари — шахсий ёрдамчи хужаликлари заминида вужудга келган хужалик юритиш шаклидир. кишлоқ хужалигида хужалик юритиш шаклларида бири бири булган аҳолининг шахсий ёрдамчи хужаликлари 30-йиллардан бошлаб вужудга кела бошлаган. Уша даврда кишлоқ хужалигининг асосини ташкил этган жамоа хужаликлари (колхозлар) ва давлат хужаликлари(совхозлар) кишлоқ аҳолисининг озик-овкатга булган талабини тулик кондира олмас эди. Шунини эътиборга олиб, кишлоқ аҳолиси учун чекланган микдордаги томорка участкаси ва чорва хайвонларига эга булган шахсий ёрдамчи хужалик юритишга имкон берилди.

Гарчи аҳолининг шахсий ёрдамчи хужаликлари мамлакат аҳолисини озик-овкат маҳсулотлари билан таъминлаш ва уларда узига хос булган турмуш тарзини шакллантиришга муҳим хисса қўшган бўлишига қарамай, собиқ шуро тузимида уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига етарли эътибор берилмай, жамоа ва давлат хужаликларининг ривожлантириш устивор йўналиш сифатида қараб келинди.

Ўзбекистонда аҳолининг шахсий ёрдамчи хужаликларини ривожлантириш томон дастлабки тадбирлар 80-йилларнинг охириларидан бошлаб амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, граждандарнинг шахсий ёрдамчи хужаликларини ва яққа тартибда уй-жой қуришни янада ривожлантириш туғрисида”ги (1989 йил, 15 август) қарори ва Ўзбекистон ССР Президентининг “Жумҳурият аҳолисининг шахсий ёрдамчи хужаликларидаги мол ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни қўпайтириш туғрисида”ги (1990 йил, май) фармони республикада шахсий ёрдамчи хужаликларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бунинг натижасида аҳолининг томорка ер майдонларини сезиларли даражада қўпайтириш, яққа тартибда уй жой қуришга булган эҳтиёжни қондириш ва қўпгина кишлоқда яшаётган оилалар

чорва молларини сотиб олиш ҳамда ем-хашак етиштириш имкониятларини оширишга эришилди. Хусусан, 1989-1990 йиллар давомида 1,5 млн.дан зиёд оилаларнинг томорка участкалари хажми кенгайтирилди, илгари томорка участкасига эга бўлмаган 580 минг оила эса ер участкалари билан таъминланди. Аҳолига 183 минг гектардан купрок суғориладиган ер майдонлари ажратиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси уз мустакиллигини кулга киритгандан сунг аҳолининг шахсий ёрдамчи хужаликларини хар томонлама ривожлантириш томон катъий чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил январ ойида эълон килинган «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва кишлок жайларда яшовчи бошка фукароларнинг шахсий ёрдамчи хужаликларини янада ривожлантиришга оид кушимча чора-тадбирлар туғрисида»ги ва «Шахсий томорка хужаликларининг эгалари булмиш дехконларга молиявий ёрдам бериш ва улар уюшмаси моддий-техника негизини мустахкамлаш туғрисида»ги фармонларига асосан уша йили шахсий ёрдамчи хужаликлар учун яна кушимча 108,5 минг гектар суғориладиган ерлар ажратиб берилди ва 1991 йил охирига келиб шахсий ёрдамчи хужаликларида фойдаланиладиган майдонлар карийб 500 минг гектарга етди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва дехкон хужаликларини давлат йули билан куллаб-кувватлаш ҳамда мамлакатни озик-овкат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар туғрисида»ги фармонида (1997 йил, март) аҳолининг шахсий ёрдамчи хужаликларини ривожлантиришни давлат томонидан куллаб-кувватлаш ҳамда уларнинг манафаатларини химоя килувчи уюшма фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари белгилаб берилди.

1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Дехкон хужалиги туғрисида»ги конуннинг кабул килиниши билан аҳоли шахсий ёрдамчи хужаликларининг макomini аниклаштириш, уларнинг муваффакиятли фаолият юритишини таъминлашнинг конуний механизмлари такомиллаштирилди.

Биринчидан, аҳолининг шахсий ёрдамчи хужаликлари дехкон хужалиги сифатида кайта номланди ва унинг ташкилий, иктисодий ва хукукий асослари мустахкамлаб куйилди.

Иккинчидан, дехкон хужалигининг ижтимоий-иктисодий мохияти, макomi, ташкилий-иктисодий асослари ва унинг кишлок хужалиги билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти сифатидаги хусусиятлари аник белгилаб берилди.

¹ Р.Ш.Шусанов,М.+осимов, «Дец=он хыжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари», Т.:«Чылпон», 2000, 18 б.

Учинчидан, Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан фаолият курсатаётган шахсий ёрдамчи ҳужаликларни дехкон ҳужаликларига узгартириш тартиби тасдиқланди.

Туртинчидан, «Дехкон ҳужалиги ту'рисида»ги қонунда уларни давлат йули билан ва бошқа тарзда қуллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солиш механизми белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Дехкон ҳужалиги ту'рисида»ги қонунининг 1-моддасида дехкон ҳужалигига қуйидагича таъриф берилган:

«Дехкон ҳужалиги оилавий майда товар ҳужалиги бўлиб, оила оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ ҳужалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Дехкон ҳужалигида фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига қиради ҳамда дехкон ҳужалиги аъзоларининг истагига қура юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Дехкон ҳужалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас.»

Дехкон ҳужалиги аъзоларига биргаликда яшаётган ва дехкон ҳужагини биргаликда юртаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари қирадилар.

Дехкон ҳужалигини юритишдан қўзда тутилган мақсад, дехкон манфаати томонидан туриб ёндошсак ички истеъмол ва товар маҳсулоти яратиш ва шунингдек бошқа фаолият турлари орқали ўзи ва оиласининг моддий фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Дехкон ҳужалигининг асосий вазифаси қишлоқ аҳолисини фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига қенг жалб этиш орқали ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда шу асосда энг кам сарф-харажат бирлиги эвазига маҳсулот етиштиришни ҳар томонлама қўпайтиришдан иборат. Шунингдек, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришда ҳисса қўшиш, ўзи жойлашган ҳудуднинг ижтимоий ривожланишини таъминлашда иштирок этиш қабил бир қатор вазифаларни ечишда ҳам дехкон ҳужаликлари ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Дехкон ҳужалиги қишлоқ ҳужалиги соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик шаклларида бири сифатида бир қатор афзалликларга эга:

- ишлаб чиқариш ҳажмининг кичиклиги бозордаги талаб ва таклиф нисбатига тез мослашиш ҳамда куп мабла\ сарфламай уз фаолияти йуналишларини қайта шакллантириш имконини беради;
- оила меҳнатига таяниш уй бекалари, қариялар ва болалар меҳнатидан ҳам унумли фойдаланиш ҳамда асрлар давомида шаклланиб келган деҳқончилик маданиятини авлоддан-авлодга утқазиб боришга шароит яратади;
- хусусий мулк эгаллиги ҳамда ернинг мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалликка берилиши мулкдан оқилона фойдаланишга йул очади.

Республикада деҳқон ҳужалиқларини ривожлантириш соҳасида амалга оширилган тадбирлар натижасида уларнинг қишлоқ ҳужалиғида тутган урни ва ишлаб чиқариш қурсатқичлари мустаҳкамланиб бормокда. Жумладан, 2002 йил якунларига қура республикада яратилган ялпи қишлоқ ҳужалиғи маҳсулотининг 65,5 фоизи, сабзовотларнинг 76,3 фоизи, картошканинг 89,1 фоизи, қушт маҳсулотларининг 93,2 фоизи, сутнинг 95,2 фоизи ва тухумнинг 55,8 фоизи деҳқон ҳужалиқлари ҳиссасига ту\ри келди.²

Республикада 2001 йил охирига 3243,6 минг томорқа – ер участкаси бор оила мавжуд. Уларга 592,1 минг гектарга тенг умумий ер майдони берилган. Бу қурсатқич 1992 йилдагига нисбатан қарийб 115 минг гектарга ёки 23,9 фоизга қупдир.

Деҳқон ҳужалиқларига ажратилган ерларнинг 479,2 минг гектари ёки 81 фоизи қишлоқ ҳужалиқ ерлари, 406,2 минг гектари ёки 68,6 фоизи ҳайдаладиган ерлардир.

Деҳқон ҳужалиқлари аграр соҳада янги уклад сифатида шаклланиб бориши бир томондан ҳақиқий мулк эгаллигининг вужудга қелишига имкон яратса, иккинчи томондан мулкчиликнинг бошқа турларига асосланган қорхоналар билан маълум даражада рақобат қураши муҳитини яратишга йул очади.

2.2. Деҳқон ҳужалигининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари

Деҳқон ҳужалиғи ички истеъмол ва майда товар қишлоқ ҳужалиғи маҳсулоти етиштириш билан бо\лиқ ҳамда ҳужалиқ аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган фаолият тадбирқорлик фаолияти жумласига қиради.

Деҳқон ҳужалиғи уз фаолияти йуналишларини, ишлаб чиқариш тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Деҳқон

² Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2002 год, Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике. Ташкент-2003, 38-46 стр.

хужаликларининг хужалик фаолиятига, шу жумладан, улар томонидан агротехника усулларни, етиштириладиган махсулот турларини танлашда, унинг нархини ва уни реализация қилиш йуналишларини аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувиغا йул қуйилмайди.

Дехкон хужалиги кишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури, шунингдек кишлоқ хужалиги махсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Дехкон хужалиги ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан узига ҳос бўлган хусусиятларга эга (2-1-қизма).

Дехкон хужалиги ихтиёрийлик асосида, хужалик бошлиқининг кишлоқ хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги) бошқарувиغا ёхуд бошқа кишлоқ, хужалик қорхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг иш берувчисига (маъмуриятига) ҳамда туман ҳокимига ёзма мурожаатига асосан ташкил этилади. Аризада суралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, дехкон хужалигининг таркиби ҳамда кишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишнинг йуналишлари қурсатилади.

2.1-қизма

Дехкон хужалигининг хусусиятлари

1.	Ижтимоий-психологик жиҳатдан	Жамиятнинг бошланиш бўлини - оила ва унга ҳос бўлган қадриятларга ҳамда шахсий манфаатдорлик, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорлик эркинлигига таянувчи аҳолининг ижтимоий қатлами
2.	Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан	Аъзоларнинг истагига қура: ■ юридик шахс мақомида; ■ юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритувчи тадбиркорлик шаклларида бири
3.	Меҳнат муносабатлари жиҳатидан	Оиланинг шахсий меҳнатига таянади, ёлланма меҳнатдан доимий фойдаланиш мумкин эмас.
4.	Ишлаб чиқариш йуналиши жиҳатидан	Оиланинг ички истеъмоли ва қисман бозорга мулжалланган оилавий майда товар хужалиги
5.	Мулкий муносабатлар жиҳатидан	■ ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик; ■ Ер майдони мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгаллик қилишга
6.	Хужалик юритиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажми жиҳатидан	Ер майдонининг юқори чегараси: - суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача; - суғорилмайдиган (қалми) ерларда 0,5 гектаргача; - қул ва қахро минтақасида суғорилмайдиган ерларда 1 гектаргача

2.3. Дехкон хужаликларини ташкил этиш тартиби.

кишлок хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги) бошқаруви дехкон хужалигини ташкил этиш ту\рисидаги масалани умумий мажлис муҳокамасига киритади, мажлис бу хусусда тегишли қарор қабул қилади. Бошқа кишлок хужалик қорхоналари, муассасалари ва ташкилотларида дехкон хужалигини ташкил этиш ту\рисидаги қарор шу қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юқори бошқарув органи, иш берувчиси (маъмурияти) томонидан қабул қилинади.

кишлок хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги) умумий мажлисининг ёки бошқа кишлок хужалик қорхонаси, муассасаси ва ташкилоти юқори бошқарув органининг, иш берувчисининг (маъмуриятининг) қарори асосида ер участкалари бериш масалаларини қуриш бўйича туман комиссиясининг ҳулосасини инобатга олган ҳолда туман ҳокими дехкон хужалигини ташкил этиш ту\рисида қарор қабул қилади.

Туман ҳокимининг дехкон хужалигини ташкил этиш ту\рисидаги қарори туманнинг молиявий, банк, солиқ ва бошқа тузилмалари учун мажбурий ҳужжатдир.

Фаолият қурсатаётган шахсий ёрдамчи хужаликларни дехкон хужалиги мақомига узгартириш Ўзбекистон Республикаси «Дехкон хужалиги ту\рисида»ги қонунининг 5-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган «Фаолият қурсатаётган шахсий ёрдамчи хужаликларни дехкон хужаликларига узгартириш тартиби»га мувофиқ амалга оширилади.

Фуқаро ихтиёрий равишда шахсий ёрдамчи хужаликни дехкон хужалигига узгартиришни сураб ширкат хужалиги бошқарувига ёхуд бошқа кишлок хужалик қорхоналари, муассаса ва ташкилотларнинг иш берувчисига (маъмуриятига) ҳамда туман ҳокимига ариза тақдим этади.

Ер участкаси контури ва майдони қурсатилган ариза ва ширкат хужалиги умумий мажлисининг қарори асосида ҳамда ер участкалари бериш масалаларини қуриш бўйича туман комиссияси ҳулосасини эътиборга олган ҳолда туман ҳокими шахсий ёрдамчи хужаликни дехкон хужалигига узгартириш ту\рисида қарор қабул қилади.

Дехкон хужалигининг бошли\ини давлат руйхатига олиш дехкон хужалиги бошли\ининг доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида амалга оширилади. Дехкон хужалиги бошли\ига Ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат руйхатидан ўтказилганлик ту\рисидаги белгиланган намунадаги ғувоҳнома берилади.

Агар давлат руйхатига олиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки деҳкон ҳужалиги бошли\и асоссиз деб ҳисоблайдиган сабабларга кура рад этилган бўлса, ҳужалик бошли\и судга мурожаат қилиши мумкин.

Посёлка, кишлоқ ва овул фуқаролар узини узи бошқариш органлари ҳар бир деҳкон ҳужалигини ҳужалик китобига қиритиб, унда деҳкон ҳужалигининг таркиби, ҳужалик бошли\и ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек ҳужаликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан) ту\рисидаги маълумотларни қайд этиб қуяди.

Ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган деҳкон ҳужаликлари туман ҳокимлигида давлат руйхатидан утадилар. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги қарорига мувофиқ ушбу тоифадаги ҳужалиқлар туман ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Ариза
2. кишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) умумий йи\илишининг ёки бошқа кишлоқ ҳужалиги қорхонаси олий бошқарув органи ёки иш берувчиси (маъмурияти)нинг фермер ҳужалгини ташкил этиш ту\рисидаги қарори.
3. Нотариал тасдиқланган Уставнинг иккита асл нусхаси.
4. Ваколатли шахар (туман) ҳокимияти органлари томонидан берилган ҳужалик номини тасдиқловчи ҳужжат.
5. Ҳокимият қарори билан ташкил этилган танлов комиссиясининг ер участкаси бериш ҳақидаги қарори.
6. Мухр ва штампнинг уч нусхадаги эскизи.

Ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлмаган деҳкон ҳужалигини давлат руйхатидан утқизиш учун бериладиган аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. кишлоқ ҳужалиги кооперативи (ширкат ҳужалиги) умумий йи\илишининг ёки бошқа кишлоқ ҳужалиги қорхонаси бошқарув органи ёки иш берувчиси (маъмурияти)нинг деҳкон ҳужалигини ташкил этиш ту\рисидаги қарори.
2. Паспорт нусхаси.

Деҳкон ҳужалигини давлат руйхатидан утқизиш учун зарур ҳужжатлар бўлажак фермернинг узи ёки шартнома асосида туман ҳокимлигининг фермер ҳужалигини давлат руйхатига олиш ту\рисидаги қарори ёки руйхатдан утқизишни рад этиш ту\рисидаги қарори ариза берувчи ариза берган кундан бошлаб 7 (етти) иш кунида, туман ҳокимлигининг деҳкон ҳужалигини давлат руйхатига олиш ту\рисидаги қарори билан бир пайтда қабул қилинади.

Шундан сунг туман хокимлиги янги ташкил этилган дехкон хужалигига «Давлат руйхатидан утказилганлиги ту\рисида»ги гувоҳнома ва туман хокимияти мухри билан тасдиқланган «руйхатга олинган» белгисига эса таъсис хужжатларини ҳамда мухр ва штамп тайёрлашга рухсатномани топширади. Ушбу тартиб ҳукукий шахс мақомида ташкил этиладиган дехкон хужаликларига тааллуқлидир. Дехкон хужалиги белгиланган тартибда давлат руйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Дехкон хужалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида қонун билан мустақамлаб қуйилган бир қатор ҳуқуқларга эга:

- узига берилган томорка ер участкасида дехкон хужалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;
- етиштириладиган ва реализация қилинадиган маҳсулотга мустақил равишда баҳо белгилаш;
- узи етиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга уз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш;
- харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ туланадиган фьючерс битимлари тузиш;
- тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;
- қишлоқ, хужалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мулжалланган акцияларни сотиб олиш;
- уз мол-мулкни, шунингдек томорка ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан қом ошди савдоси асосида сотиб олинган ҳуқуқни гаровга қуйиш.

Шу билан бирга дехкон хужалиги уз зиммасига муайян бир мажбуриятларни ҳам олади:

- томорка ер участкасидан қатъий белгиланган маҳсадда фойдаланиш;
- табиий объект бўлмиш ерга зарар етказмаслик;
- томорка ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш;
- янги берилган томорка ер участкасидан, агар қонун хужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил ичида фойдаланишга қиришиш;
- агротехника талабларига, белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва сервитутларга риоя этиш;
- дехкон хужалигининг мажбуриятлари ва қарзлари бўйича тула жавобгар бўлиш;
- хужалик аъзолари учун ҳавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш.

Дехкон хужалиги узи етиштириладиган ва реализация қилаётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экологияга, санитарияга

оид ҳамда конун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаб ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Дехкон ҳужалигининг фаолияти ҳужалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Дехкон ҳужалигидаги муайян ишни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин. конунга мувофиқ товар кишлок ҳужалиги маҳсулоти етиштириш учун дехкон ҳужалигида сарфланган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жам'армаси бадаллари тулаб борилган тақдирда меҳнат стажига киритилади. Дехкон ҳужалиги аъзолари дехкон ҳужалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт.

Дехкон ҳужалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида ҳужалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Тарафлар шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда, конун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Дехкон ҳужалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва тақлиф нисбатидан қилиб қилиб мустақил равишда баҳо белгилайди.

Дехкон ҳужаликлари ихтиёрийлик асосида, шу жумладан улушли (пай) асосда маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув ҳужалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йусинидаги ва бошқа хил хизмат курсатиш бўйича кооперативларга (ширкатларга), жамиятларга, иттифокларга, уюшмаларга ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш, қилиш ҳуқуқига эга.

Танч ибораар

- Дехкон ҳужалиги,
- ҳуқуқий меъёрлар,
- ёллонма меҳнат,
- ишлабчиқариш ҳажми,
- ташкил этиш тартиблари
- тадбиркорлик фаолияти

қискача ҳулосалар

Дехкон ҳужалиги оилавий майда товар ҳужалиги бўлиб, оила оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиқига берилган томорка ер участкасида кишлок ҳужалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Дехкон хужалиги уни ташкил этувчи фукаронинг хохишига кура, хукукий шахс макомида ёки хукукий шахс макоми олмаган холда ташкил этилади.

кишлокда кичик ва урта бизнес вакили - дехкон хужаликларини ривожлантириш мамлакатимиз кишлок хужалигида олиб борилаётган иктисодий ислохотларнинг истикболдаги устивор йуналишларидан биридир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Дехкон хужалиги деб кандай хужаликка айтилади?
2. Дехкон хужалигининг вазифаси нимадан иборат?
3. Дехкон хужалигини ташкил этишнинг кандай тамойиллари мавжуд?
4. Дехкон хужалигининг ташкилий-иктисодий ва хукукий асослари нималардан иборат?
5. Дехкон хужаликлари кандай тартибда ташкил этилади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хужалиги ту'рисида»ги қонуни. Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Дехкон хужалиги ту'рисида»ги қонуни. Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. кишлок хужалиги тараккиёти - туқин ҳаёт манбаи: Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Х-сессиясида сузлаган нутқ, 1997 йил 25-декабрь - Т.: «Ўзбекистон», 1998.
4. Салимов Б.Т., Ҳамдамов К.С., Юсупов М.С., Уроков Н.И. ва бошқалар. Дехкон ва фермер хужаликлари иктисоди. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам'армаси, 2004.
5. Фермер узаконень наконец то. www.agronews.ru
6. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства, М. «Юркнига». 2004 <http://shopper.h1.ru/books.shtml1?topic935&page1>
7. Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003. <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>

III БОБ. ФЕРМЕР ХУЖАЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Фермер хужалигининг моҳияти, ривожланиш хусусиятлари ва унинг кишлоқ хужалигида тутган урни
2. Фермер хужаликларининг узига хос хусусиятлари.
3. Фермер хужалигининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари
4. Фермер хужаликларини ташкил этиш шакллари

3.1. Фермер хужалигининг моҳияти, ривожланиш хусусиятлари ва унинг кишлоқ хужалигида тутган урни

Республикада фермер хужаликларини мустакил хужлик юритиш субъекти сифатида расман тан олиш ва фаол шакллантириш жараёни 1991 йилнинг охирларидан бошланди. кишлоқ хужалигида бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш, мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келтириш, хусусий мулк ва шахс манфаатларининг устивор ривожланишини таъминлаш мақсадида 1991 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 295-сонли «Республикада деҳқон (фермер) хужаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йули билан қўллаб-қувватлаш туғрисида»ги фармони қабул қилинди. Бу фармоннинг қабул қилиниши республикада фермер хужаликларини бозор шароитида шаклланиб келаётган хужалик юритишининг янги шакли сифатида ҳисобга олиш ва ривожлантириш учун дастлабки ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Фармонда фермер хужаликларини шакллантириш мақсадида бошланғич ер фондини шакллантириш, уларни моддий-техника ресурслари ва кредитлар билан таъминлаш ҳамда фермерлар фаолиятини давлат йули билан қўллаб-қувватлаш масалалари белгилаб берилди.

Дастлабки ташкил этилган фермер хужаликлари асосан республика ҳукумати томонидан ажратилган давлат ер фонди базасида, захирадаги ерларда, меҳнат ресурслари етишмайдиган, янги суғориладиган, кишлоқ хужалиги қорхоналарининг кам унумли, фойда бермайдиган ёки кам рентабелли ерларида шакллантирилган. Бунда юридик шахс ҳуқуқи билан ташкил этилган мустакил деҳқон (фермер) хужаликлари билан бир қаторда жамоа(ширкат) хужаликлари ҳамда бошқа кишлоқ хужалиги қорхоналарининг таркибида ички ижара шартномаси асосида (юридик шахс мақомига, мустакил баланс ва банкларда ҳисоб рақамига эга бўлмасдан) тузилган деҳқон хужаликлари ҳам шаклланиб бори.

Фермер хужалигини номланишида баъзан «дехкон хужалиги» ёки «фермер хужалиги», куп холларда эса «дехкон (фермер) хужалиги» деган атамалар ишлатиб келинди. «Фермер хужалиги» деганда купрок чорвачилик йуналишидаги хусусий хужаликлар назарда тутилди.

кишлок хужалигида бозор муносабатларининг фаол кириб бориши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан фермер хужаликларининг янги ижтимоий-иктисодий уклад сифатида мохиятини аниклаштириш, уларнинг ташкилий-иктисодий асосларини теранлаштириш ҳамда ҳукукий макomini мустаҳкамлаш зарурияти юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Дехкон хужалиги ту'рисида»ги ва «Фермер хужалиги ту'рисида»ги конунлари қабул қилиниши билан фермер хужалиги ва дехкон хужалигининг макоми, уларнинг ижтимоий-иктисодий мохияти ва ташкилий-иктисодий асослари, кишлок хужалиги ишлаб чиқариш билан шу'улланувчи тадбиркорлик субъекти сифатидаги умумий ва фаркли томонларини аниқ белгилаб берилди.

«Фермер хужалиги ту'рисида»ги конунга мувофиқ кишлок хужалиги корхоналари тақибда юридик шахс макomini олмай ички хужалик шартномаси асосида фаолият курсатиб келган дехкон (фермер) хужаликлари фермер хужалиги сифатида расман тан олинмайдиган бўлди. Факатгина ўз мустақил баланси, банкларда ҳисоб рақамига эга ҳамда мустақил юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган дехкон хужаликлари фермер хужалиги макomini олди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан барча мустақил ва мустақил бўлмаган дехкон хужаликлари аттестациядан ўтказилиб, «Фермер хужалиги ту'рисида»ги конун талабларига мос ҳолда қайта рўйхатдан ўтказилди.

“Фермер хужалиги ту'рисида”ги конуннинг 1-бандида: **“Фермер хужалиги ўзига ўзок муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар кишлок хужалиги ишлаб чиқориши билан шу'улланувчи фермер хужалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хужалик юритиш субъектидир»,** - деб белгилаб берилган.

Фермер хужалиги уни тузаётган аъзолар хоҳишига қура ихтиёрий ташкил этилиб, ўз ишлаб чиқаришини белгиланган конунчилик доирасида юқори фойда олишни қулаб ташкил этади ва ишлаб чиқаришнинг конун билан таъқиқланмаган ҳар қандай тури билан шу'илланишга ҳақлидир.

Фермер хужалигининг иктисодий негизини ишлаб чиқариш воситаларига (ер бундан мустасно) ва ўз меҳнати натижаларига мулкый эгалик ташкил этади ва у тадбиркорлик эркинлиги, оила ҳамда шахснинг ўз моддий фаровонлиги йулида меҳнат қилишига таянади. Мустақил хужалик

юретиш субъекти сифатида у мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги хужаликлар билан тенг ҳуқуқларга эга ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланади.

Фермер хужалигининг жамоа, ширкат ёки ҳиссадорлик каби йирик хужаликлардан асосий фарқи ва устунлиги томони эса фермернинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита бирикувида, яъни мулк ва меҳнат натижаларини тасарруф этиш бўйича масалаларни мустақил ҳал этишидир.

3.2. Фермер хужаликларининг узига хос хусусиятлари.

Фермер хужалиги кишлоқ хужалигида хужалик юретишнинг шаклларида бири сифатида узига хос бўлган ижтимоий-психологик, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлиб, буни қуйидаги чизмада яққолроқ куриш мумкин (3.1-чизма).

Фермер хужалигини юретишдан кузда тутилган мақсад, фермер манфаати томонидан туриб ёндошсак ички истеъмол ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш, шунингдек бошқа қўп қиррали фаолияти орқали ўзи ва оиласининг моддий фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

3.1-чизма

Фермер хужалигининг хусусиятлари

1.	Ижтимоий-психологик жихатдан	Жамиятнинг бошланғич бўлини - оила ва унга хос бўлган ахлоқий-тарбиявий қадриятларга ҳамда шахсий манфаатдорлик, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорлик эркинлигига таянувчи аҳолининг ижтимоий қатлами
2.	Ташкилий-ҳуқуқий жихатдан	Юридик шахс мақомига (ўз баланси, ҳисоб рақами, муҳри ва бошқ.) эга бўлиши шарт
3.	Меҳнат муносабатлари жихатидан	Хужаликда аъзолар меҳнати билан биргаликда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш мумкин
4.	Ишлаб чиқариш йўналиши жихатидан	Ишлаб чиқариш қисман ички истеъмолга ва асосан бозорга йўналтирилган товар хужалиги
5.	Мулкӣ муносабатлар жихатидан	■ ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик; ■ ер майдони ўзққ муддатли ижарага (энг қамида 10 йилдан ўзққ билан 50 йилгача) берилади, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш мумкин
6.	Хужалик юретиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажми жихатидан	Хужалик юретиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажмининг қуйи чегараси: - \алла ва пахта етиштиришга ихтисослашганда қамида 10 гектар; - бо\дорчилик, ўзумчилик ва сабзавот-полизчиликда қамида 1 гектар;

		- чорвачиликда камида шартли 30 бош чорва моли булган такдирда хар бир шартли бош мол учун вилоятлар ва худудларга караб 0,3 –0,45 гектардан (лалми ерларда 2 гектар).
--	--	--

Фермер хужалигининг асосий вазифаси кишлок ахолисини фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш оркали ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда шу асосда энг кам сарф-харажат бирлиги эвазига махсулот етиштиришни хар томонлама купайтиришдан иборат.

Фермер хужалиги мустакил хужалик юритиш субъекти сифатида узига хос булган маълум бир тамойилларга таянади:

1) Фермер хужалиги ихтиёрийлик асосида тузилади, яъни, фермер хужалиги аъзолари уз хоҳишлари, манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб хужаликни ташкил этадилар. Улар ишлаб чиқариш йуналишларини белгилаш ва узлаштириш, бошка хужаликлар ва давлат органлари билан муносабатларни ҳам мустакил равишда амалга оширадилар. қискача қилиб айтганда фермерлар тулик танлов ва тадбиркорлик эркинлигига таянадилар.

2) Фермер хужалигида мулк эгалиги ҳуқуқи алоҳида хусусиятга эга. Фермер хужалигидаги мол-мулк шу хужалик аъзоларининг хусусий мулки булганлиги туфайли, улар бу мулкни яхши сакланиши ва купайиб боришидан манфаатдордирлар. Бу эса фермерларда мулкдан оқилона фойдаланиш қуникмасини ҳосил қилади. Ер майдонининг 50 йилгача муддат билан ижарага, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш билан берилиши эса ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, тупроқ таркиби ва ҳосилдорлигини муттасил ошириб боришга раъбат яратади.

3) Фермер алоҳида статусга эга шахс сифатида юзага чиқади, яъни бунда уз меҳнати билан ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи меҳнатқаш, юқори фойда олишни қузлаб уз мол-мулкни тавакқалчилик асосида ишлаб чиқаришга жалб этган тадбиркор ва маълум бир интеллектуал қобилиятга эга булган бошқарувчи бир шахс тимсолида мужассамланади.

4) Фермер хужалигида меҳнатнинг характери ҳам узига хос хусусият қасб этади. Аграр ишлаб чиқаришнинг доимий равишда қонли организмлар билан боълик қолда юритилиши, бу соҳада ишлаб чиқаришга ҳақиқий қавобгарлик ҳисси билан ёндашувчи, унинг натижаларидан бевосита манфаатдор шахслар меҳнат қилиши лозимлигини қурастади. Фермер қават унинг узи ва оиласининг қаровонлигини таъминлашга йуналтирилган эркин, иқодий меҳнатдагина узининг қобилиятлари ва маҳоратини қулалигича қамоён эта олади.

5) Фермер хужалигини асосини қамиятининг бошланъич буъини - оила ташкил этади. Оилавий хужаликда узгача иқтимоий ва маънавий муҳит

мавжуд булиб, бу ерда хар бир шахснинг манфаати бутун оила манфаати билан кушилиб кетади. Бунда меҳнат жамоаси вакилларининг бир-бирига булган ишончи юкорилиги сабабли, хар бир киши умумий оила фаровонлиги йулида виждонан ва сифатли махнат килади, меҳнат ва унинг натижаларини кадрлашга урганади, узаро ёрдам ва шахсий жавобгарлик хислатларига мослашади.

Фермер хужалиги узига хос маънавий ва ахлокий кадриятлар давомчиси ҳамдир. Фермернинг оилавий турмушида узи яшаётган ердаги маҳаллий аҳолининг урф - одатлари, маънавий кадриятлари бевосита уз ифодасини топади. Хужалик юритишнинг бу шакли узига хос меҳнат ва тарбия мактаби ҳам булиб, бунда минглаб йиллардан бери аجدодларимиз томонидан тупланган меҳнат тажрибалари ва куникмалари, ерга ва табиатга муҳаббат хисси ҳамда энг яхши миллий анъаналар мустахкамланиб авлоддан-авлодга утказиб борилади.

6) Фермер хужалиги қисман бозорга йуналтирилган майда товар хужалиги сифатида бозор конъюктурасига тез мослашувчан булади. Бундай хужаликлар бозор ҳолатидаги озгина узгаришни ҳам тезда илаб, бозордаги истеъмолчилар талабига мос таклиф билан чиқишга интилади. Фермернинг маҳсулотига урнатиладиган баҳо бозорда, харидорлар томонидан урнатилиши туфайли, унинг учун маҳсулот сифатини харидорлар дидига мослашдан бошқа илож қолмайди. Бу ҳолатлар бир томондан аҳолини зарур маҳсулотлар билан уз вақтида, қеракли микдорда ва сифатда таъминлаш имконини яратса, иккинчи томондан бозорлар мул-қулчилиги шароитида баҳоларнинг аста-секин арзонлашиб боришига сабаб булади.

7) Фермер хужалиги республикамиз қишлоқ хужалигида эндиgina шаклланиб келаётган тадбиркорлик шаклларида бири сифатида қишлоқ хужалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон берувчи қучли рабатлардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида айнан шу хусусий тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш орқали ишлаб чиқаришда юсак натижаларга эришиш мулжалланган.

8) Хар қандай иқтисодий системада ишлаб чиқариш самадорлигини юксалтиришнинг энг муҳим шартларидан бири-бу турли мулк шаклларида асосланган товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлиги ва улар уртасида вужудга келадиган солом рақобатдир. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни қурсатадики, солом рақобат қураши вужудга келиши учун жамиятда мулк шакллариининг хилма-хиллигини таъминлаш зарур.

Фермер хужаликлари аграр соҳада янги уклад сифатида шаклланиб бориши бир томондан ҳақиқий мулк эгаллигининг вужудга келишига имкон яратса, иккинчи томондан мулкчиликнинг бошқа турларига асосланган

корхоналар билан маълум даражада ракобат кураши мухитини яратишга йул очади.

Статистик маълумотларга караганда республикамиз кишлок хужалигида фермер хужаликлари сони, уларга ажратилаётган ер майдони, чорва моллари бош сони ва кишлок хужалиги ялпи махсулоти хажми тез суръатлар билан ушиб бормокда (3.1-жадвал). Хусусан, 1998 йилдан 2002 йилнинг охиригача уларнинг сони 23048 тадан 72406 тага, ажратилган ер майдони хажми 446,5 минг гектардан 1591,7 минг гектарга, чорва моллари шартли бош сони 203,08 мингдан 249,1 мингтага ва уларда банд булган аъзолар сони 163101 кишидан 487965 кишига етди. 2003 йилда фермер хужаликларининг кишлок хужалиги ялпи махсулотидаги хиссаси 9,9 фоизни, бошокли дон экинлари хажмида 26,7 фоизни, пахта хом-ашёсида 29,0 фоизни ташкил этмокда³.

Юкорида келтирилган фермер хужаликларига хос бу хусусият-республикамизнинг аграр соҳасида уларнинг хужалик юритишнинг энг самарали шаклларида бири сифатида мустахкам урин эгаллаётганлигини курсатади.

³ «Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2002 год», Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике, Ташкент-2003, 41-46 б.

3.1-жадвал

Республика кишлок хужалигида фермер хужаликларининг ривожланиб бориши динамикаси.

№	Курсаткичлар	Улчов бир-лиги	1998 йил	1999 йил	2000 йил	2001 йил	2002 йил
1.	Фермер хужаликлари	дона	23048	31090	43759	55445	72406
	Шундан:						
	- дехкончилик	дона	15198	25658	38034	48489	64119
	- чорвачилик	дона	7645	5220	5425	5212	6150
	- бо\ ва бошка сохалар	дона	205	212	300	1744	2137
2.	Фермер хужалигида банд аъзолар сони	киши	163101	176463	294946	386249	487965
3.	Уларга бириктирилган жами ер майдони	минг га	446,5	665,7	889,7	1054,7	1591,7
	Шундан: экин майдони	минг га	346,3	482,5	520,3	696,3	983,0
4.	Бир фермер хужалигига ту\ри келадиган:						
	а) уртача ер майдони	га	19,4	21,4	20,3	19,0	22,0
	б) экин майдони	га	15,1	15,5	14,4	12,5	13,6
5.	Жами чорва молларининг шартли бош сони	минг бош	203,08	222,5	250,9	206,5	249,1
6.	Фермер хужаликларида кишлок хужалиги ялпи махсулоти киймати	млрд. сум	19,2	41,2	70,7	224,1	322,46

3.3. Фермер хужалигининг ташкилий-иқтисодий ва ҳукукий асослари

Хар қандай хужалик юритиш шакли муайян бир ижтимоий -иқтисодий тизимда вужудга келиш ва ривожланиш жараёнида ташкилий иқтисодий, ҳукукий, ижтимоий ва психологик характердаги бир қатор омиллар таъсирида шаклланиб, узига йул очиб боради.

Фермер хужалигининг вужудга келиши ва шаклланишида унинг ташкилий-иқтисодий асослари муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги қонунчиликка қура фермер хужалиги ташкилий-ҳукукий жиҳатдан:

- хужалик аъзоларнинг биргаликдаги фаолиятига асосланган;
- узига узок муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар кишлок хужалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи;
- уз номи уйиб ёзилган ҳамда герб тасвири туширилган муҳрга ҳамда штампга эга, юридик шахс мақомидаги;
- банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақалар очадиган;
- тегишли давлат органларида руйхатдан утган;
- бошқа қорхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ҳамда муассасалар билан узаро тенг ҳуқуқли муносабатларга киришувчи мустакил хужалик юритиш субъекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «кишлок хужалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йуналишлари туғрисида»ги қароринида фермер хужаликларини шакллантиришнинг қуйидаги принциплар қоидалари белгилаб берилган:

- фермер хужаликлари қоида тариқасида, тугатиладиган зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкатлар негизида барпо этилади;
- фермер хужалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий қорхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади;
- ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узок муддатли асосда, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилади;
- фермер хужаликларига бериладиган ер майдонлари ширкат хужаликларининг балансида чиқарилади;
- етиштириладиган кишлок хужалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фақат фермер хужаликларининг узлари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат қурсатиш қорхоналари ва ташкилотлари билан туғридан-туғри тузадилар.

кишлок хужалигида фермер хужаликларининг бошқа хужалик юритиш шакллари билан тенг шароитларда ва соғлом рақобат асосида ривожланиши

учун мустахкам ҳукукий-меъёрий база яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Бош қомуси, «Фуқаролик Кодекси», «Фермер ҳужалиги туғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари туғрисида»ги қонунлар, республика Президентнинг бир қатор қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фермер ҳужаликлари фаолиятининг мулкӣ дахлсизлиги ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлашга ҳамда қўллаб-қувватлаш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорларида фермер ҳужаликларига берилган кафолатлар, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда рабатлантириш қоралари белгилаб берилди.

Фермер ҳужалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида қонун билан мустахкамлаб қўйилган бир қатор ҳуқуқларга эга:

- ишлаб чиқариш фаолиятини узиға берилган ер участкасида уставда назарда тутилган доирада мустиқил ташқил этиш;
- этиштирилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотга мустиқил равишда нарх белгилаш;
- узи этиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга уз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш;
- тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (қойда) олиш;
- ижарага берувчининг руҳсати билан ёқи қонунда ёҳуд ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ер участкасини ижарага бериш ҳуқуқини қредит олиш учун қаровга қўйиш;
- урта ва қчик қорҳоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан қойдаланиш;
- қодиларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш.

Шу билан бирга фермер ҳужалиги уз зиммасига муайян бир мажбуриятларни ҳам олади:

- ижарага олинган ер участкасини бир йил ичида узлаштириш, ундан қатъӣ белгиланган мақсадда қойдаланиш ва унга қарар етқазмаслик;
- ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-қаражатлар қилиш;
- агротехника талабларига, белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва сервитутларга риоя этиш;
- фермер ҳужалигининг мажбуриятлари ва қарзлари бўйича тула қавобгар бўлиш;
- фермер ҳужалигининг барча аъзолари ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия қамармасига ва Ақолини иш

- билан таъминлашга кумаклашувчи давлат жам'армасига мажбурий бадаллар тулаш;
- фермер хужалигининг аъзолари хамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти хисобини юритиш;
 - хужалик аъзолари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш;

3.4. Фермер хужаликларини ташкил этиш шакллари

Фермер хужаликларини тузишнинг куйидаги шакллари мавжуд:

1. Махсус республика фондидаги, меҳнат ресурслари етарли булмаган ва янги су\ориладиган мавзелардаги ерлар хамда захира ерларда махсус давлат ер фондини шакллантириш оркали фермер хужаликларини тузиш.
2. кишлок хужалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг ерларида аъзоларининг ихтиёрийлик асосида кооператив (ширкат)дан чикиб, фермер хужалиги тузиш учун борган аризасига биноан умумий мажлиснинг қарори билан ажратиладиган ерларда фермер хужаликлари тузиш.
3. Сурункасига зарар куриб келаётган истикболсиз ёки кам рентабелли хужаликларни ҳокимликларнинг тавсияси асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида қайта ташкил этиб тули\ича фермер хужаликларига (уюшмага аъзо бўлган ҳолда) айлантириш.

Махсус тузилган ер фонди негизида фермер хужаликларини тузиш ислохотларнинг дастлабки босқичларида купрок аҳамиятга эга бўлган. Чунки, барча экин майдонлари йирик кишлок хужалиги қорхоналарининг балансида бўлган хамда фермер хужаликлари узларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини республика миқёсида қурсатиб беришга улгурмаган илк босқичларда уларни шакллантириш асосан ҳукуматнинг топшири\ига мувофиқ махсус ер фонди тузиш оркали амалга оширилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 декабрдаги 315-сонли қарори билан 200 минг гектар, 1994 йил 23 февралдаги 87-сонли қарор билан 76921 гектар, 88-сонли қарори билан 100 минг гектар, жами 376921 гектар ер фонди ажратилган ва 17325 та фермер хужаликлари ташкил этилган.

кишлок хужалиги кооперативлари (ширкат хужаликлари)дан кооператив (ширкат) аъзоларининг мустақил фермер хужалиги тузиш мақсадида чиқиши тартиби «Фермер хужалиги ту\риси»даги қонуннинг 11-бандида белгилаб берилган (3.2-чизма).


қонунга мувофиқ «кишлок хужалиги кооперативларининг (ширкат хужаликларининг) таркибидан чиқиш ва мустақил фермер хужалиги юритиш истагида бўлган аъзолари кооператив (ширкат) уставига биноан узларига тегишли мулкӣ пай қийматини хамда даромаддан (фойдадан) миқдори

кооператив (ширкат) аъзосининг меҳнат иштирокини инобатга олган ҳолда аниқланадиган улушни олишга ҳақлидир».

Бунда фермер хужалиги мутлақо ихтиёрийлик асосида, унинг аъзоларининг кишлоқ хужалиги кооперативи (ширкати) бошқаруви ва туман ҳокимиятига ёзган мурожаати асосан ташкил этилади.

3.2-чизма

кишлоқ хужалиги кооперативлари (ширкатлари) ерларида фермер хужаликларини тузиш тартиби



Фермер хужалигини юритиш истагини билдирган фуқаролар биринчи навбатда «Фермер хужалиги туърасида»ги қонуннинг 10-бандиди белгилаб берилган тартибда узок муддатли ижарага ер участкаси ажратишни сураб кишлоқ хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги) бошқаруви номига ариза берадилар. Бунда аризаларни бериш ва қуриб чиқиш кишлоқ хужалиги экинларини йиғиб олиш тугаган вақтга туъри келиши мақсадга мувофиқдир.

Ариза ширкат хужалиги бошқаруви томонидан ун қун муддатда қуриб чиқилиб, хужаликнинг умумий мажлисига тақдим этилади. Умумий мажлис тегишли қарор қабул қилади.

Фуқаронинг аризаси ва умумий мажлис қарори фермер хужалигининг бизнес-режаси билан бирга туман ҳокимига юборилади. Ушбу ҳужжатлар туман ҳокими томонидан беш қун муддатда ер участкаларини бериш масалаларини қуриб чиқувчи туман комиссиясига ҳулоса бериш учун топширилади.

Комиссия ун беш қун муддатда ҳужжатлар билан танишиб чиқади ва булажак фермер билан суҳбат утқазади ҳамда ижарага ер бериш мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида ҳулосасини тайёрлайди. Ҳулосани юқоридаги ҳужжатлар билан бирга туман ҳокимига тақдим этади.

Туман хокими ун беш кун муддатда такдим килинган хужжатларни куриб чикиб, фермер хужалиги юритиш учун фукарога ер участкаси бериш ту\рисида карор қабул қилади.

Туман хокими қарори қабул қилингандан сунг ун кун муддат ичида хокимиятнинг ер тузиш ва ердан фойдаланиш хизмати билан фермер хужалиги бошли\и уртасида ер ижараси шартномаси тайёрланиб, имзоланиши лозим.

Шартнома имзолангандан сунг ун кун муддатда туман бош ер тузувчиси ва ширкат хужалиги вакили фермер учун ажратилган ерни курсатади ва уч нусхадаги далолатнома билан тасдиқлайди.

Фермер хужалиги туман хокимлигида давлат руйхатидан утадилар. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги қарорига мувофиқ ушбу тоифадаги хужаликлар туман хокимлигига қуйидаги хужжатларни такдим этиши лозим:

1. Ариза.
2. кишлоқ хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги) умумий йи\илишининг ёки бошқа кишлоқ хужалиги корхонаси олий бошқарув органи ёки иш берувчиси (маъмурияти)нинг фермер хужалгини ташкил этиш ту\рисидаги қарори.
3. Нотариал тасдиқланган Уставнинг иккита асл нусхаси.
4. Давлат божи ёки руйхатдан утиш тулови туланганлиги ту\рисида банк тулов хужжати (энг кам иш хакининг беш баробари миқдорида).
5. Ваколатли шаҳар (туман) хокимияти органлари томонидан берилган хужалик номини тасдиқловчи хужжат.
6. Хокимият қарори билан ташкил этилган танлов комиссиясининг ер участкаси бериш ҳақидаги қарори, товар кишлоқ хужалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бизнес-режаси нусхалари.
7. Мухр ва штампнинг уч нусхадаги эскизи.

Фермер хужалигини давлат руйхатидан утқизиш учун зарур хужжатлар бўлажак фермернинг узи ёки шартнома асосида туман хокимлигининг фермер хужалигини давлат руйхатига олиш ту\рисидаги қарори ёки руйхатдан утқизишни рад этиш ту\рисидаги қарори ариза берувчи ариза берган кундан бошлаб 7 (етти) иш кунида, туман хокимлигининг фермер хужалигини давлат руйхатига олиш ту\рисидаги қарори билан бир пайтда қабул қилинади. Шундан сунг туман хокимлиги янги ташкил этилган фермерга «Давлат руйхатидан утқазилганлиги ту\рисида» ги гувоҳнома ва туман хокимияти муҳри билан тасдиқланган «руйхатга олинган» белгисига эса таъсис хужжатларини ҳамда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани топширади.

Фермер хужаликларини ривожлантиришнинг учинчи йуналиши сурункали зарар келтириб ишлаётган ва кам рентабелли кишлоқ хужалиги корхоналарини қайта ташкил этиб, тулик фермер хужаликларига айлантирилишидир.

кишлоқ хужалигида фаолият курсатиб келган хужалик жамоа (ширкат) хужаликларида бошқарувнинг эски иерархик усули сакланиб колинганлиги, мулк эгалиги хиссининг дехконлардан бегоналашганлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этишда инсон омилининг тадбиркорлик ва ташаббускорлик хислатларига эътибор берилмагани, шунингдек, кишлоқ хужалигига хос хусусиятлар туфайли вужудга келган бошқа бир катор омиллар таъсирида ишлаб чиқариш самарадорлиги кескин пасайиб кетган эди. Ўзбекистон Республикасининг «кишлоқ хужалиги корхоналарини санация қилиш туърисида»ги қонунига асосан 1998 йилда 104 та, 1999 йилда 150 та ва 2000 йилда 84 та сурункасига зарар келтириб ишлаётган хужаликлар санацияга тортилди. Аммо, кишлоқ хужалиги корхоналарини санациялаш жараёни қутилган натижани бермагани сабабли сурункали зарар билан ишлаётган ва кам рентабелли хужаликларни истикболда фермер хужаликларига айлантириш тажрибаси амалиётга кенг жорий этила бошланди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 майдаги 243 – сонли ҳамда 1999 йилда 25 декабрдаги 543-сонли қарорлари қабул қилиниши билан қорақалпоъистон Республикасида 5 та хужалик урнида 378 та, Сирдарё вилоятида 3 та хужалик урнида 186 та ва Хоразм вилоятида 9 та хужалик урнида 472 та жами 103 та фермер хужаликлар урнида фермер хужаликларини ташкил этилди.

Республикада сурункали зарар келтириб ишлаётган истикболсиз ва кам рентабелли хужаликларни санациялаш амалиётидан воз кечиб, уларни босқичма-босқич фермер хужаликларига айлантиришни истикболли йуналиш сифатида қаралмоқда. Хусусан, 2002 йилнинг 5 январиди қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 8-сонли «кишлоқ хужаликларига айлантириш чора-тадбирлари туърисида»ги қарори бу соҳада янги имкониятлар яратди. Ушбу қарор билан зарар келтириб ишлаётган истикболсиз ва кам рентабелли хужаликларни фермер хужаликларига айлантириш тартиби тасдиқланди (3.3.-чизма).

қарорга асосан қорақалпоъистон Республикаси ва вилоятлар буйича кам рентабелли ва зарар келтириб ишлаётган 83 та кишлоқ хужалиги корхоналарини қайта ташкил этиш уларнинг базасида 4559 та фермер хужалиги ташкил этилган.

Фермер хужалиги фаолиятининг иқтисодий асоси мулкчилик муносабатларига бориб такалади. Фермер хужалиги ўз мол-мулкига, (ердан ташқари) ишлаб чиқарган маҳсулотига ҳамда оладиган даромадларига мутлак эгалик ҳуқуқига эга.

Фермер хужалиги мол-мулкининг шаклланиш манбалари биринчи навбатда хужалик аъзоларининг пул маблаълари ва моддий воситаларидан ташкил топади. Шунингдек, ишлаб чиқариш натижасида етиштирилган маҳсулотлар, олинган даромадлар, қредитлар, турли хайрия ва эҳсонлар ҳамда қонун билан таъқиқланмаган бошқа манбалар хужалик мол-мулкини шакллантириш манбалари сифатида чиқиши мумкин.

Фермер хужалигининг мулки умумий (улушли ёки биргаликдаги) эгалик асосида унинг аъзоларига тегишли булади. Аъзоларнинг истагига кура хужалик хар бир аъзосининг мулкдаги улуши пай асосида белгилаб куйилиши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш аъзоларнинг келишувига мувофик амалга оширилади.

Хужалик фаолияти натижасида олинган фойданинг фермерлар ихтиёрида коладиган якуний кисми хам, аъзоларнинг мулкдаги улушига мос холда тақсимланиши мумкин. Мулкдан фойдаланиш буйича шартнома тузилиши хужалик аъзолари орасида келиб чиқадиган турли ихтилофларнинг олдини олади.

Ерга эгалик масаласи фермер хужалигининг мулкчилик муносабатларида асосий уринни эгаллайди. Негаки, бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи-негизи- ерга мулкчилик масаласидир.

Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги қонуни ҳамда "Ер кодекси"га мувофик республикамізда ер мутлақ давлат мулки бўлиб, уни олди-сотди қилиш ёки ҳаёти шун мумкин эмас. "Фермер хужалиги тўғрисида"ги қонунда фермер хужалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ун йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши қўзда тутилган. Фермер хужалигига узок муддатга ижарага берилган ер майдонини ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи берилган.

Фермер хужалигида ишлаб чиқариш асосан хужалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Шун билан бирга қонунга биноан фермер хужалигида ишларни бажаришга узга шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин.

Фермер хужалигининг ёлланма меҳнатдан фойдаланиши асосида фермернинг узгалар меҳнатини эксплуатация қилишга интилиш эмас, балки ишлаб чиқариш зарурияти ётади. Бу энг аввало қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришининг қучли мавсумийлик характерга эга эканлигидан қилиб чиқади.

қишлоқ хужалигида ишларнинг йил давомида бир текисда тақсимланмагани, экин экиш ёки урим-йи\им қаби иш ти\из пайтларда қушимча ишчи қучига эҳтиёж сезилади. Йил давомида қерақидан ортиқча ишчи қучи сақлаш эса фермер учун ортиқча сарф -харажат қилишга олиб қелади.

Сурункали зарар билан ишлаётган истикболсиз ва кам рентабелли кишлок хужалиги корхоналарини кайта ташкил этиш асосида тулик фермер хужаликларига айлантириш тартиби



Фермер узи ва оила аъзоларининг манфаатларидан келиб чикиб, иложи борица узгалар меҳнатида фойдаланмасликка интилади. Чунки ёлланма меҳнатдан фойдаланиш бир томондан хужалик даромадининг бир қисмини иш ҳақи сифатида четга сарф булишига олиб келса, иккинчидан ёлланиб ишлаётган шахсларнинг астойдил меҳнат қилишига ҳар доим ҳам қафиллик бериб бўлмайди.

Фермер хужаликларида меҳнат қилаётган шахслар (шу жумладан ёлланиб ишлаётганлар ҳам) қонун йули билан ижтимоий ҳимояланган, яъни улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ижтимоий су\уртасидан утқазилиши лозим ҳамда қарилик ёки ногиронлик нафақаси олишга, шунингдек вақтинчалик меҳнат қобилиятини йукотган тақдирда ҳам нафақа олишга ҳақлидир.

Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар меҳнатига ҳақ тулаш томонларнинг қелишувига биноан белгиланиб, пул билан ёки натурада амалга оширилиши мумкин. Аммо унинг минимал миқдори энг кам иш ҳақидан паст бўлмаслиги зарур ва хужалик фаолиятининг натижаларига бо\лиқ бўлмай биринчи навбатда туланиши керак.

Фермер хужалигида ишланган вақт ижтимоий су\урта бадаллари тулаб қорилган тақдирда умумий ва узлуксиз иш стажига қушилади. Иш юзасидан бўладиган барча муносабатлар шартнома билан мустаҳкамланиши ва шартномада ҳар иққала томоннинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ қилиб белгиланиши лозим.

Танч ибораар

- Давлат ер фонди
- Хусусий хужалиқлар
- Хужалиқ юритиш субъекти
- Ташкилий-иқтисодий асослар
- Қишлоқ хужалиқ ширкатлари

қискача хулосалар

Фермер хужалиги узига узок муддатли ижарага қорилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хужалиги ишлаб чиқариши билан шу\улланувчи фермер хужалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хужалиқ юритувчи субъектдир.

Фермер хужалиги танлов асосида, қупрок меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмаётган ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади.

қишлоқ хужалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг аъзолари уз хошошларига қура қишлоқ хужалиги кооперативларининг (ширкат

хужаликларининг) таркибидан чиқиш ва мустақил фермер хужалиғи тузиш ҳуқуқига эга.

Фермер хужалиқларини ташкил этишнинг учинчи йуналиши сурункали зарар келтириб ишлаётган ва кам рентабелли қишлоқ хужалиғи қорхоналарини қайта ташкил этиб, тулик фермер хужалиқларига айлантйрилишидир.

қишлоқда қичик ва урта бизнес вақили - фермер хужалиқларини ривожлантириш мамлақатимиз қишлоқ хужалиғида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг истикболдаги устивор йуналишидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

6. Фермер хужалиғи деб нимага айтилади?
7. Фермер хужалиғининг вазифаси нимадан иборат.
8. Фермер хужалиғини ташкил этишнинг қандай тамойиллари мавжуд?
9. Фермер хужалиқлари қандай тартибда ташкил этилади?
10. Фермер хужалиғининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Қаримов И.А. қишлоқ хужалиғи таракқиети - туқин ҳаёт манбаи: Биринчи қақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлиси Х-сессиясида сузлаган нутқ, 1997 йил 25-декабрь - Т.: «Ўзбекистон», 1998-64.
2. Абдуланиев А. Фермерликни ривожлантириш шартлари. Ўзбекистон қишлоқ хужалиғи. №3, 2003.
3. Юсупов М.С. Ўзбекистонда фермер хужалиқларини давлат томонидан қуллаб-қувватлаш. Бозор, пул ва кредит, №1, 2003.
4. Фермер: сельское хозяйство, сельскохозяйственное оборудование, техника продаж... www.selhoz.net.ru
5. Попов Н.А. Экономка отраслей АПК. Курс лекции, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.htm>
6. ЛБР – сельскохозяйственная техника, комбайну, косилки, сеялки, запчастй к сельхозтехнике www.lbr.ru

IV БОБ. ДЕХКОН ВА ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИНИНГ ЕР-СУВ ВА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ, УЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Режа:

1. Дехкон ва фермер хужаликларининг ер ресурслари.
2. Фермер хужаликларига ер ажратиш тартиб коидалари.
3. Ер хаки, уни хисоблаш ва тулаш тартиби
4. Дехкон ва фермер хужаликларининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишни ташкил этиш

4.1. Дехкон ва фермер хужаликларининг ер ресурслари.

Дехкон ва фермер хужаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг асосини ер-сув ва меҳнат ресурслари ташкил этади.

Ер кишлок хужалиги маҳсулотларини яратишда бевосита иштирок этувчи ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси сифатида муҳим урин тутди. Ердан фойдаланиш жараёнида фуқаролар, корхона ва ташкилотлар, давлат идоралари маълум бир муносабатга киришдилар. Бу ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш билан боʻлиқ муносабатлар бўлиб, уларнинг йиғиндисини биргаликда жамиятнинг ер муносабатлари тизимини ташкил этади. Бу муносабатлар қонунлар билан тартибга солиниб, ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади.

Республикада дехкон ва фермер хужаликлари ташкил этиш учун ер ресурслари ажратиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Фермер ва дехкон хужаликларига кишлок хужалиги кооперативи (шаркат хужалиги) ерлари шу хужалик аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида туман ҳокими қарори билан берилади. Бунда қуйидаги тамойилларга амал қилиш қўзда тутилиши лозим:

- хужаликнинг ер, сув, меҳнат ва моддий ресурслардан туʻри фойдаланишини таъминлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш;
- ер, сув, атмосфера ва бошқа табиий ресурсларни эрозия, чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш йули билан ифлосланишлардан муҳофаза қилиш;
- ерни беришда меҳнат истеъмоли баланси, турли кишлок хужалик маҳсулотлари бозор қонъюнктураси ҳамда ердан фойдаланишда агроэкологик шартлардан қелиб қикиб, хужалик ишлаб чиқариши ихтисослашувига тарқибий муносабатларнинг мослиги;
- сувдан фойдаланиш ва кишлок хужалиги ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш учун ташкилий шароитларни яратиш;

- хужаликнинг ижтимоий ва иктисодий шароитлари, ердан фойдаланишнинг экологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- ернинг агроэкологик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ер участкасини ажратиш ва ер солиғи (ижара туловлари) ни белгилаш;
- ернинг бир бутунлигини, бир жинслигини, экологик мувозанат ва ҳавфсизлиги ҳамда участканинг битта суғориш шаҳобчасидан фойдаланишини таъминлаш;
- мавжуд суғориладиган ерларни саклаш, уларнинг кичик участкаларга бўлинишига йул қуймаслик, чунки у ҳолда кишлоқ хужалиги техникасини қўллаш ва суғориш ишларини бажаришда ноқулайликлар туғилади.

4.2. Фермер хужаликларига ер ажратиш тартиб қоидалари

Фермер хужаликларига захира ерлар, махсус республика фонди ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган, янги суғориладиган ҳамда зарар қўриб ишлаётган ёки кам рентабелли кишлоқ хужалиги қорхоналарининг ерлари берилади. Фермер хужаликларига ер 50 йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади. Ерни ижарага бериш шартнома асосида амалга оширилади. Шартнома ширкат хужалиги бошқаруви раиси ва фермер хужалиги бошлиғи томонидан тузилади ва имзоланади.

Дехқончилик билан шуғулланадиган фермер хужалиги учун ер участкаларининг улчами пахтачилик ва қаллачиликда энг камидан 10 гектар, боғдочилик, узумчилик, ва сабзавотчиликда – 1 гектардан кам бўлмаслиги керак. Қорвачиликка ихтисослашган фермер хужаликларига, уларга берилган ер участкаларининг энг кам улчами бир шартли бош қорва молига ҳисобланганда суғориладиган ерларда (Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Тошкент вилоятлари) 0,30 гектар, қолган вилоятлар учун 0,45 гектар, суғорилмайдиган (лалми, қўл, сахро) ерларда камида 2 гектар ажратиб берилади.

Фермер хужалигининг ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади. Фермер хужалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек, иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас. Фермер хужалиги кредитлар олиш учун уз мол –мулкни, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли.

Фермер хужалигига берилган ер участкаси бўлиниши мумкин эмас. Ер участкасининг улчами ва чегаралари фақат фермер хужалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

ермер хужалиги бошли\и вафот этган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳукуки шу хужалик аъзоларининг узаро келишуви асосида, фермер хужалиги фаолиятини давом эттириш истагида булган хужалик аъзоларидан бирига мерос буйича утади. Фермер хужалиги бошли\и меҳнат қобилиятини тула йукотган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳукуки хужалик аъзоларининг розилиги билан улардан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда топширилади.

Фермер хужалиги тугатилган тақдирда, уни юритиш учун берилган ер участкасини ижарага олиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Фермер хужаликлари ердан фойдаланишда қуйидагиларга риоя этишлари лозим:

- ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш;
- табиий объект бўлиши ерга зарар етказмаслик;
- ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш;
- ер участкасини, агар ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил ичида узлаштириш.

Ўзбекистонда деҳқон хужалигини юритиш учун томорқа ер участкаси берилади. Томорқа ер участкасида деҳқон хужалиги оила ахтиёрлари ва бозорда сотиш учун қишлоқ хужалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда яққа тартибда уй-жой қуриш мумкин. Деҳқон хужалиги учун бериладиган томорқа ер участкаси оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириш ҳукуки билан умрбод эгаллик қилишга берилади. Давлат томонидан бериладиган гувоҳнома томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳукуқини беради.

қишлоқ хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги) аъзоларининг, бошқа қишлоқ хужалиги ва урмон хужалиги қорхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг оилаларига, шунингдек, қишлоқ жойларида яшовчи уқитувчилари, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хужалигини юртиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилишга томорқа ер участкаси имроат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қушганда су\ориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва су\орилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача улчамда берилади.

Фуқароларга деҳқон хужалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳукуки, қим ошди савдоси асосида сотилиши мумкин мумкин.

Янги ташкил этилаётган деҳқон хужалиги учун томорқа ер участкаси олиш ҳукуқидан мазкур жойда қамида уч йил мобайнида доимий яшаб қелаётган шахслар фойдаланадилар (янги узлаштирилаётган ер майдонлари бундан мустасно).

Дехкон хужалигининг ерга эгалик килиш ва ердан фойдаланиш сохасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари конун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ердан самарали фойдаланаётган дехкон ва фермерлар ширкат хужалиги ерларидан киска муддатли ижарага қушимча ер участкалари олиши мумкин. Бундай ерлардан қишлоқ хужалиги маҳсулотлари етиштириш, ем-хашак етиштириш, яйлов яратишда фойдаланилади.

Фермер хужалигини юритиш учун ер участкасини ажратиш тизимини, 4.1-қизмада қуриб чиқамиз.



4.3. Ер хаки, уни хисоблаш ва тулаш тартиби

Дехкон ва фермер хужаликларига ер ажратиб беришни расмийлаштириш ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ туланади. Шу сабабли фермер хужаликлари ердан фойдаланганлик учун ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган манзилига ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда, дехкон хужаликлари эса мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи асосида берилган томорқа ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ йили 15 декабрга қадар ягона ер солиғи тулайдилар. Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади, солиқ ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан қўш бўлмаслиги керак, ердан қишлоқ хужалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда ер солиғи ставкасининг бир баравари миқдорида бўлади. Ер ҳақини ўз вақтида туламаганлик учун қўшун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

Ер участкаларининг маъмурий ва саноат марказларига нисбатан жойлашишига қараб солиқ ставкалари Тошкент шаҳри атрофида 20 километрлик доирада – 1,3, қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоятлар маркази атрофида 15 километрлик доирада – 1,15, бошқа шаҳарлар атрофида 5 километрлик доирада – 1,1 коэффициентга мос ер солиғи ундирилади.

Ер солиғини тулашда ерларнинг сифати ҳам ҳисобига олинади. Агарда хужалиқнинг ери ёмон (балл бонитети 40 баллгача) бўлса, ставкаларга 0,75, ўртача (балл бонитети 41 баллдан 70 баллгача) бўлса, 1,0 ва яхши (балл бонитети 70 баллдан юқори) бўлса, 1,25 коэффициенти қўлланилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, биринчи марта томорқа ер участкаси олган дехкон хужалиғи ва янги ташқил этилган фермер хужалиғи ҳамда шахсий ёрдамчи хужалиқларидан ўзгартирилган дехкон хужалиғи давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин икки йил мобайнида ер участкасидан фойдаланганлик учун ер солиғидан озод қилинади. Шу билан бирга ер солиғи тулашдан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексида қўрсатилган шахслар ҳам озод этиладилар.

Сув фонди ҳам давлат тасарруфида бўлиб, фермер ва дехкон хужалиқларини юритиш учун ваколатли органлари томонидан сувдан фойдаланиш лимити ажратилади. Сувдан фойдаланганлиги учун туланадиган солиқ миқдорини туман давлат солиқ инспекцияси ҳисоблаб, солиқ туловчиларга ҳақ йили 1 майгача тулов хабарномасини тақдим қилади. Берилган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан

фойдаланганлик учун солиқ тулаш тартиби ҳамда мазкур солиқ буйича имтиёзлар конун ҳужжатлари билан белгиланади. Сув объектлари (дарё, қул, сув омборлари, каналлари ва шу қабилари)га салбий таъсир қурсатадиган ҳужалиқ фаолияти юритиш ва қурилиш ишлари олиб бориш таъқиқланади.

Фермер ҳужалиғи узига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадада фойдаланиб, унинг хусусийлаштириш, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объектига айланишига, шунингдек, иккиламчи ижарага берилиши ва булинишига йул қўймаслиғи қерак. Ер участкасининг улчами ва чегаралари қакат фермер ҳужалиғи бошли\ининг розилиғи билан узгартирилиши мумкин. Фермер ҳужалиғи бошли\и вафот этган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи шу ҳужалиқ аъзоларининг узаро қелишуви асосида, фермер ҳужалиғи фаолиятини давом эттириш истағида булган ҳужалиқ аъзоларидан бирига мерос буйича утади. Фермер ҳужалиғи бошли\и меҳнат қобилиятини тула йуқотган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ҳужалиқ аъзолариининг розилиғи билан улардан бирига топширилади. Фермер ҳужалиғи тугатилган тақдирда, уни юритиш учун берилган ер участкасини ижарага олиш шартномаси бекор қилиниши лозим.

Фермер ҳужалиғига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ туман бюджетига қиритиладиган ҳар йилғи ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган манзилига ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда белгиланадиган яғона ер соли\и ставкаси миқдорида ундирилади. Давлат руйҳатиға олинган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида фермер ҳужалиғи ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ тулашдан озод этилади.

Дехқон ҳужалиғининг ердан фойдаланиш тизими фермер ҳужалиғидағи ердан фойдаланиш тизими билан ухшаш булиб, дехқон ҳужалиғига ер участкаси мерос қилиб қолдирилган умрбод эғалиқ қилиш ҳуқуқи билан берилганлиғи учун фермер ҳужалиғидағи қабии ер участкасини олиш шартномасини бекор қилиш тадбирлари утқазилмайди. Дехқон ҳужалиғи ер участкасидан фойдаланганлиғи учун ҳақни ер соли\и тариқасида тулайди.

Фермер ва дехқон ҳужалиқлари ердан белгинланган мақсадда ва оқилона фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳужалиқ маҳсулоти етиштиришда юқори самарадорлиққа эришишни қузлаши лозим. Ақс ҳолда фермер ҳужалиғида қишлоқ ҳужалиқ эқинларидан олинган ҳосилдорлиқ норматив кадастр баҳосидан муттасил (уқ йил мобайнида) паст булганда ердан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин.

4.4. Дехқон ва фермер ҳужалиқларининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишни ташқил этиш

Дехкон ва фермер хужаликлари оилавий хужаликлар булганлиги туфайли уларда меҳнат килаётганларнинг аксарияти оила аъзолари ҳисобланади. «Фермер хужалиги ту\рисида» ги ва «Дехкон хужалиги ту\рисида» ги конунларга мувофиқ фермер хужалиги бошли\и 18 ёшга, дехкон хужалиги бошли\и эса 16 ёшга тулган, тегишли малака ва иш тажрибасига эга булган, муомалага лаёқатли, мазкур хужаликларнинг аъзоларидан бири булиши мумкин. Ушбу конунларга кура, хужалик юритиш давомида фермер ёки дехкон хужалиги кушимча иш кучини жалб этиши ҳам мумкин. Бу жараён фермер хужаликларида доимий, факат шартнома асосида, дехкон хужаликларида мавсумий (вактинчанлик) тарзда амалга оширилади. Аммо ёлланган ишчилар хужалик аъзолари ҳисобланмайди. Хужаликда шартнома асосида ишлайдиган ишчилар меҳнатига ҳақ тулаш конун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз булмаган миқдорда, тарафларнинг келишувига биноан пул тарзида ҳам, натура тариқасида ҳам амалга оширилади. Шу билан бирга ёлланма ишчилар фермер хужалиги бошли\и розилиги билан пул ёки бошқа хил улушни киритишга ҳамда кушган улушига мутаносиб равишда хужалик даромади (фойдаси) таксимотида қатнашиш мумкин.

Фермер хужалиги аъзолари ҳамда шартнома асосида ишлаётган ишчилар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳузуридаги Нафақа жам\армасига бадаллар туланган тақдирда (дехкон хужаликлари аъзолари ихтиёрий равишда), меҳнат дафтарчаси белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда меҳнат стажига кушилади ва пировард натижада нафақа олишлари мумкин.

Фермер хужаликларида меҳнат ва у билан банд булган ишчилар сони йилдан-йилга купаймоқда. 2001 йил охирига республика фермер хужаликларида банд аҳоли сони 386,2 минг кишини ташкил этди. Бу курсаткич 1993 йилдагига нисбатан 13,3 мартага ёки 2000 йилдагига нисбатан эса қарийб 31 фоизга купдир.

Агар 1993 йили республикада битта фермер хужалигида уртача 3,8 киши ишлаган (банд) булса, бу курсаткич 2002 йилда 6,7 кишига тенг булди ёки битта фермер хужалигига ту\ри келадиган банд ишчилар сони 1993 йилдан 2002 йилда қарийб 2 мартага купайган.

4.1-

жадвал

Ўзбекистон фермер хужаликларининг ер майдони ва уларда банд ишчилар буйича курсаткичларининг узгариши*

Йиллар	Ер майдони, минг га	Хужаликда банд булган ишчилар сони, минг нафар	Бир хужаликка ту\ри келадиган		Бир ишчига ту\ри келадиган уртача ер майдони,га
			ер майдони, га	ишчилар сони, нафар	
1993	70,6	29,0	9,4	3,8	2,43

1994	193,1	58,4	13,6	4,1	3,31
1995	264,6	94,0	14,6	5,2	2,81
1996	294,7	102,3	15,3	5,3	2,88
1997	413,3	134,4	19,2	6,3	3,07
1998	446,5	163,1	19,4	7,1	2,74
1999	665,7	176,5	21,4	5,7	3,77
2000	889,6	294,9	20,3	6,7	3,02
2001	1054,7	386,2	19,0	7,0	2,73
2002	1591,7	487,9	22,0	6,7	2,02

*Жадвал республика фермер ва деҳкон хужаликлари уюшмасининг маълумотлари асосида тузилган.

Республикада янги фермер хужаликлари ташкил этиш, уларга ер ресурслари ажратиш жараёни узлуксиз давом этмокда ва бу фермер хужаликлари меҳнатга қобилиятли кишлоқ аҳолисининг ишлашга жалб этиш имконини кенгайтиради.

Умуман, республикада деҳкон ва фермер хужаликларига ер бериш, улар фаолиятини ташкил этиш бўйича қурилган чора-тадбирлар, уларни янги хужалик юритувчилар сифатида республика аграр иктисодиётидаги урни ва ролини янада мустаҳкамлайди. Бунга энг аввало ер, сув ва меҳнат ресурсларидан тула ва унумли фойдаланиш орқали эришилмокда дейиш уринлидир.

Таянч иборалар

- ер ресурслари,
- ижарага бериш тартиби,
- хужалик юритувчилар,
- ерга ҳақ тулаш,
- ер соли\и

қискача хулосалар

Деҳкон ва фермер хужаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг асосини ер-сув ва меҳнат ресурслари ташкил этади. Фермер хужаликларига ер 50 йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади.

Хужалик юритиш давомида фермер ёки деҳкон хужалиги қушимча иш қучини жалб этиши ҳам мумкин. Бу жараён фермер хужаликларида доимий, факат шартнома асосида, деҳкон хужаликларида мавсумий (вактинчанлик) тарзда амалга оширилади.

Умуман, республикада деҳкон ва фермер хужаликларига ер бериш, улар фаолиятини ташкил этиш бўйича қурилган чора-тадбирлар, уларни янги хужалик юритувчилар сифатида республика аграр иктисодиётидаги урни ва ролини янада мустаҳкамлайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Фермер ва деҳкон хужаликларига ер кандай шартлар асосида берилади?
2. Фермер хужалигини юритиш учун ер хаки кандай ҳисобланади?
3. Фермер ва деҳкон хужаликларида сувдан фойдаланишнинг тартиби кандай?
4. қонунчилик ҳужжатларида фермер ва деҳкон хужаликларга кандай имтиёзлар белгиланган?
5. Фермер ва деҳкон хужаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг узига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. қишлоқ хужалиги таракқиёти - туқин ҳаёт манбаи: Биринчи қақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Х-сессиясида сузлаган нутқ, 1997 йил 25-декабрь - Т.: «Ўзбекистон», 1998-64.
2. Беркинов Б., Абсаматов А. Деҳкон хужаликларининг даромадини қупайтириш йуналишлари. Экономика и класс собственников, №2, 2003.
3. Салимов Б.Т., Ҳамдамов қ.С., Юсупов М.С., Уроков Н.И. ва бошқалар. Деҳкон ва фермер хужаликлари иқтисоди. Уқув қулланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам\армаси, 2004.
4. Фермер: сельское хозяйство, сельскохозяйственное оборудования, техника продаж... www.selhoz.net.ru
5. <http://www.bookler.ru/bookisbn/5-7695-1158-3.shtml>
6. Экономика и управление в сельском хозяйстве, 2003, <http://psbatishev.narod.ru/library/03762.htm>

V-БОБ. ДЕХкОН ВА ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Режа:

1. Дехкон ва фермер хужалиги мол-мулки таркиби.
2. Мулкка эгалик килиш хусусиятлари.
3. Дехкон ва фермер хужаликларининг мулкый жавобгарликлари.
4. Дехкон, фермер хужаликларининг пул маблаълари. Хужалик мол-мулкидан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш

5.1. Дехкон ва фермер хужалиги мол-мулки таркиби.

Дехкон ва фермер хужаликлари уз фаолиятларини ихтиёридаги мол-мулкдан, шунингдек, узок муддатли ижара ва мерос килиб колдириладиган умрбод эгаликдаги ер участкаларидан фойдаланиш асосида амалга оширади.

Дехкон ва фермер хужаликлари мол-мулки таркиби куйидагилардан иборат:

- узига карашли уй-жойлар ва хужалик иморатлари;
- кишлок хужалик экнзорлари ва кучатзорлари, дов-дарахтлар;
- кишлок хужалик техникаси;
- асбоб-ускуна ва ашё-анжомлар;
- транспорт воситалари;
- пул маблаълари;
- интеллектуал мулк объектлари;
- ишлаб чикариш фаолияти натижасида етиштирилган махсулот;
- олинган даромад ва конунда таикланмаган тарзда эга булинган бошка мол-мулклар.

Дехкон ва фермер хужаликлари мол-мулкининг хосил булиш манбалари каторига куйидагилар киради:

- хужалик аъзоларининг пул ва моддий маблаълари;
- махсулот (ишлар, хизматлар)реализациясидан, шунингдек, фаолиятнинг бошка турларидан олинган даромадлар;
- кимматли коълардан олинган даромадлар;
- кредитлар;
- юридик ва жисмоний шахсаларнинг беъараз хайрия ва бошка бадаллари, эхсонлари;
- конунларда таикланмаган бошка манбалар.

5.2. Мулкка эгалик килиш хусусиятлари.

Ташкил этиш вакида мулкка (капиталга) эгалик килиш нуктаи назайдан фермер хужаликларини шартли равишда учта тоифага (гурухга)

булиш мумкин. Биринчи гурухга кишлок хужалиги кооперативлари (ширкатлар) ерларида ташкил этилган нол балансли фермер хужаликлари киради. Бундай фермерлар шартномага кура, ширкат хужалигининг инфратузилмасидан фойдаланишади.

Иккинчи гурухни балансида камида 30 бош шартли корамолга эга булган фермер хужаликлари ташкил килади. Бундай фермерлар уз фаолиятида тулик мустиқ булиб, ҳеч қандай бирлашма таркибига қирмайдиган ва шартнома бўйича хизмат курсатувчи кооперативлар хизматларидан фойдаланишади.

Учинчи гурухга паст рентабелли ва зарар қуриб ишловчи хужаликлар негизида ташкил этилган фермер хужаликлари киради. Улар қайта узгартирилаётган хужалик мулкнинг бир қисмини улуш (пай) қуринишида ижарага бериладиган майдонга муносиб равишда олишади.

Учинчи гурухга қирувчи фермер хужаликлари узларининг натурал қуринишдаги мол-мулкларини (майда инвентарлар ва ҳоказолардан ташқари) ушбу фермерлар билан биргаликда фермер хужаликлари уюшмасига бирлашган хизмат курсатувчи кооперативларга фойдаланиш учун топширади. Бундай хизмат курсатувчи кооперативлар фермер хужаликларига шартнома асосида хизматлар курсатади.

Дастлабки мол-мулк (капитал)нинг йуклиги қуплаб (асосан биринчи гурухга қирувчи) фермер хужаликларини бошқаларига нисбатан тенг булмаган ҳолатга қуяди ва бу охир-оқибатда уларнинг иқтисодий ночорлигига ёки узок йиллик самарасиз фаолият курсатишига олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади.

Дехқон ва фермер хужаликлари фаолият юритиши учун зарур мол-мулкни ва ишлаб қикариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан сотиб олиши ҳам мумкин.

Дехқон ва фермер хужаликлари хусусий мулк шаклига асосланган хужалик юртиш субъектлари ҳисобланади (5.1-қизма).

МУЛК ШАКЛЛАРИ

Дехкон ва фермер хужаликларининг мол-мулки микдори чекланмаган булиб, у давлат томонидан химоя килинади. Дехкон ва фермер хужаликларининг мол-мулки уларнинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида карашли булади. Шу билан бирга хужалик аъзолари узаро келишиб, умумий улушли мулк ташкил этишлари хам конуний жихатдан мумкин. Дехкон ва фермер хужаликларининг мол-мулки умумий мулк булганлиги учун мол-мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хужалик аъзолари томонидан узаро келишув асосида амалга оширилади. Бунда юридик ва жисмоний шахслар билан узаро муносабатларда шу хужалик номидан хужалик бошли\и иш юритади.

Агар фермер хужалиги аъзоси хужалик таркибидан бошка фермер хужалиги тузиш максадида чикиш ниятини билдирса, у холда фермер

хужалиги мол-мулукидаги узига тегишли улушини натурада ёки улуш микдорига тенг булган кийматда олиши мумкин.

5.3. Дехкон ва фермер хужаликларининг мулкый жавобгарликлари.

Дехкон ва фермер хужаликларининг мол-мулки уларнинг аъзоларига мерос килиб қолдирилиши мумкин ва бунда меросхурлар мерос ҳуқуқи тўғрисидаги қонунома берилганлик учун давлат божига тулашдан озод этилган.

Фермер ва дехкон хужаликлари уз мажбуриятлари буйича ундирув каратилиш мумкин булган мол-мулки билан жавобгар булади.

«Фермер хужалиги ту'расида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 24-моддасига мувофиқ, ширкат хужалиги аъзоси бўлмаган, лекин унинг фаолиятида меҳнат шартномаси асосида иштирок этаётган шахс хужалик мол-мулкига фермер хужалигининг розилиги билан қўшган улушига мутаносиб равишда хужалик даромади тақсимоотида қатнашиш ҳуқуқига эга. Бу фермер хужаликлари мол-мулкларини қўпайтиришни раъбатлантирувчи омиللاردан биридир.

Дехкон ва фермер хужаликларининг мол-мулкани купайтириш ва ундан самарали фойдаланишнинг асоси тадбиркорлик фаолияти хисобланади.

Тадбирорклик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан амалга ошириладиган, уз таваккалчилиги ва мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қаторига урнатилган тартибда руҳхатга олинган ва тадбиркорлик фаолиятини юритаётган юридик ва жисмоний шахслар қиради. Фермер ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган деҳқон ҳужаликлари кичик ва урта тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликка асосан юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон ҳужаликлари ҳам тадбиркорлик фаолиятини юритишлари мумкин.

АҚШда кишлок хужалиги техникларини реализация қилиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат курсатиш системаси ташкилий жихатдан ўч бўлинга

булинади: техника ишлаб чиқарувчи фирма - дилер - истеъмолчи (фермер).

7.1-жадвал

Машина – трактор паркларининг (МТП ДАЖ) фермер хужаликларида механизация ишларини бажариши

№	Бажарилган иш ва курсатилган хизматлар тури	Улчов бирлиги	2000 йил			2002 йил		
			Барча категория хужалик-ларида	ш.ж. фермер хужалик-ларида	Фермер хужалик-ларида бажарилган ишлар салмоғи %да	Барча категория хужалик-ларида	ш.ж. фермер хужалик-ларида	Фермер хужалик-ларида бажарилган ишлар салмоғи %да
1	Ер хайдаш	га	2525200	269529	10,67	1591908	286904	18,02
2	Чизеллаш	га	766090	65717	8,58	603562	92258	15,28
3	Бороналаш	га	652354	41709	6,39	438959	64155	14,62
4	Молалаш	га	792959	58878	7,42	723760	78016	10,78
5	/алла уриш	га	947891	120269	12,69	1000657	259254	25,9
6	Ер текислаш	га	218012	156	0,07	168988	14113	8,35
7	Эгат олиш	га	87378	2884	3,3	58023	4511	7,77
8	Дон экиш	га	45619	-	-	29883	803	2,69
9	Арик олиш	мз	872963	6886	0,78	4051101	8202	2,02
10	Чигит экиш	га	48853	4402	9,04	30183	2222	7,36
11	Улитлаш	га	88945	2481	2,79	19096	1324	6,93
12	Культивация килиш	га	254482	40379	15,87	164270	15872	9,66
13	Пахта териш	га	50493	-	-		4925	12,7
14	Шоли уриш	га	13625	-	-		1033	9,28
15	Озука экинлари уриш	га	52386	2749	5025	19616	1262	6,43
16	Дорилаш	га	47430	465	0,98	21531	3496	16,23
17	Юк ташиш	тн/км	725723	104730	14,43	275897	23770	8,61
18	Турли ишлар	млн.су м	1682	201,06	11,95	2823	838,9	29,72
	ЖАМИ	млн.су	37090	3947,3	10,64	96116	19815	20,62

		М						
--	--	---	--	--	--	--	--	--

7.2-жадвал

МТП ДАЖлари томонидан механизация ёрдамада бажарилган ишларга тузилган шартномалар

2001 йил

ВИЛОЯТЛАР	Жами тузилган шартномалар		Жамоа ва ширкат хужаликлари			Фермер хужаликлари			Фермер хужаликлари салмо\и % да		
	сони, дона	киймати, млн.сум	сони	тузилган шартнома - лар сони, дона	киймати, млн.сум	сони	тузилган шартном а-лар сони, дона	киймати, млн.сум	жами тузилган шартнома -лар сонида	тузилган шартно-малар кийматид а	жами фермер-лар сонига нисбатан шартнома тузгани
қорақалпо\истон Республикаси	1628	3119	170	163	2750	3572	1465	369	89,99	11,83	39,04
Андижон	2444	3649	196	196	3269	3458	2248	380	91,98	10,41	65,0
Бухоро	3467	2913	181	174	2272	4870	3293	641	94,89	22,0	67,62
Жиззах	3045	6605	160	160	4680	5882	2885	1925	94,74	29,14	49,04
қашқадарё	1675	6813	218	221	6400	4567	1454	413	86,8	6,06	31,83
Навоий	535	1443	147	118	1275	2648	417	168	77,94	11,64	15,74
Наманган	1696	2934	160	162	2583	3077	1534	350	90,45	11,63	49,85
Самарқанд	2317	4822	278	327	4454	7812	1898	367	81,92	7,61	24,29
Сурхондарё	1488	3796	135	180	2646	3438	1308	1150	87,9	30,29	38,04
Сирдарё	2692	5876	105	105	3867	3316	2587	2009	96,1	34,18	78,01
Тошкент	850	3818	217	206	3702	4850	644	116	75,76	3,04	13,28
Фар\она	1467	3756	193	219	3163	4216	1248	413	85,07	11,0	29,6
Хоарзим	1153	2277	131	128	2080	3739	675	189	58,54	8,3	18,05
Республика	24457	51641	2291	2359	43141	55445	21656	8490	88,54	16,44	39,06

буйича:											
---------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Техника воситалари ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг 90 фоизга яқини техникаларни сотиш, таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ишларини диллерлик пунктлари орқали курсатади.

Албатта АҚШда тартиб топган техник хизмат курсатиш системасини автоматик равишда бизнинг республика шароитида қўллаб бўлмайди. Аммо техник хизмат курсатишнинг бундай мукаммал системаси тажрибаларидан бизнинг шароитда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган қўпгина томонлар борки, улардан оқилона фойдаланиш республикада фермерчилик ривожига катта ҳисса қўшган бўлур эди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳим звеноси (бу\ини) агрохимия хизматидир. Агрохимия хизмати қишлоқ хўжалиги қорхоналарини ўқитлар ва усимликларни химоя қилиш воситалари билан таъминлаш, химиявоситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан тадбирларни амалга ошириш ва тавсияномалар бериш қабил вазифаларни амалга оширади. Шунинг билан бирга хўжаликларнинг бўйрутмалари бўйича минерал ўқитлар ва бошқа химоя воситаларини хўжаликларга ташиб бериш ва қўллаш тадбирларини ҳам бажариши мумкин.

Ҳозирги қунда агрохимия хизматини амалга ошириш билан туманлардаги “Агроқимёсервис” ташкилоти шу\ўлланади. ”Агроқимёсервис” тумандаги хўжаликларни химиявий воситалари билан таъминловчи ягона ташкилот ўз хизмат соҳасидаги монопол мавқега эга. Бу эса фермер хўжаликларининг агрохимия хизматидан фойдаланишдаги танлов эркинлигини йўққа чиқаради.

Табиийки, минерал ўқитлар ва бошқа химиявий воситалардан фойдаланишда мутахассислар хизматидан фойдаланилмаса, қўтилган натижага эришиш қийин. Мана шуларнинг ҳаммаси агрохимия хизматини такомиллаштириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга қўтаришни талаб қилади.

қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни муомала соҳасида яқунланади. Шу туфайли унинг ривожланиш даражаси хўжалиқ фаолиятининг яқуний натижаларига бевосита таъсир курсатади. Ҳозирги пайтда фермерлар ўқун маҳсулот сотишга қўмақ берувчи бир нечта йўналишдаги инфратузилмалар мавжуд, яъни улар маҳсулотларини тайёрлов ташкилотлари ва қайта ишлаш қорхоналарига, тадбирқор хўсусий шахсларга ёки бозорда сотиши мумкин.

Аммо қўзатишлар шуни курсатдики, ҳозирда фермерлар маҳсулотини асосан тайёрлов ташкилотлари ва қайта ишлаш қорхоналарига шунингдек бозорда сотмоқда. Фермер хўжалигининг маҳсулотни реализация қилиш бўйича тайёрлов ташкилотлари ва бошқа қорхоналар билан муносабатлари шартнома асосида амалга оширилади.

Ҳозиргача бизда хўжаликларнинг маҳсулотларини маълум ҳақ эвазига саклаб берадиган совитгич ўстановқаларига эга омборлар тармоқи шаклланмаган. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда хизмат курсатишнинг бу тури кенг тарқалган. Маҳсус совитгичларга эга омборлоар тармо\ини барпо этиш бозорни йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бир

маромда таъминлаб бериш имконини беради. Шунингдек, кишлок хужалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳосилни йиқиб олиш даврида бозорларга талабдан ошқоча маҳсулот пасайиб кетишдан узларини бир қадар ҳимоя қила олиш имкониятига эга бўлади.

Фермер хужаликлари учун маҳсулот сотишга қумаклашувчи инфратузилмалар ичида фермер бозорлари қатта аҳамият қасб этади. Маҳсулотни бевосита бозорларда сотишнинг фермер учун манфаатли томонлари қуп. Чунки бунда у маҳсулотини узи истаган нарх бўйича (талаб ва тақлифдан қелиб қикиб) сотиш имкониятига эга бўлади, шунинг билан бирга бозорда у маҳсулотни нақд пулга сотиши мумкин.

Қейинги йилларда фермерларни эҳтиёт қисмлар, уруқлик, қучатлар ва қонцентрат озуқалар қабм моддий ресурслар билан таъминлашда қишлоқ жойларда ташқил топаётган дуқонлар фаолиятидан фойдаланиш тажрибага қириб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган дунёдаги қупгина мамлақатлар тажрибаси шуни қурсатадики, фермерларни моддий техника ресурслари билан таъминлашда товар ва ҳом ашё биржаларининг аҳамияти қаттадир. Биржалар фермерларга уз маҳсулотларини бозор қонъюқтураси ва талаб-тақлифлардан қелиб қикиб сотиш, шунингдек узларига зарур бўлган техника воситалари ва моддий ресурсларни харид қилишга имқон яратади.

Биржаларда маҳсулотларни моддий-техника ресурсларига бартер асосида айрибошласи учун ҳам шароитлар мавжуд. Хорижий мамлақатлар биржаларида фьючерс савдоси, яъни бўлқуси ҳосил учун олдиндан шартнома асосида ҳақ тулаб қуйиш қенг тарқалган. Бундай битимлар фермерларга йил давомида ишлаб қиқаришни бир маромда ташқил этиш учун олдиндан моддий ресурсларни харид қилиб қуйишга имқон беради.

Бозор муносабатлари тақомиллашиб бориши билан, фермерларга ҳизмат қурсатуви инфратузилма тарқибда биржалар, ярмарқалар ва бозорларнинг аҳамияти тобора ушиб бориши шубҳасиз.

Бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан бозор инфратузилмасининг муҳим тарқибий қисми сифатида ярмарқаларнинг роли ошиб боради. Имқоният даражасида ҳар бир туманда тез-тез ярмарқалар ташқил этилиб турилиши қерак. Шунингдек, туманларда қишлоқ ҳужалиқ маҳсулотлари билан улқуржи савдо қилишга ихтисослашган агробиржалар фаолиятини йулга қуйиш яҳши самара беради.

Ишлаб қиқариш инфратузилмаси тарқибда аҳборот ва маслахат ҳизмати муҳим урин тутати. Чунки етарли аҳборотга эга бўлмай туриб, ҳужалиқ самарадорлигини таъмин этувчи бошқарув қарорларини қабул қилиб бўлмайди. Шунингдек аҳборот ҳизмати ишлаб қиқаришни фан ва техниканинг энг янги ютуқлари, замонавий техника ва технологиялар, илқорлар тажрибаси билан таъминлаб туришга ёрдам беради.

Ҳозирги қунда фермерлар ҳар қачонгидан ҳам қура аҳборот ва маслахат ҳизматиға қупроқ эҳтиёж сезади. Чунки, уларни зарурий аҳборот ва маслахат

билан таъминлаб турувчи хизмат турлари ҳам шаклланмаган. Фермер хужаликларининг хажми кичиклигидан уларда агроном, зоотехник каби бир катор керакли мутахассисларни саклаб туриш узини окламайди. Хар бир тумандаги фермер хужаликлари уюшмаси кошида уларни зарур маълумот ва маслахатлар билан таъминловчи малакали мутахассислардан иборат хизмат гурухи шакллантирилади.

Таянч иборалар

- Иктисодий тизим
- Аграсанот мажмуаси
- Хизмат курсатиш сохалари
- Ишлаб чиқариш инфратузилма
- Ижтимоий инфратузилма

қискача хулосалар

«Инфратузилма» сузи лотин тилидан таржима килинганда «тузилмадан ташкарида» маъносини англатади. Иктисодий нуқтаи-назардан инфратузилма мохиятига қуйидаги изоҳ қупрок мос келади: «инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинувини таъминловчи товарлар ва хизматлар яратишда узига ҳос меҳнат жараёнлари мажмуаси».

Инфратузилма турт қисмга, ишлаб чиқариш, бозор, ижтимоий ва институционал инфратузилмага бўлинади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат курсатувчи тармоқларни уз ичига олади. Унинг таркибига:

- моддий-техника таъминоти;
- махсулотни ташиш, саклаш ва қайта ишлаш;
- агрохимия ва зооветренария хизмати;
- техник хизмат курсатиш;
- сув ва электр таъминоти, турли махсулотлар ва информация хизмати каби бўлинмалар қиради.

Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат курсатмасада, хужаликнинг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат курсатади. Масалан, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хужалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат курсатади.

Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор ҳосил қилиш учун, шунингдек меҳнатқашларнинг турли маиший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қилади.

Институционал инфратузилма иктисодиёт ривожланишининг оптимал макроиктисодий нисбатларини қўллаб-қувватловчи макроиктисодий тартибга солиувчи соҳалар ва фаолият турларини уз ичига олади. Унга иктисодиётни

тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари, молия-кредит тузилиши ва бошқалар қиради.

Инфратузилма булинмаларининг ривожланиб боришидан фермер хужаликлари катта манфаат куради, негаки бу фермерларни ишлаб чиқаришга хизмат курсатиш билан боклик булган ишлардан озод этиб, уларнинг куч-қайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Инфратузилма деганда нимани тушунаси?
2. Инфратузилма қандай табақалаштирилади?
3. Фермер хужаликларига хизмат курсатувчи инфратузилмаларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Бозор инфратузилмасини қандай йуналишларда такомиллаштириш лозим?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хужалиги туҳрисида»ги қонуни. Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хужалиги туҳрисида»ги қонуни. Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Салимов Б.Т., Хамдамов к.С., Юсупов М.С., Уроков Н.И. ва бошқалар. Дехқон ва фермер хужаликлари иқтисоди. Уқув қулланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2004.
4. Московская сельскохозяйственная академия www.ecfak.timacad.ru
5. www.uhh.hawaii.edu University of Hawaii at Hilo – Agroecology and Environmental Quality Program.
6. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. www.tsue.uz

VIII БОБ. ДЕХкОН ВА ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ХАМДА БОШКА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ИКТИСОДИЙ АЛОКАЛАРИ

Режа:

1. Иктисодий алокалар хакида тушунча
2. Фермер хужаликларининг улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи давлат муассасалари билан узаро иктисодий алокалари
3. Фермер хужаликлари ва хизмат курсатувчи корхоналар уртасидаги иктисодий алокалар
4. Фермер хужаликларининг банк- кредит муассасалари билан узаро иктисодий алокалари

8.1. Иктисодий алокалар хакида тушунча

Иктисодий алокалар асосида энг аввало иктисодий манфаат ётади. Иктисодий алокалар томонларнинг иктисодий манфаатларига мос келган ҳолдагина ривожланади ва аксинча. Иктисодий алокалар хужалик юритишнинг иктисодий механизмлари орқали тартибга солиб турилади. Хужалик юритишнинг иктисодий механизмларига объектив иктисодий қонунлар талаби ечилишида талаб қилинадиган иктисодий дастак ва усуллар (режалаштириш, баҳо, солиқ, молиялаштириш ва кредитлаш, шартномовий муносабатлар ва ҳ.к.) қиради.

Дехкон ва фермер хужаликларининг иктисодий алокалари қуйидаги объектлар уртасида содир бўлади.

• **Дехкон ва фермер хужаликларининг узаро иктисодий алокалари.**

Бунда дехкон ва фермер хужаликларининг бир-бири билан бўладиган алокалар (олди-сотди, узаро ёрдам, бир-бирига пуллик ёки бошқа шартлар асосида ёрдам курсатишлари) қиради. Бу жуда муҳимдир. Чунки дехкон ва фермер хужаликлари бир бирини қўллаб-қувватламасдан фаолият курсатишлари қийин. Улар биргаликда техника, ишчи кучи, хизмат курсатувчи соҳа хизматларидан фойдаланадилар. Масалан, бир техникадан турли шартлар асосида икки ва ундан қўп дехкон ва фермер фойдаланади. Бу уларга ресурсларни тежаш ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

• **Дехкон ва фермер хужаликларининг йирик кишлоқ хўжалиги қорхоналари билан (ширкатлар, ўқув юр்தларининг ўқув-тажриба хўжаликлари, қорвачилик фермалари ва ҳ.з.) алокалари.** Бу турдаги хужалиқлар билан иктисодий алоқаларни ривожлантирмай туриб ҳозирги

шароитда дехкон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш яхши натижалар бермайди. Бу борада айниқса йирик хўжаликларнинг хизмат курсатиш тизимидан, техникасидан фойдаланиш ҳар икки томонга катта самара келтириши мумкин.

- **Дехкон ва фермер хўжаликларининг бошқа тармоқ (саноат, айниқса қайта ишлаш саноати, уруқлик, минерал ушлар, техника билан таъминловчи тармоқлар корхоналари ва ҳ.к) билан иктисодий алоқалари.** Бу алоқаларнинг ҳам ривожланган даражаси куп жихатдан дехкон ва фермер хўжаликларини ривожланиш даражасини аниқлайди. Улар билан буладиган иктисодий алоқаларда энг асосий ролни шартнома ва унда курсатилган нарх ташкил этади. Шартномалар шарти ҳар икки томон учун манфаатли булиши мақсадга мувофиқ.

- **Дехкон ва фермер хўжаликларининг ўз ишчи ходимлари билан иктисодий алоқалари (муносабатлари)** ҳам уларнинг яхши ривожланишига катта таъсир курсатади.

- **Дехкон ва фермер хўжаликларининг давлат органлари билан иктисодий алоқалари (муносабатлари) ҳам катта аҳамиятга эга.** Энг аввало солиқ органлари, нафақа таъминоти тизими, экология билан шуғулланувчи органлар, банк, молия, суғурта тизимлари билан буладиган иктисодий алоқалар жуда муҳимдир. Бу давлат ташкилотларига ҳар бир дехкон ва фермер хўжалиги маълум ажратмалар килади. Уларнинг микдори, тулаш муддатлари дехкон ва фермер хўжаликлари ривожига салбий ёки ижобий таъсир курсатиши мумкин.

8.2. Фермер хўжаликларининг улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи давлат муассасалари билан ўзаро иктисодий алоқалари

Бугунги кунда фермер хўжаликларининг сони тобора ортиб, улар кишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштиришда салмоқли ўринга эга бўлиб бормокда. Шу боис ҳам, ўтиш даврида фермерлар фаолиятини, уларнинг давлат ва бошқа хўжалиқ юритиш субъектлари билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Фермер хўжаликлари сони кўпайиб бориши билан улар фаолиятини мувофиқлаштириш масаласига ҳам ҳукумат томонидан катта эътибор бериб келинмокца. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 18 мартдаги "Шахсий ёрдамчи ва дехкон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва мамлакатни озик-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 апрелдаги 215-сонли қарори билан Республика шахсий томорка ва дехкон хўжаликлари уюшмаси ташкил этилди.

Уша пайтга қадар қуйи бўлинда мустақил фермер хўжалиқлар ва жамоа хўжаликлари негизида ташкил этилган ички фермер хўжаликлари фаолият кўрсатган бўлса, уларнинг республикадаги барча туманларда, шунингдек, баъзи

вилоятлар бўйича уюшмалари тузилган бўлиб, мамлакат миқёсида эса бу уюшмалар фаолияти кишлок хўжалиги вазирлиги тизимидаги "Дехкон (фермер) хўжаликлари бошкармаси" томонидан мувофиқлаштирилар эди. Натижада фермер хўжаликлари фаолияти ва улар билан боʻлиқ барча маълумотлар вилоят ва туман миқёсида 2 йўналишда, яъни дехкон (фермер) хўжаликлари туман ва вилоят уюшмалари ҳамда кишлок хўжалик бошкармалари орқали мувофиқлаштирилди. Шу сабабли фермер хўжаликлари тўрисидаги барча маълумотлар турли хил, яъни қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, кишлок хўжалиги вазирлиги ҳамда Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг маълумотлари ўртасида кескин фаркланиш бўлиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар тўрисида аниқ ва ишончли ечимларга келишда бирмунча кийинчиликлар келиб чикди. Шу нуқтаи назардан ҳам Республика Шахсий томорка ва дехкон хўжаликлари уюшмасининг ташкил этилиши бу муаммога аниқлик киритди. Аммо уюшма алоҳида ташкилот эмас, балки "Ўзлугуржимевасабзавот" хиссдорлик компанияси ҳузурида ташкил этилган бўлиб, унинг раиси мазкур компания бош директорининг биринчи ўринбосари хисобланарди. Уюшма фаолиятининг бошқа вазирлик ёки компаниялар билан боʻлаб қўйилиши бозор талабларига мутлақо тўри келмади.

Шу нуқтаи назардан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 апрелдаги "Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўрисида"ги 168-сонли қарори фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида муҳим қадам бўлди. қарорга қўра, Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси алоҳида ташкилот сифатида фаолият юритиб, унинг асосий вазифаси бўлиб, фермерлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини барча хўжалик субъектлари олдида ҳимоя қилиш "Фермер хўжалиги тўрисида"ги қонунда фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, Республика дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда уларнинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади, деб белгилаб қўйилган.

Ҳозирги кунда республика Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, унинг вилоят ва туманлардаги вакилликлари фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи етакчи ташкилот сифатида фаолият юритмокда. Шу билан биргаликда, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзо бўлган, кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзгўштсутсановат" давлат акционерлик уюшмаси тизимида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ҳам мавжуд.

Жумладан, 2002 йилнинг 1апрель ҳолатига Республика бўйича жами 62310 та фермер хўжалиги мавжуд бўлса, улардан 54842 таси (88 фоизи) Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмасига аъзо бўлган. Вилоятлар бўйича бу кўрсаткич турлича бўлиб, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Фарғона вилоятидаги фермер хўжаликларининг ҳаммаси уюшмага аъзо бўлган.

"Узгўштсутсаноат" давлат акционерлик уюшмаси тизимида эса 2002 йилнинг 1 май ҳолатига қорвачилikka ихтисослашган 44 та фермер хўжалиги фаолият юритмокда.

Маълумки, кейинги йилларда паст рентабелли хўжаликларни таркатиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш тадбирлари амалга оширилоқда. Ҳозиргача 160 та жамоа ва ширкат хўжалиги негизида 8619 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Таркатишган хўжаликлар негизида янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларининг 6259 таси Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмасига аъзо бўлган бўлса, 2306 таси кипглок ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида ва 45 таси ҳеч қандай ташкилотга аъзо бўлмасдан фаолият юритмокда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда фермер хўжаликларининг бир қисми Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, бир қисми кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, "Узгўштсутсаноат" давлат акционерлик уюшмаси қаб ташкилотлар тизимида фаолият юритмокда. Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш борасида ягона, бир тизимли сиёсат олиб бориш учун барча фермер хўжаликлар Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси тизимида фаолият юритиши лозим.

Уюшманинг туман вакилликлари эса бевосита фермер хўжаликлари билан иш олиб боргани ҳолда улар ҳам барча топширик ва вазифаларни вилоят вакиллиги ва туман ҳокимиятидан олиб, ўз навбатида вилоят вакиллиги фаолиятини такрорлайди. Шундан қелиб қиккан ҳолда айтиш мумкинки, улар ҳам фермер хўжаликларини ривожлаптириш, улар олдида турган муаммоларни ҳал қилишда ташаббус қўрсатиб, фермер хўжаликларига бевосита амалий ёрдам беришда сезиларли ўрин тутат олмайдилар. Туман вакилликларининг асосий вазифаси вилоят вакиллиги ва маҳаллий ҳокимиятлар буйруқига қиноан кишлок хўжалик экинларини қойлаштириш ва фонд бўйича марказлашган усулда тақсимлашдаги моддий-техника ресурсларини бевосита фермер хўжаликларига етқизишдан иборат бўлиб қолмокда.

Сирдарё вилоятида ўтқазилган анкета сўровларида иштирок этган 200 та фермернинг 85-90 фоизи «Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг туман вакиллиги ишлаб чиқаришида, маҳсулот сотишда, материаллар билан таъминлашда ердам берадими?» деган саволларга «йўқ» деб қавоб қайтаришган. Ўтқазилган сўровларнинг қўрсатишича, фермерлар туман вакилликларига ЁММ, ў\ит ва шу қаб т материаллар учун тақсимланадиган фондларни олиш учунгина аъзо бўлишади. Фермерлар ҳуқуқларини қимоя қилиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштиришда туман вакилликларининг ўрни деярли сезилмайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фермер хўжаликларининг фаолияти давлат томонидан имтиёзли қарзлар, субсидиялар ва бошқа турдаги қолиявий ёрдамлар ҳамда қвоталар орқали тартибга солиб

турилади. Бу тадбирларнинг хаммаси бозор иктисодиёти конунлари доирасида, махсус давлат дастурлари оркали амалга оширилади.

Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, 2002 йилгача мамлакатимизда сурункасига зарар билан ишлаётган 160 та жамоа ва ширкат хўжаликлари таркатилиб, улар негизида 8,5 мингдан ортик фермер хўжалиги ташкил этилди. Ёппасига таркатилган хўжаликлар негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиклаштиришда ҳам хали кўпгина хал бўлмаган масалалар мавжуд. Жумладан, таркатилган хўжаликлар негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиклаштириш ва уларга амалий ёрдам бериш максатида ўртача 5-6 кишидан иборат "фермерлар бирлашмаси" ёки "фермерлар уюшмаси" деган корхона тузилган. Бу корхонада раис, агроном, муҳандис, муҳосиб, иктисодчи каби мутахассислар хизмат кўрсатиб, асосан фермер хўжаликлари томонидан ажратилган ажратмалар ҳисобига фаолият юритади.

Янгидан ташкил этилаётган фермер хўжалиги мажбурий-ихтиёрий равишда бир вақтнинг ўзида "фермерлар бирлашмаси (ёки уюшмаси)га", шунингдек, Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакилликка аъзо бўлмокда. Амалиёт тажрибаларининг кўрсатишича, мазкур уюшмалар ҳозирги кунда кўпроқ фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиклаштирувчи ва ҳукукий ҳимоя қилувчи эмас, балки назорат қилувчи органга айланиб қолмокда. ҳар бир уюшма фаолиятида фермер хўжаликларини мувофиклаштириш билан назорат қилишнинг аниқ чегаралари қатъий белгиланиши лозим.

Бундан ташқари, туман вакиллик, фермерлар бирлашмаси ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳар йили фермерларни аттестациядан ўтказиш амалиёти қўлланилмокда, аттестациядан ўтиш учун фермерлар бирлашмаси (ёки уюшмаси раиси) фермер хўжалигининг фаолияти бўйича ёзма ҳулоса беради. Ана шу ҳулосаларга асосан фермер хўжалиги аттестациядан ўтказилади. Ушбу ҳолат фермерлар фаолиятига ноқонуний аралашуш, улар эркинликларини чеклаш ҳисобланади ва қонун томонидан қатъи ман этилган. Аттестацияни ўтказиш тартиби, ташкилий ва бошқа жиҳатлари савияси жуда паст бўлиб, бош мезон сифатида фермернинг ишлаб чиқариш режасини бажаргани ёки бажармаганлиги олинади.

Ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари уюшмаси расман мувофиклаштирувчи ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилувчи бўлсада, лекин аслида назоратчи орган сифатида фаолият юритмокда. Шу билан фермерлар устидан назоратчи ташкилот яна биттага кўпаймокда. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, ёппасига таркатилган хўжаликлар заминида ташкил топган фермер хўжаликлар ўзаро ихтиёрийлик асосида кооперация шаклида бирлашушлари мақсадга мувофиқдир. Кооперация раиси, унинг ижроия органи демократик асосда фермерлар томонидан сайланиб, унинг

фаолияти факатгина фермер хўжаликларига барча зарурий сервис хизмати кўрсатишни ташкил килишдан иборат бўлиши лозим.

Фермер хўжаликларининг фаолиятини мувофиклаштирувчи асосий ташкилот Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги ҳисобланади. Утказилган сўровлар бугунги кунда мазкур ташкилотнинг фаолиятида бир канча етишмовчиликлар борлигини кўрсатмоқда.

Сўров утказилган фермерларнинг 76,3 фоизи материаллар таксимлашда вакиллик фаолиятидан кониксалар, 17,4 фоизи коникмайдилар. 6,3 фоиз фермерлар эса бу саволга жавоб беришга кийналганлар.

Фермерларнинг 85,2 фоизи ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатишда, маслаҳат беришда вакиллик фаолиятини коникарли, деб ҳисоблайди. 9,7 фоиз фермерлар эса бу соҳада вакиллик фаолиятини коникарсиз деб ҳисоблайди.

8.1-жадвал

Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги фаолиятига фермернинг муносабати

(фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Материаллар таксимлашда			ҳужжатларни расмийлаштириш ва маслаҳат беришда		
	кони карли	кони карсиз	жавоб бериш кийин	коникарли	кони карсиз	жавоб бериш кийин
Тошкент	80,0	18,4	1,6	85,0	11,7	3,3
Хоразм	81,6	13,4	5,0	90,0	8,3	1,7
Фарғона	70,0	13,4	16,6	80,0	6,7	13,3
Андижон	96,8	3,2	-	96,8	-	3,2
Наманган	76,4	14,8	5,8	85,3	2,9	8,8
Сирдарё	74	22	4	90,0	8,0	2,0
Жиззах	56,8	29,5	13,7	68,6	23,6	7,8
Жами	76,3	17,4	6,3	85,2	9,7	5,1

Хозирги кунда фермерлар фаолиятини мувофиклаштирувчи асосий ташкилот ҳисобланган Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят ва туман вакилликлари фаолияти фермерлар талабига жавоб бермайди. Чунки бу вакилликларнинг асосий вазифаси моддий-техника ресурслари учун ажратилаётган фондларни таксимлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Бу ташкилотлар мувофиклаштирувчи эмас, назратчи ташкилотларга айланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам кўпчилик фермерлар туман вакиллиги ярим давлат ташкилот бўлиб, давлат ва туман ҳокимияти топшириқларини бажаради, деб ҳисоблайдилар.

Шу билан биргаликда, уюшманинг туман вакилликларида ишловчи мутахассислар малакаси, билим даражаси ҳам етарли даражада эмас. Фермерлар факат моддий-техника ресурсларига фонд олиш учун туман вакилликларига

аъзо бўладилар. Амалда вакилликлар фермерларнинг муаммоларини хал қилиб бера олмайдилар.

Бугунги кунда фермерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳам етарли даражада эмас. Мелиоратив ҳолати ёмон, унумдорлиги паст ерлардаги фермер хўжаликларига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, су\ориш тизимини тартибга солиш учун деярли ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаяпти. Ҳозирги кунда фермерлар сифатли маслаҳат ва ахборот олишга муҳтож. Бу тизимни эса бевосита давлат ташаббуси ва мувофиқлаштируви орқалигина амалга ошириш мумкин.

8.3. Фермер хўжаликлари ва хизмат курсатувчи корхоналар уртасидаги иқтисодий алоқалар

Фермер хўжалигининг маҳсулотни реализация қилиш бўйича тайёрлов ташкилотлари ва бошқа корхоналар билан муносабатлари шартнома асосида амалга оширилади.

Масалан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларининг тумандаги пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамиятлари билан пахтани сотиш бўйича муносабатлари қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Хўжаликлар йил бошидан бул\уси ҳосил учун пахта тозалаш заводи билан шартнома тузади. Бундан ташқари хўжаликлар ихтиёрида қоладиган пахта хом-ашёсидан чиққан чигитни ҳам эркин нарх асосида сотиши ёки ё\экстракция заводида айта ишлаш учун жунатиши мумкин.

Фермерларнинг қолган тайёрлов ташкилотлари ва қайта ишлаш корхоналари (консерва заводи, сут заводи ва ҳ.к.з.) ҳамда хизмат курсатувчи корхоналар («Агрокимёсервис», МТПлар, Нефт маҳсулотлари омборлари ва бошқ.) билан алоқалари ҳам худди шунга ўхшаш тартибда шартномалар асосида амалга оширилади.

Аммо, хизмат курсатувчи корхоналарнинг жойларда озчиликни ташкил этиши туфайли улар монопол мавқега эга бўлиб, фермерларнинг танлов эркинлигини йукка чиқармоқда. Техник хизмат курсатиш ва моддий техника таъминоти соҳаларида булгани каби маҳсулотларни тайёрлаш ва қайта ишлаш шу\улланувчи корхоналар ҳам озчиликни ташкил қилиб, ўз маҳсулотларида яққа ҳокимликларни (монополия мавқеини) қулга киритиб олганлар. Шунинг учун, ҳар бир туман микёсида қайта ишлаш корхоналари тармоқини қупайтириш бўйича жиддий тадбирларни амалга ошириш зарур. Маҳсулотларни қайта ишловчи янги цехларни ишга тушириш ёки мавжуд корхоналарнинг бир неча жойда маҳсулот қабул қилувчи шаҳобчаларини очиш керак.

Махсулотни хом-ашё сифатида сотишдан йил давомида тер тукиб меҳнат қилган фермер эмас, балки арзимаган ҳақ эвазига уни харид этиб, қайта ишлаб сотадиган корхоналар қатта фойда куради.

Кейинги йилларда қупчилик қайта ишлаш ва тайёрлов корхоналари ҳамда хизмат курсатувчи тузилмалар давлат тасарруфидан чиқарилиб, очик ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Аммо уларнинг акционерлари қупинча шу корхоналарнинг аъзоларидан иборат бўлмоқда. Шунингдек акцияларнинг қупчилик қисми давлатга тегишли. Фикримизча қайта ишлаш ва тайёрлов корхоналарининг яққа ҳокимлигини тугатиш ва ҳужалиқларнинг уларга бошқарулигини бартараф этиш учун, бундай корхоналар акцияларининг қатта қисмини биринчи навбатда шу корхоналарга махсулот етказиб берувчи ҳужалиқларга сотиш керак (ҳеч бўлмаганда назорат пакети микдорида) чиқарилган ишловчи шахслар эгаллик қилиши корхонада ишловчи шахслар ёки бошқа кишло ҳужалиғи корхоналари узлари махсулот стадиган қайта ишлаш ёки тайёрлов корхоналарининг акцияларига эга бўлса, улар ҳам шу корхоналар фойдасининг бир қисмига шерик сифатида уларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлади, ҳам бошқаришда сезиларли таъсир курсатиб кишлоқ ҳужалиғи махсулотларининг арзон баҳоларда сотиб олинишига чек қуйилади.

8.4. Фермер ҳужалиқларининг банк- кредит муассасалари билан узаро иқтисодий алоқалари

Маълумки, фермер ҳўжалиқлари фаолиятини ривожлантиришда уларни кредит билан таъминлаш муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, кишлоқ ҳўжалиғи ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер ҳўжалиқлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда фермер ҳўжалиқлари ва бошқа кичик ҳамда ўрта бизнес субъектларини кредитлар билан таъминлаш мақсадида қатор ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлигига қарамастан, фермер ҳўжалиқлар етарли даражада кредитлар, айниқса, имтиёзли кредитлар билан таъминланмаётир. Бунинг ўтказилган анкета сўровлари ҳам тасдиқлади.

Фермер ҳўжалиқларини имтиёзли кредитлар билан таъминлаш Тошкент вилоятида бошқа вилоятлардагига нисбатан бир оз яхши йўлга қўйилган. Тошкент вилоятида сўралган фермерларнинг 23 таси ёки 38,3 фоизи имтиёзли кредит олган. Шу жумладан, 8 та фермер ҳўжалиғи 2001 йилда имтиёзли кредитлар берилган.

қолган вилоятларда имтиёзли кредитлардан фойдаланган фермерлар сони жами фермерлар сонига нисбатан жуда озчилиқни ташқил этади. Жумладан, Хоразм вилоятида сўров ўтказилган фермерларнинг 8 таси ёки 13,3 фоизи имтиёзли кредитлардан фойдаланган бўлса, бу қўрсатқич Фарғона вилоятида 5 тани (16,6 фоизи), Андижон вилоятида 6 тани (18,7 фоизи), Наманган вилоятида 4 тани (11,7 фоизи), Сирдарё вилоятида 9 тани (18 фоизи), Жиззах

вилоятида эса 8 тани (15,6 фоизпи) ташкил этади. Имтисзли кредитлар асосан кейинги 3 йил - 2000-2002 йилларга тўри келади.

Хозирги кунда фермер хўжаликларининг бошка кичик ва ўрта бизнес субъектлари каби Бизнес фонд, Мехнат биржаси, Дехкон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жам'армаси томонидан имтиёзли кредитлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Шу билан биргаликда мавжуд тижорат банкларининг имтиёзли кредит фонди маблаъларидан ҳам фермерларга кредитлар ажратилмоқда.

Кредитлардан фойдаланган жами фермерларнинг Тошкент вилоятида 47,8 фоизи, Хоразм вилоятида 50 фоизи, Андижон вилоятида 50 фоизи, Наманган вилоятида 25 фоизи, Сирдарё вилоятида 44,4 фоизи банкларнинг имтиёзли кредит фондидан кредит олишган.

Андижон вилоятида фермерлар томонидан олинган кредитнинг 33,3 фоизи, Сирдарё вилоятида 44,4 фоизи, Жиззах вилоятида 37,5 фоизи, Наманган вилоятида 25 фоизи Бизнес фонднинг бошлан'ич маблаълар учун мўлжалланган кредитлари ҳисобига тўри келади. Бизнес фонд томонидан бериладиган микрокредитлар унчалик юкори салмоққа эга эмас. Бу турдаги кредитдан баъзи вилоятлардаги кредит олган фермерларнинг 16-20 фоизи фойдаланган.

Мехнат биржаси томонидан бериладиган кредитлардан факат Тошкент ва Хоразм вилоятидаги фермерларгина фойдаланишган. қолган вилоятлардаги фермер хўжаликларига бу жам'арма томонидан умуман кредит берилмаган. Тошкент ва Наманган вилоятларидан кредит олган фермерлардан биттаси, Фар'она вилоятидан 2 таси, Жиззах вилоятидан 5 таси Дехкон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жам'армаси томонидан кредит олишган. Хоразм, Андижон, Сирдарё вилоятларида сўралган фермерларнинг биронтаси ҳам мазкур жам'армадан кредит олмаган.

Фермер хўжаликларига берилаётган кредитлар миқдори таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, кредит олган фермер хўжаликларининг асосий қисми 1-3 млн.сўм миқдорида кредит олган. 7 та вилоят бўйича кредит олган фермерларнинг 8 таси 1 млн. сўмгача, 25 таси 1 млн. сўмдан 3 млн. сўмгача, 11 таси 3 млн. сўмдан 5 млн. сўмгача, 9 таси 5 млн. сўмдан 10 млн. сўмгача, 8 таси 10 млн. сўмдан кўп кредит олган.

Имтиёзли кредитдан фойдаланмасликнинг асосий сабаблари: банкларнинг туман филиалларида молиявий ресурсларни йўқлиги, гаров ёки қафолатнинг йўқлиги, кредит миқдорининг қамлиги ва бошқалардир.

Тижорат кредитларидан фойдаланаётган фермерлар сони жуда озчилиқни ташкил этади. Чунки тижорат кредитларининг шартлари фермер учун тўри келмайди, Тижорат кредитларидан фойдаланаётган фермерлар сони Тошкент вилоятида 6 та (10 фоиз) ни, Хоразм вилоятида 1 та (1,6 фоиз)ни, Фар'она вилоятида 2 та (6,6 фоиз)ни, Андижон вилоятида 3 та (9,3 фош)ни, Наманган вилоятида 2 та (5,8 фоиз)ни, Сирдарё вилоятида 2 та (4 фоиз)ни, Жиззах вилоятида 4 та (7,8 фоиз)ни ташкил этади. Умуман олганда сўров ўтказилган 7

та вшюятда жами 317 та фермернинг 20 тасигина тижорат кредитларидан фойдаланишган.

Фермерлар томонидан олинган тижорат кредитларининг йиллик фоиз ставкаси 20-40 фоизни ташкил этади. Олинган жами 20 та тижорат кредитининг 10 таси киска муддатли (1 йилгача) кредитдир. Факат Хоразм вилоятида 1 та фермер 5 йилдан узок бўлган муддатга 30 фоиз йиллик фоиз билан кредит олган.

Тижорат кредитидан фойдаланмаган фермерлар сони Тошкент вилоятида 54 та (90 фоиз)ни, Хоразм вилоятида 59 та (98,3 фоиз)ни, Фарғона вилоятида 28 та (93,3 фоиз)ни, Андижон вилоятида 29 та (90,6 фоиз)ни, Наманган вилоятида 32 та (94,1 фоиз)ни, Сирдарё вилоятида 48 та (96 фоиз)ни, Жиззах вилоятида 47 та (92,1 фоиз)ни ташкил этади.

Тижорат кредитидан фойдаланмаган фермерларнинг 85-90 фоизи фойдаланмасликнинг асосий сабаби сифатида ташшф килинаётган кредитлар юкори фоизли эканлигини кўрсатишган.

Айни пайтда фермер хўжаликлари ва бошка кичик хамда ўрта бизнес субъектларини кредитлар билан таъминлаш мақсадида катор хукукий ва меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилганлигига қарамасдан, фермер хўжаликлари кредитлар, айникса, имтиёзли кредитлар билан етарли даражада таъминланмаётир.

Имтиёзли кредитлардан фойдаланган фермерлар салмоғи 19,8 фоизни ташкил этади. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда фермерларни имтисзли кредитлар билан таъминлашда тижорат банкларининг имтиёзли кредит фонди салмоқли ўрин (42,8 фоиз) тутмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда фермерларга берилаётган кредитларнинг асосий қисмини, яъни 42,8 фоизини 1 млн.дан 3 млн.гача бўлган кредитлар ташкил қилмоқда. Бу микдор фермер учун техника воситалари ёки бошка кишлок хўжалик машиналарини сотиб олиш имконини бермайди.

8.2-жадвал

Фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлар билан таъминлаш
(фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	имтиёзли кредит олган фермерлар салмоғи	Жами имтиёзли кредит олган фермерлар сонига нисбатан									
		Кредит тури						Миклори			
		Бизнес фонддан бошлаиқ	Бизнес фонддан	Меҳнат биржасидан	Банкларни имтиёзли	Фермерларни куллаб қувватлаш жамлаамаси млнгача	1-3 млнгача	3-5 млнгача	5-10 млнгача	10 млндан ортиқ	
Тошкент	38,3	4,3	21,7	8,6	56,5	4,3	8,6	56, 5	13	8,6	13
Хоразм	13,3	25	-	25	50	-	12,5	75	12,5	-	50
Фарғона	16,6	-	20	-	40	40	-	20	40	40	-
Андижон	18,7	33,6	16,6	-	50	-	50	33,3	-	16,6	-
Наманган	11,7	25	25	-	25	25	-	100	-	-	-
Сирдарё	18,0	44,4	11,1	-	44,4	-	-	11,1	44,4	33,3	11,1

Жиззах	15,6	37,5	-	-		62,5	25	25	12,5	12,5	-
Жами	19,8	70,6	15,8	6,3	42,8	14,2	12,6	42,8	17,4	14,2	12,6

Бугунги кунда фермер хужаликларига ажратилаётган кредитлар кузланган мақсадга эриши имконини бермайди. Чунки фермерларга ажратилган кредитларнинг аксари қисми 1-3 млн. сумни, муддати 1-3 йилни ташкил этмоқда. Бу фермерга трактор ёки бошқа турдаги қишлоқ хужалиқ техникаси сотиб олиш имкониятини бермайди. Фермерларни тижорат банкларидан, Дехкон ва фермер хужаликларини қўллаб-қувватлаш жам\армаси, Бизнес фонд ва шу қабиле жам\армалардан кредит олиш тизими жуда мураккаблаштирилиб юборилган. Шунинг учун ҳам фермерларга кредит берувчи нодавлат ташкилотларнинг умумий берилган кредитлардаги улуши жуда кам. Бундан ташқари, мазкур фондларнинг кредит ресурслари ҳам етарли эмас.

Таянч иборалар

- қишлоқ хужалиқ маҳсулотлари бозори
- табиий-биотехнологик омиллар
- бозор механизми
- тадбиркорлик эркинлиги
- давлат томонидан қўллаб қувватлаш зарурияти
- ҳуқуқий ҳимоялаш
- бевосита ва билвосита таъсир

қисқача хулосалар

Иқтисодий алоқалар асосида энг аввало иқтисодий манфаат ётади. Хужалиқ юритишнинг иқтисодий механизмларига объектив иқтисодий қонунлар талаби ечилишида талаб қилинадиган иқтисодий дастак ва усуллар (режалаштириш, баҳо, солиқ, молиялаштириш ва кредитлаш, шартномовий муносабатлар ва ҳ.к.) қиради. Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш борасида ягона, бир тизимли сиёсат олиб бориш учун барча фермер хўжаликлари Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси тизимида фаолият юритиши лозим. Техника билан таъминланганлик фермер хўжаликлари ривожланишида муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Назорат ва муҳофаза учун саволлар

1. Дехкон ва фермер хужаликлари фаолиятининг самарадорлигида иқтисодий алоқалар қандай аҳамиятга эга?

2. Дехкон ва фермер хужаликларининг иктисодий алокалари кандай объектлар уртасида содир булади?
3. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси(СФУ)нинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Дехкон ва фермер хужаликларининг фаолиятини қайси ташкилот мувофиқлаштиради ва унинг вазифалари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Салимов Б.Т., Хамдамов к.С., Юсупов М.С., Уроков Н.И. ва бошқалар. Дехкон ва фермер хужаликлари иктисоди. Уқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам'армаси, 2004.
3. Дайджест-журнал «Фермер». www.chshb.ru
4. Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003. <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
5. ЛБР – сельскохозяйственная техника, комбайну, косилки, сеялки, запчасти к сельхозтехнике www.lbr.ru

IX БОБ. МАХСУЛОТ СОТИШНИ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Режа;

1. Дехкон ва фермер ҳамда бошқа кишлок хужалиги корхоналарида махсулот тайёрлаш тизимини ривожланиши
2. Давлат эҳтиёжлари учун кишлок хужалиги махсулотларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йуллари
3. кишлок хужалиги махсулотларини шартномалар асосида тайёрлаш ва сотишни такомиллаштириш

9.1 кишлок хужалиги махсулотларини шартномалар асосида тайёрлаш ва сотишни такомиллаштириш

Республикамизда олиб борилаётган иктисодий ислохотлар жараёнида кишлок хужалигида турли мулкчиликка асосланган хужалик юритувчи субъектлар юзага келиб ривожланмокда. Аграр секторда фермер ва дехкон хужаликларининг микдори ва ишлаб чиқаришдаги улушлари ортиб бормокда. Айниқса, истеъмол бозорини картошка, сабзавот ва турли хил мевалар билан таъминлашда уларнинг хиссаси жуда каттадир.

2002 йил октябр ҳолатида республикада 3,6 млн. аҳоли хужаликларидан 1,9 млн.таси дехкон хужалиги сифатида рўйхатдан утган бўлиб, уларнинг мингтаси юридик шахс мақомига эга бўлган. Уртача аҳоли хужаликларининг майдони 1989 йилга нисбатан деярли икки мартага ушиб 0,2 гектарни ташкил этди 2001 йилда дехкон хужаликлари хиссасига: ишлаб чиқарилган картошканинг қарийб 80 фоиз, полиз махсулотларининг 64 фоиз, сабзавотларнинг 75 фоиз, гуштнинг 91,9 фоиз, сутнинг 94 фоиз ва тухумнинг 60 фоиз мос келган.

кишлок хужалиги ишлаб чиқаришида нодавлат секторининг кучайиши ҳамда ривожланишига чорвачилик ва мева-сабзавот махсулотларининг ишлаб чиқаришини мазкур секторга кучганлиги ҳамда бундай махсулотларга давлат буюртмаларини бекор қилинишига асос солди.⁷

кишлок хужалигининг ишлаб чиқаришида йирик товар хужаликлари каторида куп микдорли аҳоли, дехкон ва фермер хужаликларининг шаклланиши ва фаолият курсатиши соҳада махсулот тайёрлаш тизимини ҳам тубдан янгиладанишига ундамокда.

Чунки кишлок хужалигида махсулот етиштириш билан бир каторда уни тайёрлаш, саклаш, кадоклаш ва истеъмолчиларга талофатсиз етказиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, тез бузиладиган ва транспортда ташиши ноқулай бўлган махсулотларнинг кишлок хужалигида етиштирилиши махсулот

⁷Ўзбекистан:десять лет по пути формирования рыночной экономики./колл.авт.:Р.А.Алимов, А.К.Бедринцов, А.Ф.Расулов и др. Т.:Ўзбекистон, 2001.-(352с), 98-99 б.

бозорига хизмат курсатиш тизимида ракобат мухитини кучайишини такозо этади.

Чунки, хозирги вақтда республикамизда етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг бир қисми истеъмолчиларга етиб бормаяпти. Масалан, А.Аюповнинг маълумотларига қараганда мева-сабзавотларнинг 30фоиз истеъмолчиларга етиб бормасдан нобуд буларкан.⁸

Республика мева-сабзавотчилигида юзага келган бундай ноқулай шароитни бартараф этиш, соҳанинг барча инфратузилма тармоклари ва маҳсулот бозорини такомиллаштиришни талаб қилади.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тайёрлов ва сотув каналлари қуйидагилардир:

1. Ишлаб чиқарувчилар – Давлат – Истеъмолчилар;
2. Ишлаб чиқарувчилар – Дехкон бозори – Истеъмолчилар;
3. Ишлаб чиқарувчилар – Хусусий (кичик) олиб сотарлар – Дехкон бозори – Истеъмолчилар;
4. Ишлаб чиқарувчилар – «Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо» ташкилотлари – Чакана савдо – Истеъмолчилар;
5. Ишлаб чиқарувчилар – Воситачилар – Товар хом ашё биржалари – Ўлгуржи (хусусий) тайёрлов ташкилотлари – Чакана савдо – Истеъмолчилар;
6. Ишлаб чиқарувчилар – қайта ишлаш корхоналари – Ўлгуржи савдо корхоналари – Чакана савдо – Истеъмолчилар;
7. Ишлаб чиқарувчилар – қайта ишлаш корхоналари – Чакана савдо – Истеъмолчилар;

Пахта хом ашёси, дон, тамаки асосан биринчи канал орқали тайёрланади. Иккинчи канал анъанавий бўлиб, истикболдир. Мазкур канал орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотув ҳажми 56 фоиз ва ундан ортиқни охириги йилларда ташкил этмоқда.⁹ Расмий маълумотларга қура, 2001 йил 1 декабрда республика буйича чакана товар айланишининг умумий ҳажми 269011,8 млн.сумни ташкил этган, шу жумладан дехкон ва буюм бозорларининг обороти 180748,3 млн. сумга ёки умумий чакана товар оборотининг 67,2 фоизга тенг бўлган.

Дехкон бозорларида харидор ва сотувчиларнинг эркинликларини таъминлаган ҳолда, ўз моддий-техника базаси (шу жумладан ўз транспорти саклаш омборхоналари, музлатгичлари, ёпик витриналари...)га эга бўлган тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бу қилинадиган харажатлар тез орада узини коплайди. Чунки айни пайтда қупчилик савдогарлар маҳсулот қолдиқларини қун якунида уйларига олиб бориб, эртанги қунда қайтиб бозорга олиб қелади. Йирик шаҳарларда

⁸ Единая Холодильная Цеть Республика Узбекистан //Экспорт плодовошной продукции дехканских и фермерских хозяйств в Узбекистане: достигнутые результаты и перспективы развития. Сб.науч.стат.Ташкетн, 2002, с.128.

⁹ М.А.Орипов. не потерять – значит приумножить // Экономический вестник Узбекистана. №10, 2000, с.14-15.

тула инфратузилма хизматлари мажмуига эга булган улгуржи кишлок хужалиги махсулотларининг бозорини ташкил этилиши ва уларнинг узлари махсулот тайёрлаш, саклаш ҳамда улгуржи (ёки чакана) савдо билан шу\улланишлари юкори самара бериши мумкин. Бундай бозорларда кишлок хужалиги махсулотларини кадоклаш, навларга ажратиш ва ностандарт товарларни кайта ишлашини йулга куйиши уларнинг самарадорлигини янада оширади. Бу билан бирга янги иш жойлари яратилиши мумкин. Энг мухим кадоклаш натижасида махсулотнинг кайта ишлаш ва сакланиши кулайлашади. Мазкур бозордаги махсулотни кайта ишлаш ва бошка чикиндилярни чорвачилик фермерларига сотиш ёки бозорнинг ёнида уз чорвачилик ёрдамчи хужаликларини ташкил килиш ҳам ижобий самара бериши мукаррардир.

Дехкон бозорларини узаро кооперациялашувлари асосида тез бузиладиган махсулотларнинг кайта ишлаш цехларини ва кишлок хужалиги махсулотларининг саклаш омборларини куриш ёки ижарага олишни йулга куйиш катта ахамият касб этмокда. Чунки айна пайтда, кишлок хужалиги махсулотларини саклаш омборларидан фойдаланиш даражаси жуда пастдир. (8.1.-жадвал)

9.1.-жадвал

Республика картошка, сабзавот ва меваларни кишки захираси ва уларни саклаш омборларини юкланиш даражаси 1998-2000 йиллар*

№	Республика ва вилоятлар	Жами картошка, сабзавот ва мевалар					
		1998 йил		1999 йил		2000 йил	
		минг тонна	о.с.н** фоиз	минг тонна	о.с.н** фоиз	минг тонна	о.с.н** фоиз
1	коракалпо\истон Р.	5,52	124	1,9	42	1,2	33
2	Андижон	28,1	52	19,6	36	20,1	37
3	Бухоро	3,6	14	2,3	9	3,9	15
4	Жиззах	1,05	14	0,94	12	1,14	15
5	кашкарё	24,8	94	26,2	99	16,4	62
6	Навоий	7,2	39	6,8	36	6,8	37
7	Наманган	30,7	99	41,2	133	40,6	131
8	Самарканд	4,1	80	4,8	94	4,3	84
9	Сурхондарё	1,4	-	2,4	-	0,9	-
10	Сирдарё	0,78	52	2,45	163	3,4	226
11	Тошкент	22,7	77	16,7	57	18,4	62
12	Фар\она	16,03	60	12,84	49	17,79	69
13	Хоразм	21,7	44	19,1	38	20,3	41
	Жами	167,7	60	155,9	56	155,8	56

*Жадвал коракалпо\истон Жукори Кенгаси Агросаноат комплекси котибияти ва вилоятларнинг «Матлуботсавдо» хиссдорлик компанияларининг маълумотларига биноан тузилган.

**ОСН – Омборларнинг си\имига нисбатан фоиз.

9.1.-жадвалдаги маълумотлар юкоридаги фикримизни тасдикламокда, яъни 1998-2000 йилларда мева – сабзавот ва картошка саклаш омборларида

си\дириш даражасида махсулот захира килинмаган. Бунинг сабаблари куйидагилар:

1. Омборларни 10-15 фоизнинг мева – сабзавот, картошка саклаш учун яроксиз холга келиб.ю таъмирга мухтож булиб колганлиги;

2. Картошка,мева ва сабзавотни етиштирувчилардан сотиб олиш учун тайёрлов корхоналарида етарли мабла\ларнинг йуклиги;

3. Мазкур махсулотларни саклаш учун энергия талаб булганлиги туфайли мева – сабзавот саклаш омборларида дон, чорва учун ем ва бошка махсулотлар сакалмокдалар ёки омборларни эгаси уларни тадбиркорларга уз фойдаланиш учун ижарага бериб куйганлар;

4. Баъзи хусусийлаштирилган омборларни эса тадбиркорлар ишга ярокли материалларини (узининг дебиторлик) карзларини тулаш учун сотган ёки улардан бошка максадда фойдаланилмокдалар;

5. Омборларда кишлок хужалиги махсулотларини саклаш учун тара ва контейнерларнинг етарли булмаганлиги хамда уларни нархининг бандлиги ва бошкалар.

кайд этиш лозимки, 2001 йил 1 декабр холатида жорий маълумотларга кура 132,2 минг тонна мева-сабзавот, полиз махсулотлари ва картошка кишки истеъмол учун захира килинган, бу утган йилгисига нисбатан 17,9 фоиз камрокдир. кишлок хужалиги махсулотларини кишки истеъмол учун камайиб кетаётганлигининг яна бир сабаби: янги ташкил этилган «Ўзбекбирлашув» акционерлик компанияси ва худудий «Матлуботсавдо» бирлашмалари, «Ўзмевасазавотгузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси, уларнинг тизимидаги савдо уйлари хамда товар ва хом ашё биржаларининг кишлок хужалиги махсулотлари бозорида уз макомларига эга булганларича йук. Бирок мазкур ташкилот ва корхоналарнинг имкониятлари жуда кенгдир. Бунинг устига республикамизнинг мева-сабзавот омборларининг куп кисми уларга карашлилиги мазкур тизимни кишлок хужалиги махсулот бозорида ракобатбардошлигини оширади.

АК «Матлуботсавдо» ва собик «Мевасабзавот» уюшмасининг (мазкур ташкилот «Ўзмевасазавотгузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси таркибига киритилган) фарклари шундаки, биринчисида кишлок хужалиги махсулотларининг ишлаб чиқарилиши йулга куйилмаган булиб, факат уларни тайёрлаш ва сотуви хамда кам микдорда кайта ишлаш билан шу\улланади, «Мевасабзавот» уюшмаси эса купинча узининг тизимидаги кишлок хужалиги махсулотларини етиштирувчилар ва кайта ишловчи корхоналарнинг махсулотларини реализация киларди.

Умуман кишлок хужалиги махсулотларининг тайёрлов тизимининг паст суръатлар билан ривожланаётганлигининг асосий сабабларидан бири тайёрлов корхоналарида пул мабла\ларининг озлиги тара ва хизматлар хамда энергоресурсларнинг нархининг ошаётганлиги ва сохада инвестиция окимининг пасайганлигидир. Масалан, 1999 йилда АК «Матлуботсавдо» нинг бир кисм эркин савдога мулжалланган акциялари сотолмай колган. Бунинг

сабаби эса мазкур ташкилотларда рентабелликнинг паст даражада қарор топганлиги ва дебитор-кредитор қарзларнинг катталигидадир.

АК «Матлуботсавдо» бирлашмаларининг кишлоқ хужалиги қорхоналари билан иқтисодий алоҳаларини мустақамлаш мақсадида уларнинг бир қисм акцияларини кишлоқ хужалиги қорхоналарига («Матлуботсавдо»нинг маҳсулот тайёрлов қарзларини ҳисоб-китоби сифатида) бериш лозим. Унда кишлоқ хужалиги ва «Матлуботсавдо» ташкилотларининг узаро иқтисодий манфаатдорчиликлари ошарди.

Дунё мамлакатларининг ил\ор тажрибаси кишлоқ хужалиги маҳсулотларининг реализациясини улгуржи савдо бирларида тузиладиган фьючерс ва бошқа шартномалар орқали амалга оширилиши самаралироқлигини қурсатмоқда. Бизнинг мамлакатимизда товар ҳам ашё биржаларида тузилган шартномалар асосида кишлоқ хужалиги маҳсулотларининг сотув ҳажмлари йил сайин ушиб бормоқда. Масалан, Бухоро товар ҳам ашё биржасида тузилган шартномалар асосида сотилган кишлоқ хужалиги маҳсулотлари ҳажми 1999 йилда 238,2 млн.сумни ташкил этди, бу 1998 йилга нисбатан 20,2фоизга қупдир. Умуман, республикада кишлоқ хужалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш тизимида бозор унсурлари аста секинлик билан шаклланиб ривож топмоқда.

9.2. Давлат эҳтиёжлари учун кишлоқ хужалиги маҳсулотларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йуллари

кишлоқ хужалигида истиклол йилларида туб узгаришлар юзага келмоқда. Аграр ишлаб чиқариш тизимида турли жамоа, ширкат, хусусий ва аралаш каби мулкчиликка асосланган қуп укладли хужалик юритувчи субъектлар шаклланиб тараккий этмоқда. Шу боис ҳам кишлоқ хужалигида етиштирилган маҳсулотга эғалик қилиш ва уни истеъмолчиларга етқазиб бериш механизми ҳам янғиланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда хужаликлар узи етиштирган қорвачилик, сабазвотчилик, бо\дорчилик ва узумчилик маҳсулотларидан уз хошошича фойдаланмоқда.

Давлат буюртмаси факат пахта ва донгагина сакланиб қолган булиб, унинг миқдорлар 1995 йилда пахта ва дон буйича 30 фоизгача қисқартирилди.¹⁰

Ҳозирги вақтда эса пахта буйича давлат буюртмаси 30 фоизгача қамайтирилган булиб, пахта ҳам ашёсини тайёрлаш, уни қайта ишлаб толасини сотиш марказлаштирилган қолда «Узпахтасаноат» уюшмаси ва унинг ҳудудий акциядорлик бирлашмалари орқали амалга оширилмоқда. Республикада пахта ҳам ашёси буйича давлат буюртмасини бақарган хужаликлар ихтиёрида ҳосилнинг 70 фоизи қолади. Бирок пахта етиштирувчилар бу пахтани узлари эркин сота олмайдилар, унинг қаридори «Пахтасаноат»уюшмасининг ҳудудий акционерлик бирлашмаларидирлар. Пахта ҳам ашёсини етиштириш режасини

¹⁰ И.А.Қаримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоқотларни қу=урлаштириш йилида. Т.: «Ўзбекистон», 1995й, 71 б.

базарган хужалик субъектларига завод нархларида ё, шелуха ва кунжара сотилмокда. Агар хужалик пахта хом ашёсини етиштириш режасини базармаса, бу имтиёздан махрум булади, давлат буюртмасидан ортикча пахта толасини (давлат буюртмалари нархидан юкорирок нархларда) хужаликлар «Пахтасаноат» худудий бирлашмаларига сотмокдалар. Бунинг сабаби Республикада пахта давлат монополияси булиб, унинг эркин бозори мавжуд эмас.

Шу боис хужаликлар узлари етиштирган пахта хом ашёсини эркин сота олмаяптилар. Хозирги пайтда, пахта етиштирувчилар ишчилар билан натура (ё, шелуха ва кунжара каби махсулотлар)да хисоб-китоб килмокдалар. Пахта етиштирувчиларнинг бошка иложлари хам йук, чунки улар хам узлари етиштирган пахта хом ашёси махсулотлари булган ё, шелуха ва кунжарани заводлардан сотиб олмокдалар. Кейин эса уз эhtiёжларидан ортикчасини ишчиларга иш хаки сифатида булиб бермокдалар ёки сотмокдалар.

Лекин республикада шартнома шартларини базарган пудратчиларга берилиш керак булган пахта ёи, кунжара ва шелуха тулалигича берилмаяпти. Масалан, кишлок ва сув хужалиги вазирлигининг маълумотига кура пудратчиларга 1999 йил хосилидан 93,2 минг тонна урнига 61,4 тонна ё, 377,3 минг тонна урнига 258,8 минг тонна кунжара (ёки унинг 68 фоизи) берилган. Курииб турибдики, етказиб берилиши керак булган хажмда ё, кунжара ва шелуха пудратчиларга тулалигича етказиб берилмаган. 1999 йилда республика буйича 41,6 минг та пудратчи шартномани базармаган. Бунинг асосий сабаби пахтачиликда кулланилаётган моддий-техник захиралари нархининг усиши ва уларнинг меъёр даражада етказиб берилмаётганлигидир. Шу ва бошка омиллар таъсирида пахтачилик республикаميزда кам даромад ва хаттоки зарар келтирувчи сохага айланмокда. (8.2-жадвал)

9.2-жадвал

кишлок ва сув хужалиги вазирлиги тизимидаги корхоналарда пахта ва бу\дой етиштиришнинг 1997-1999 йиллардаги иктисодий курсаткичларини таккосланган динамикаси*

йиллар ва курсаткичлар	пахта	бу\дой	пахта бу\дойга нисбатан, фоиз
1997 йил			
1. 1 ц. таннархи, сум	2440	913	2,67 марта
2. 1 ц. сотиш нархи, сум	1986	1018	1,95 марта
3. Фойда (зарар) сум	454	105	4,3 марта
4. Рентабеллик, фоиз	18,6	11,5	X
1998 йил			
1. 1 ц. таннархи, сум	3272	1186	2,75 марта
2. 1 ц. сотиш нархи, сум	2408	1332	1,81 марта
3. Фойда (зарар) сум	-864	146	-5,79 марта
4. Рентабеллик, фоиз	-26,4	12,3	X
1999 йил			

1. 1 ц. таннархи, сум	3541	1791	1,98 марта
1997 йилга нисбатан, фоиз	145,1	196,1	X
2. 1 ц. сотиш нархи, сум	3240	2106	1,53 марта
1997 йилга нисбатан, фоиз	163,1	2,1 марта	X
3. Фойда (зарар) сум	-301	315	-95,5
1997 йилга нисбатан, фоиз	-66,3	3 марта	X
4. Рентабеллик, фоиз	-8,5	17,6	X
1997 йилга нисбатан, фоиз	-27,1	6,1	X

* жавдал Узбекистон Республикаси кишлок ва сув хужалиги вазирлигининг маълумотлари асосида тузилган.

9.2.-жадвалдаги маълумотлар ҳам пахтачиликни 1997 йилда юкори рентабелликка эга булганлиги ва кейинги йилларда зарар билан ишлаётганлигини тасдиқламоқдалар. Давлат эхтиёжлари учун махсулот етиштирувчи иккинчи соха дончиликдир. Жадвалдан куришиб турибдики, бу соха тахлил давомида устивор рентабеллик даражасига эга холда ривожланган.

Бу\дой етиштиришда 1997-1999 йилларда унинг сотув нархлари таннархга нисбатан усган, пахтачиликда эса мазкур курсаткичларнинг нисбатан секинрок суръатлар билан ошиши сохада фойда олиш имкониятини бермаган. Агар пахта хом ашёсининг сотув нархи бу\дойники билан мутаносиб равишда 1997 йилга нисбатан ошганида, пахта етиштирувчиларнинг пахта сотишдан рентабеллик даражаси (1986х210:100к4170,6:3541х100к117,8 фоиз) 17,8 фоизни ташкил килган буларди.

кайд этиш лозимки, 1999 йилда пахта хосилдорлиги кишлок ва сув хужалиги вазирлиги хужаликларида урта хисобда 1997 йилгига нисбатан 0,4 ц/га камайган холда бошокли дон хосилдорлиги гектар хисобига 4 центнерга усган. Албатта пахтачиликда рентабеллик пасайишига хосилдорликлнинг камайиши ҳам уз таъсирини курсатган. Уз навбатида пахта хосилдорлигининг пасайишига давлат томонидан белгиланган пахта тайёрлаш нархларининг пастлиги ҳам салбий таъсир курсатмоқда. Бундан ташкари пахта тайёрлов тизими ҳам пахта хом ашёси етиштирувчиларини кизиктира олмаяпти.

Шу боис пахта хом ашёсини тайёрлаш тизимини ички бозорини эркинлаштириш асосида такомиллаштириш зарур. Чунки пахта етиштирувчлар узлари етиштирган пахта хом ашёси махсулоти булган шелуха, кунжара, ё\ ва чигитни кайта ишлаш заводидан сотиб олмоқдалар. Аслида агар кишлок хужалиги корхоналарига шу махсулотлар керак булса, улар ё\ заводларига чигитни кайта ишлаш харажатлари (хамда уларнинг фойдалари)ни тулашлари керак, холос. Яъни ё\ заводларига ё\ (шелуха, кунжара) нархидан чигитнинг нархини чегириб ташлаган холда хисоб-китоб килишлари лозим.

Шундай килиб, кишлок хужалиги давлат буюртмасидан ортикча пахта хом ашёсини уларнинг пахта етиштириш режасини бажаришлари (ёки бажармасликлари)дан катъи назар узлари мустикил кайта ишлаб, тола хамда


чигитини сотишларини йулга қуйиш мақсадга мувофиқдир. Унда пахта етиштирувчилар қолган пахта ҳам ашёсини қайта ишлаш харажатларини пахта тозалаш ва чигитни қайта ишлаш заводларига тулиб, қайта ишланган маҳсулотларни уларнинг эгаси сифатида тасарруф этишлари мумкин. (8.1-чизма)

8.1-чизмадан қурилиб турибдики, пахта ҳам ашёсини қайта ишлаш харажатларининг 30 фоизни «Пахтасаноат» ҳудудий акционерлик бирлашмалари (ХАБ) ва қолган 70 фоизини эса қишлоқ хужалиги корхоналари тулашади. қишлоқ хужалиги корхоналари узларига қоладиган пахта ҳам ашёсининг толаси ва чигитини ҳам ашё товар биржаларида тузиладиган битим асосида хоҳлаган ички бозор субъектларига сотиши мумкин ёки узи яна чуқур қайта ишлаб уз истеъмолига қолдириши мумкин.

Пахта бозорини мазкур тартибда эркинлаштиришда давлат уз томонидан компенсация нархларини белгилаб қуйиши керак. Мазкур нарх давлатнинг пахта толаси харид нархи бўлиб, ички бозорда пахта толасининг нархи уни ишлаб чиқарувчилар харажатларидан пастга тушиб кетганида ёки унга тенглашганида қулланилади.

Бу эса пахта бозоридаги мувозанатни саклаб, пахта етиштирувчиларнинг таваккалини пасайтиради. Ана шу тартибда пахта ички бозорини эркинлаштириш қуйидаги имконият ва қулайликлар яратади:

1. Ҳозирги пахта тайёрлаш тизимига хос бўлган пахта етиштирувчиларнинг узлари етиштирган маҳсулотлар чиқиндиси: шелуха ва кунжара учун фондларга тобелиги тугатилади.



9.1-чизма. Мамлакат ички бозорида пахта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш схемаси

2. Пахта етказиб берувчиларнинг ёл, шелуха ва кунжарага эга булиш харажатларини камайтиради ва олишни ихчамлаштиради. Чунки мазкур Пахта толасини кайта ишлайдиган саноат корхоналари хом-ашёни танлаш ва уни узларига кулай булган жойдан сотиб олиш имкониятига эга булишади. Пахта толасининг марказлашган таксмоти тугатилади. Буларнинг хаммаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган пахта махсулотлари сифатининг ошиши ва нархлари (транспорт харажатлари камайиши хисобидан) пасайишига асос солади.

3. Пахта етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширади, чунки пахта толаси нархининг биржадаги талаб ва таклиф асосида шаклланиши унинг сотишдан келадиган фойда бошка сохаларга окиб кетишини камайтиради.

4. Пахта етиштирувчи ва кайта ишловчи корхоналараро интеграциялашувни кучайтириши мумкин ва бошкалар.

Албатта, мазкур имкониятлар амалий самара бериши шартнома муносабатларини ривожланиши билан хам куп жихатдан болик. Чунки бозор иктисодиёти шароитида шартномаларни тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш марказий уринларни эгаллайди. Шунинг учун пахта ички бозорининг эркинлаштирув жараёнида хозирги хар йил янгидан тузиладиган шартномалар тартибидан воз кечиб куп йиллик шартнома тузиш тартибини жорий этиш лозим. Шартномадаги давлат буюртмаси булган 30 фоиз махсулотга тайёрлов нархини белгилашдан минтакадаги ишлаб чиқариш шароит ва охирги йилларда пахта (ёки алла) учун шаклланган таннархни тахлил килган холда кенгайтирилган ишлаб чиқаришни таъминлай оладиган даражада диверсион нарх белгилаш лозим. Яъни давлат эхтиёжлари учун харид килинадиган махсулотнинг нархини белгилашда хар бир худуд ёки минтаканинг иктисодий-табiiй холатларини инобатга олиш зарур. Албатта, мазкур нархларни белгилашда бозор конъюнктураси база сифатида кабул килиниши лозим.

Мазкур тартибда давлат эхтиёжлари учун тайёрланадиган махсулотларни нархини белгилаш пахта ички бозорини эркинлаштириш сохасида юзага келган нокулай иктисодий вазиятни бартараф этишга хизмат килиши мумкин.

9.3. кишлок хужалиги махсулотларини шартномалар асосида тайёрлаш ва сотишни такомиллаштириш

Узбекистонда кишлок хужалиги махсулотлари бозорининг тахлили натижаларидан хулоса килиб, шуни айтиш мумкинки, мазкур бозорда тадбиркорлик ва бозор иктисодиётига хос унсурлар шаклланиб, ривожланмокда. Истикболда кишлок хужалигида махсулот тайёрловчи

субъектлар транспорт воситаларининг эгалари билан мувофиқлаштирилган ҳолда фаолият курсатишларини таъминлаш муҳимдир. Чунки, озука маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши кишлоқ хужалигида кичик ҳажм ва майдонларда концентрациялашган ва уларни етитурувчиларнинг миқдори жуда куп.

Масалан, дехкон, аҳоли ва фермер хужаликларида мева-сабзавотларнинг бир марталик (1 кунда) териш миқдори 100-750 кг ни ташкил этмоқда. Бу миқдордаги маҳсулотни ташиш учун катта юк ташувчи автомашинадан фойдаланиш самарасиздир.

Баъзи ҳолларда катта юк ташувчи автомашина ҳосил етиштирадиган майдончага боролмайди ҳам. Чунки, айти пайтда мева ва сабзавот маҳсулотларининг кичик майдонларда жойлашганлиги туфайли, 10 тонналик рефрежераторни тулдириш учун тайёрловчилар камида 10-15 та хужалик субъектлари билан келишишларига туъри келмоқда ва унинг тула юкланиши учун икки кун ва ундан ҳам купрок вақт сарфламоқдалар. Албатта бундай омиллар маҳсулот сифатига таъсир курсатади, айтми ташки бозорга кишлоқ хужалиги маҳсулотлари экспорт килинса, бундай маҳсулот тайёрлаш тартибининг самарадорликка акс таъсири янада куп булиши мумкин.

Бу каби ҳолатлар юзага келишининг асосий сабабларидан бири кишлоқ хужалиги, тайёрлов ҳамда юк ташувчи субъектлараро мувофиқлаштирилган расмий шартномалар йуклигидир. Ҳозирги кунда кишлоқ хужалигида кайнок талабни кондирити анъанага айланмоқда. Шу боис бир замон буладик, бир дехкон ёки фермернинг маҳсулотини сотиб олиш учун 3-4 та харидор келади, баъзида эса уларнинг тайёр маҳсулотларини сотиб олиш учун битта ҳам харидор йук. Бундан ташкари шундай ҳолатлар буладик, дехкон харидор билан оъзаки келишувга асосан маҳсулотни териб тайёрлайди, харидор оийиб булади ёки аксинча бир харидор дехкон билан келишиб маҳсулотни тайёрлашни буюриб кетади, кайтганида уни буюртмасини бошка харидор олиб кетган булади. Лекин бу ҳолатларнинг юзага келганлиги учун ҳеч ким жавобгар эмас, чунки жавобгарликни тасдиқловчи ҳужжат-далил расмий шартнома йук. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун майда товар хужаликлари билан маҳсулот тайёрловчилар ва ташувчилар уртасида шартномалар тузилишини ташкил этиш зарур.

Шартномаларда «ишлаб чиқарувчи 10-15 кун маҳсулотнинг тайёр булишидан олдин ёзма равишда уни тайёрловчиси харидорларга маҳсулотни тайёрлаш ва ҳажми туърисида ёзма маълумот такдим этиши унда маҳсулот тайёрловчининг маҳсулот теримидан 3-5 кун олдин дехконга аванс туловларини келишувига биноан тулаши ҳамда тера (ёки урамаматериал)ларини экин майдони келтирилиш» курсатилиши лозим¹¹.

¹¹ М.А. Орипов, «Производственная инфраструктура – важная предпосылка наращивания рынков плодoоовощеводства Узбекистана»// Сб. науч. стат. «Экспорт плодoоовощной прдукции дехканских и фермерских хозяйств в Узбекистане: достигнутые результаты и перспективы развития.» – Т, 2002, стр.45-49.

Ана шундай шартномалар асосида махсулот тайёрлашнинг йулга куйилиши уни график асосида ташкил этишини таъминлаши ва етиштирилган махсулотларни нобудгарчилигини пасайтиради ҳамда махсулотни сифати ошади.

Таянч иборалар

- кишлок хужалиги махсулотлари бозори
- кишлок хужалиги махсулотларига талаб
- контрактация шартномалари
- давлат буюртмаси

кискача хулосалар

Дунё мамлакатларининг ил\ор тажрибаси кишлок хужалиги махсулотларининг реализациясини улгуржи савдо бирларида тузиладиган фьючерс ва бошка шартномалар оркали амалга оширилиши самаралироклигини курсатмокда.

кишлок хужалиги давлат буюртмасидан ортикча пахта хом ашёсини уларнинг пахта етиштириш режасини бажаришлари (ёки бажармасликлари)дан катъи назар узлари мустакил кайта ишлаб, тола ҳамда чигитини сотишларини йулга куйиш мақсадга мувофиқдир.

Дехкон, ахоли ва фермер хужаликларида мева-сабзавотларнинг бир марталик (1 кунда) териш микдори 100-750 кг ни ташкил этмокда.

Шартномалар асосида махсулот тайёрлашнинг йулга куйилиши уни график асосида ташкил этишини таъминлаши ва етиштирилган махсулотларни нобудгарчилигини пасайтиради ҳамда махсулотни сифати ошади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. кишлок хужалиги махсулотларининг тайёрлов ва сотув каналлари кандай тузилишга эга?
2. кишлок хужалиги махсулотларни тайёрлаш ва сотиш тизимини кандай йуллар билан такомиллаштириш мумкин?
3. Мамлакат ички бозорида пахта тайёрлаш тизимини кандай такомиллаштириш мумкин?
4. Пахта ички бозорини эркинлаштиришнинг афзалликлари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Мулк ту\рисида»ги қонуни. Т.: Ўзбекистон, 1998.

2. Каримов И.А. кишлок хужалиги тараккиёти - тукин хаёт манбаи: Биринчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Х-сессиясида сузлаган нутк, 1997 йил 25-декабрь - Т.: «Узбекистон», 1998.
3. Салимов Б.Т., Хамдамов к.С., Юсупов М.С., Уроков Н.И. ва бошқалар. Дехкон ва фермер хужаликлари иктисоди. Укув кулланма. –Т.: Узбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам'армаси, 2004.
4. Институт Агроэкономике и Бизнеса Приамурский www.admin.ru
5. Саратовская сельскохозяйственная академия. www.tstu.ru
6. Мардонова А.Т., Исхокова С.А. Аграр сохада мулкый муносабатларни рўёбга чиқаришнинг долзарб услублари. www.ski.ilm.uz

Х БОБ. ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИНГ ТАХЛИЛИ

Режа:

1. Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти ва мезони
2. Иқтисодий самарадорлик курсаткичлари ва уларни аниклаш усуллари
3. Фойда ва рентабеллик
4. Инвестициялар самарадорлиги ва уни аниклаш усуллари

10.1. Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти ва мезони

кишлоқ хужалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш энг долзарб вазифаларидан бири булиб, уни муваффақиятли ҳал этиши кишлоқ хужалигини юксак суръатлар билан ривожлантириш, мамлакатни кишлоқ хужалик маҳсулотлари билан етарли таъминлаш имконини беради. Бозор иқтисоди шароитида ҳар бир кишлоқ хужалик корхонаси самарали ишлаши чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали юқори натижага эришишга ҳаракат қилади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги – жуда мураккаб иқтисодий категориядир. У объектив иқтисодий қонунлар, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосини ифода этувчи – натижани, яъни оқибатни акс эттиради. Оқибат ёки натижа ҳар қандай фаолиятнинг мақсадидир. Самара тушунчаси билан иқтисодий самара тушунчасини фарқлаш керак.

Самара бу кенг тушунча булиб, ҳар қандай тадбир ёки фаолиятнинг натижасида, ушбулардан фойдаланиш самараси, экинлар ҳосилдорлиги ошишида, ем-хашак самараси, чорва маҳсулдорлиги ошишида ифодаланади. Аммо бу самара, яъни ҳосилдорликнинг ва маҳсулдорликнинг ошиши бу тадбирлар қанчалик фойдалилигини курсатмайди. Ушбу ва ем-хашаклардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларнинг қопланганлик даражаси шу харажатлар билан олинган натижа даромад билан таққослангандагина маълум бўлади. Ушбу ва ем-хашакдан фойдаланиш натижасида экинлар ҳосилдорлиги, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш бу тадбирни техник самарадорлигини ифода қилса, тадбирни утқизиш билан боғлиқ харажатлар билан, бунинг натижасида олинган даромадни таққослаш иқтисодий самарадорликни ифода қилади.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни қўллаш орқали олинган фойдали натижани ёки жами ресурслар бирлигига олинган натижани ифода этади.

Ҳар қандай фаолият ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги хужаликни, шу жумладан, фермер хужаликлари даромадини ортиради, ижтимоий харажатларни яхшилашга олиб келади. Бу жараён нафакат

корхоналарга манфаатли, давлатга ҳам фойдалидир. У ёки бу тадбирга баҳо беришда ёки унинг улчамларини аниклашда иктисодий самарадорлик мезонини билиш керак. Бозор иктисодиёти шароитида ҳар бир корхона тула иктисодий ва ҳукукий мустақилликка эга бўлганлиги учун асосий мақсади узига бириктирилган ресурслардан тула ва самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, шу ресурслар бирлигига қанча қуп даромад ва фойда олса, рақобат курашида шунча устунликка эга бўлади. Фермер ва деҳқон ҳужалиги моҳиятига қура, улар фаолиятини баҳолашда иктисодий самарадорликнинг асосий мезони сифатида ҳужалик ресурслари бирлигига олинган ялпи даромадни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ялпи даромад категориясининг афзаллиги шундаки, бунда ҳам маҳсулот миқдори, сифати, қандай бозорда ва қандай баҳода сотилганлиги, моддий харажатлар қанчалик тежалганлиги ўз аксини топади. Корхона, фермер ҳужалиги қанча қуп ялпи даромад олишга эришса, турли туловларни (солик ва йи\имлар) тулагандан кейин ўз эҳтиёжларини қупроқ қондиришга, қорхонани қенгайтиришга имқон берадиган мабла\га эга бўлади.

10.2. Иқтисодий самарадорлик қўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари

қишлоқ ҳужалиги ва унинг асосий ташкилий шакли бўлган фермер ҳужалиқларини ривожлантириш билан бо\лиқ турли-туман тадбирларга ҳолисона баҳо бермасдан унинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаб бўлмайди. Иқтисодий самарадорликнинг асосий мезони қанчалик тула ва аниқ жараёни ҳамма томонларини, ишлаб чиқаришнинг ҳамма омиллари ҳаракатини тула ақс эттира олмайди.

Масалан, фермер ҳужалигининг ялпи даромади йилдан йилга уқиб бормоқда. Бу ҳужалиқ фаолияти ижобий йуналишда бораётганлигини қўсатади. Аммо бу уқишга нима ҳисобига эришилаётганлиги, қайси омиллар қандай таъсир этаётганлиги, қелажакда қайси омилга қупроқ эътибор бериш қерақлигини қўсатмайди. Шунинг учун қорхона фаолиятига таъсир этувчи ҳар бир омил ҳаракатини ифода этувчи узига ҳос қўрсаткичларни билиш қерак. Шунинг учун қакат қўрсаткичлар тизими фермер ҳужалиқлари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йуналишларини қомплекc таҳлил қилиш ва ишонқли ҳулосалар чиқариш, ту\ри қарорлар қабул қилиш имқонини беради.

Фермер ҳужалиги фаолияти ва ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қишлоқ ҳужалигининг узига ҳос ҳусусиятларини эсдан чиқармаслик қерак. Чунки биологик жараён ва турли табиий иқлим шароитлари ишлаб чиқариш натижаларига турлича таъсир этади. Фермер ҳужалиқлари бир қил меҳнат сарф қилган ҳолда турли шаклларда ва турли йилларда турли натижаларга эришиши мумқин. Фермер ҳужалиқлари фаолиятига баҳо беришда ҳамма қўрсаткичларни иқки гуруҳга: натура қўрсаткичларига ва қиймат қўрсаткичларига бўлиш мумқин.

Натура курсаткичлари иктисодий самарадорликни бевосита ифода килмасада, бу курсаткичларсиз тадбирга тула баҳо бериб булмайди. Чунки натура курсаткичлари жараённинг интенсивлигини ифодалайди. кишлок хужалигини хусусиятги кура, ер асосий восита булганлиги, уни табиатдан чекланганлиги, бошка воситалар каби инсон уни хохлаганича купайтира олмаслиги кишлок хужалигини ривожлантиришни интенсив булишини зарурият килиб куяди. Шунинг учун 1 гектар ердан олинадиган махсулот, яъни хосилни, чорва махсулдорлигини ошириш, хар бир фермер хужалигининг асосий вазифаси хисобланади. Фермер хужалигида олинган махсулот ва даромад турли ишлаб чиқариш омилларининг узаро интеграл (функционал) алоқаси натижаси булганлиги учун киймат курсаткичларидан фойдаланилади.

киймат курсаткичлари нафакат улчов вазифасини утайди, шу билан бирга иктисодий мазмунга эга булиб, товар-пул муносабатларини ҳам ифода килади.

Иктисодий самарадорликни ифода этувчи энг асосий курсаткичлар куйидагилардир:

1. Ялпи махсулотни шу махсулотни етиштириш учун сарфланган жонли ва буюмлашган харажатлар кийматига нисбати:

$$Исм = \frac{ЯМ}{ИХ + К \times АФ};$$

Бунда: Исм – иктисодий самара;

ЯМ – ялпи махсулот киймати;

ИХ – жорий ишлаб чиқариш харажатлари;

К – асосий фонд ва капитал сарфларидан фойдаланиш коэффициенти;

АФ – фермер хужалигининг асосий фондлари;

Ялпи махсулот фермер хужалиги асосий фаолиятининг натижавий курсаткичи хисобланади. Ялпи махсулот корхона хужалик хисоби фаолияти учун жорий баҳоларда маълум тахлилий хулосалар чиқариш, мавжуд ресурслардан (меҳнат, моддий в.х.) фойдаланиш диманикасини аниқлаш максатида қиёсий, яъни таккослама баҳоларда хисобга олиб борилади. Фермер хужалиги канча куп ва сифатли махсулотлар етиштирса, уларни юкори баҳоларда сотса шунча куп ялпи махсулот етиштирган булади. Бундан ташқари махсулот етиштириш учун канча кам мабла\ сарф қилган булса, шунча куп самара олган булади. Бу формула махсулот етиштириш учун хужалик канча кам жорий сарф харажат ва асосий фондларни жалб қилган булса шу харажатлар бирлигига купрок махсулот етиштирганлигини ифода килади.

Масалан, фермер хужалиги 2001 йилда 50 млн.сумлик ялпи махсулот етиштирган. Жорий харажатлар асосий воситаларни амортизациясидан ташқари 30 млн.сумни ташкил қилган. Асосий фондлар киймати жами 60 млн.сумни ташкил этган булса, фермер хужалигида жами сарфларнинг бир сумига етиштирилган ялпи махсулот – 1,3 сумни ташкил этади.

$$HC = \frac{50_{млн}}{30_{млн} + 0,14 * 60} = \frac{50_{млн}}{30_{млн} + 8,4_{млн}} = \frac{50}{38,4} = 1,3$$

Асосий фондлар ва капитал сарфлардан фойдаланиш ёки инвестиция самарадорлик коэффициентининг меъёрий даражаси халқ хужалиги учун 014 килиб қабул килинган. Шу меъёрий даражага кура харажатларни бир хиллик улчовга келтириш учун шу коэффициентдан фойдаланилади.

2. Ялпи даромаднинг уни яратган сарф-харажатларга нисбати:

$$Исд = \frac{ЯД}{ИХ + К * АФ};$$

Бунда: ЯД – фермер хужалигининг ялпи даромади;

Ялпи даромад (корхонани соф махсулоти) ҳамма шаклидаги корхоналар учун жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бу даромад ҳам истеъмол, ҳам корхонани кенгайтириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун асосий маблаъ манбаи ҳисобланади. Ялпи даромад микдори фермер хужалигининг ялпи махсулоти ҳажмидан шу махсулотни етиштириш учун кетган материал ва хизматлар қийматини чегаралаб ташлаш орқали аниқланади.

Масалан, фермер хужалигининг 2001 йилга ялпи махсулоти қиймати 50 млн.сумни ташкил этиб, сарфланган материал харажатлари (уруғлик, ёкилди, ем-хашак), транспорт ва бошқа хизматлар қиймати – 30 млн.сум булган бўлса, унда хужаликнинг ялпи даромади 30 млн.(50млн-20млн)сумни ташкил этади.

Бунда: $Исд = \frac{30}{30 + 014 * 60} = \frac{30}{38,4} = 0,78$ сум яъни 1 сумлик жами тенглаштирилган

харажатларга етиштирилган ялпи даромад 0,78 сумни ташкил қилади. Харажатларнинг бир бирлигига етиштирилган ялпи даромад канча куп бўлса, фермер хужалигининг иқтисодий даражаси шунча юқори бўлади. Хар бир фермер хужалиги 1 сумлик жами харажатларга канча куп ялпи даромад етиштириш учун махсулот ҳажмини ошириши, хужалик ер майдонини уз хоҳишига кура, купайтириш имконига эга бўлмаганлиги учун махсулот етиштирининг интенсив йулидан, яъни экинлар ҳосилдорлигини ошириш бозор талаб этадиган махсулотларни етиштириш ва саклаш уларнинг юқори сифатли бўлишига эришиш ҳамда энг мақбул бозорларда юқори баҳоларда сотишга ҳаракат қилади.

3. Мехнат унумдорлиги. Бу курсаткич фермер хужалигида меҳнатни самарадорлигини курсатади. Фермер хужалигида уртача йиллик ходим, сарфланган киши-куни, киши-соатига етиштирилган ялпи махсулот ва ялпи даромад микдори билан ифодаланади.

4. Махсулот таннархи. Бу курсаткич ишлаб чиқаришга ва фермер хужалиги фаолиятига иқтисодий баҳо беришда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бир йилда етиштирилган махсулотига канча жорий харажатлар килинганлигини ифода этади. Эркин рақобат амал қилган бозор иқтисоди шароитида хар бир корхона махсулотининг нархи бозор баҳосига катта таъсир этолмайди. Аммо етиштираётган махсулотига қилинаётган харажатлар даражаси, яъни махсулот таннархи корхона фаолиятига бевосита боғлиқ. Шунинг учун корхона

харажатларини камайтирадиган технологияларни куллаши, экинлар хосилдорлигининг, чорва махсулдорлигининг устун даражада узишини таъминлаши, махсулот бирлигига харажатларни камайтиришга, таннарх пасийишига ва натижада ялпи даромад ҳамда фойда ошишига олиб келади.

5. Фермер хужалигида ишлаб чиқаришнинг иктисодий самарадорлигини таҳлил этишда ишлаб чиқаришни асосий ресурслари (омиллари) булган ер ва асосий ҳамда айланма фондлардан самарали фойдаланишни ифода этувчи курсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. 1 га кишлоқ хужалигига яроқли ерга етиштирилган ялпи махсулот ва ялпи даромад, 1 сумлик асосий ва айланма фондларга етиштирилган ялпи махсулот (фонд қайтими) ёки 1 сумлик ялпи махсулотга туғри келадиган фондлар (фонд си\ими), айланма фондларнинг айланиш коэффиценти в.х.

10.3. Фойда ва рентабеллик

Фойда ва фойдалилик – барча корхоналар каби кишлоқ хужалик корхоналари фаолиятининг энг асосий ва якуний курсаткичидир.

Фойда микдори ва фойдалилик даражаси корхонанинг канчалик самарали ташкил этилганлигини, унинг ривожланиш даражасини, рақобатбардошлигини, иктисодий барқарорлигини курсатади.

Хозир амалда кулланилаётган низомга кура, хужалик юритувчи субъектлар фаолияти молиявий натижаларини шакллантиришда фойданинг қуйидаги курсаткичлари кулланилади:

1. Махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда. Бу махсулотлар (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган соф тушум билан сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи уртасидаги тафовут сифатида аникланади.

$$ЯФ = ССТ - ИТ ;$$

Бунда: ЯФ – ялпи фойда;

ССТ – сотишдан олинган соф тушум;

ИТ – сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

2. Асосий фаолиятдан қурилган фойда. Бу махсулотни сотишдан олинган ялпи фойд билан давр харажатлари уртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан қурилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аникланади.

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ$$

Бунда: АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан қурилган бошқа зарарлар;

3. Умумхужалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарар. Бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва минус қурилган зарарлар сифатида аникланади.

$$УФ = АФФ + МД - МХ$$

Бунда: УФ – умумхужалик фаолиятдан олинган фойда;

МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МЗ – молиявий фаолиятдан курилган зарарлар.

4. Солик тулангунгача олинган фойда. Бу умумхужалик фаолиятдан олинган фойда плус фавкулодда (кузда тутилмаган) вазиятлардан курилган фойда ва минус зарарлар сифатида аникланади.

$$СТФ = УФ + ФФ - ФЗ;$$

Бунда: СТФ – солик тулагунгача булган фойда;

ФФ – фавкулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ – фавкулодда вазиятларда курилган зарар.

5. Йилнинг соф фойдаси. Бу солик тулагандан кейин хужалик юритувчи субъект, яъни корхона (фирма) ихтиёрида коладиган хамда хужалик субъекти мустакил тасарруф этадиган фойда. Уни соликлар тулангунга кадар булган фойдадан, даромаддан соликни хамда конун хужжатларида назарда тутилган бошка соликлар ва туловларни чикариб ташлаган холда аникланади.

$$СФ = СТФ - ДС - БС;$$

Бунда: СФ – соф фойда;

ДС – даромад (фойда)дан туланадиган соликлар;

БС – бошка соликлар ва туловлар.

Хужалик юритувчи субъектлар, яъни корхона(фирма)лар томонидан улар хужалик фаолиятини амалга ошириш натижасида олинадиган даромадларнинг манбалари куйидагилар:

а) Сотишдан олинган соф тушум;

б) Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар (операция даромадлари);

с) Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

д) Фавкулодда даромадлар.

Корхона даромадининг асосий манбаси–махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан келиб тушадиган пул тушумидир.

Соф пул тушуми бу – умумий пул тушумидан кушилган киймат, акциз соли\и ва экспорт божи олиб ташлангандан колгани.

Асосий ишлаб чикариш фаолиятдан олинадиган бошка даромадларга ундирилган ёки эътироф этилган карзлар, хисобот йилида олинган утган йиги фойда, ошхоналар ва ёрдамчи хизмат даромадлари, асосий воситаларни тугатишдан келган даромадлар, давлат субсидиялари, холисона моддий ёрдам ва бошка даромадлар киради.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга – олинган сармоя трансферти, кийматли ко\озлар буйича даромадлар, мол-мулкни узок муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг туловини олиш), валюта сче\идаги ижобий курс тафовутлари, кийматли ко\озларни кайта бахолашдан олинган ва бошка даромадлар киради.

Фавкулодда фойда – бу кузда тутилмаган, тасодифий тусга эга булган, ходиса ёки хужалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан

четга чиқадиган тусдаги операциялар натижсида пайдо буладиган ва олинган қўшилмаган фойдалар.

Корхона молия-хужалик фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммасини билиш билан бирга уларни қандай харажатлар эвазига олинаётганлини, ишлаб чиқаришнинг фойдалилик даражасини, маблаълар (пул ва моддий) қандай даражада айланаётганлигини билиш, ҳам мулкдорлар, ҳам ҳамкорлар ҳамда тадбиркорлар учун ута аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун корхонанинг молиявий ҳисоботида фойдалилик даражаси ва маблаълар айланганини ифода этувчи қуйидаги курсаткилар акс эттирилади:

1. Корхонанинг ҳамма активлари рентабеллиги. (РАК)

$$РАК = \frac{СФ}{АК};$$

Бунда: АК- корхона ҳамма активлари суммаси.

Корхонанинг ҳамма активлари рентабеллиги ҳамма мулкдор ва кредитор томонидан корхона активларига қўйилган маблаъларнинг бир суммага туғри келадиган соф фойда, у корхона активларидан қанчалик даражада фойдаланилганлигини ифода қилади.

2. Уз капиталнинг рентабеллиги (РУК)

$$РУК = \frac{СФ}{УК}$$

Бунда: УК- уз капиталнинг уртача йиллик қиймати (Устав капитали плус қўшимча капитал плус захира капитал).

Уз капиталнинг рентабеллиги – мулкдорлар мулк эгаллари томонидан корхонанинг сарфланган уз маблаъларини, қўшимча олинган соф фойдани ифода қилади ва уз маблаъларидан фойдаланиш фойдалилик даражасини ифода қилади.

10.1. Сотилган маҳсулот рентабеллиги (РСМ) ёки ялпи фойда бўйича рентабеллик (РЯФ)

$$РСМ = \frac{ЯФ}{ССТ};$$

Бунда: РСМ- сотилган маҳсулот рентабеллиги.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир суми қанча ялпи фойда келтирганини курсатади.

4. Соф фойда бўйича рентабеллик (РСФ).

$$РСФ = \frac{СФ}{ССТ};$$

Бунда: РСФ – соф фойда бўйича рентабеллик

Соф фойда бўйича рентабеллик ҳар бир сум сотилган маҳсулот корхона учун қанча соф фойда келтиришини ёки сотилган маҳсулот таркибида қанча соф фойда борлигини ифода қилади.

5. Бир акция рентабеллиги.

$$Ф \setminus А = \frac{СФ}{АС}$$

Бунда: Φ/A – битта акцияга туъри келган фойда
АС- муомалага чиқарилган акциялар сони.

Бир акция рентабеллиги муомалага чиқарилган бир акцияга канча соф фойда туъри келишини курсатиб, бу бир акция киймати бирлигига ёки бир акциянинг узига дивидент белгилашда кулланилади.

10. . Махсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (РИХ), бу айрим турдаги махсулотларни ишлаб чиқариш учун килинган харажатларнинг бир сумига олинган ялпи фойдани ифода қилади. Бу курсаткидан махсулотлар ва экинларнинг солиштирма самарадорлигини аниқлашда кенг фойдаланилади.

$$РИХ = \frac{ЯФ}{ИХ - ДХ};$$

Бунда: РИХ – махсулотларни ишлаб чиқариш рентабеллиги
Маблаъларнинг айланиш жараёнлари курсаткилари.

Корхона ҳамма активларининг айланиши.

Активларнинг айланиши – бу корхонани активига қуйилган маблаъларнинг бир суми канча сумлик сотилган махсулот кийматини келтирганини курсатади.

$$АКА = \frac{ССТ}{АК};$$

Бунда: АКА- корхона активлигини айланиши;
АК- уртача йиллик активлар киймати.

2. Айланма маблаъларнинг айланиш сони.

$$АС = \frac{ССТ}{АУК};$$

Бунда: АС- айланма маблаъларнинг айланиш сони;
АУК- айланма воситаларнинг уртача йиллик колдиџи.

3. Дебитор қарзларнинг айланиши (АД).

$$АД = 365 \cdot \frac{ССТ}{ДК};$$

Бунда: ДК- дебитор қарзи.

Дебитор қарзларнинг айланиши харидор учун қарзини неча кунда узиши мумкинлигини курсатади.

4. Кредитор қарзларнинг айланиши (АК)

$$АК = 365 \cdot \frac{СМТ}{КК};$$

Бунда: СМТ- сотилган махсулот таннари;
КК- кредитор қарзи.

Кредитор қарзларнинг айланиши (кунда) маълум корхонага уз қарзини узиш учун неча кун кераклигини курсатади.

5. Моддий ишлаб чиқариш захиралари айланиши (АЗ).

$$АЗ = \frac{СМТ}{МИЗ};$$

Бунда АЗ – моддий ишлаб чиқариш запаслари айланиши;
МИЗ – Моддий ишлаб чиқариш запаслари.

Юқорида келтирилган молиявий ишлаб чиқариш курсаткичлари корхона фаолиятини таҳлил қилиш, тадбиркорликни мақбул ва самарали йулларини белгилаш, инвестицияларни жалб қилиш имконини беради.

10.4. Инвестициялар самарадорлиги ва уни аниқлаш усуллари

Хар бир кишлоқ хужалик корхонаси, у қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, маҳсулот етиштириш ва хизмат курсатишни ташкил қилиш учун сармоя сарф этади. Бозор иқтисоди эса, ҳар бир инвестор сармоясини сарфлашдан олдин сармоя сарфланадиган тадбир қандай натижа беришини, унинг иқтисодий самараси қандай бўлишини билишни талаб этади. Фермер хужалиги ҳам сарфланадиган ёки йуналтириладиган капитал сарфларни, узок муддатга фойдаланиладиган воситаларни ташкил этишга қаратилган маблаълар самарасини лойихалаштириш жараёнида қўзда тутди.

Инвестиция қилиш учун фермер хужалиги маблаълни уз даромади ёки ёлланган маблаъл (банк ва турли жамълармалар)дан ташкил этиши мумкин. Фермер хужалиги бирон тадбирни амалга ошириш учун ташқаридан маблаъл жалб қиладиган бўлса, тадбирни ифода этувчи лойихада қўзда тутилган сарф-харажатлари иқтисодий самарадорлиги аниқ ҳисобланган бўлиши керак. Бу лойихани техник-иқтисодий жиҳатдан асосланганлигини (ТЭО) ифодаловчи ҳужжатда акс эттирилади. Бу масалани ҳал қилишда капитал сарфлар ва инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усулидан фойдаланилади.

Узок муддатга қилинадиган инвестициянинг

- абсолют ёки мутлак самарадорлиги
- қиёсий ёки нисбий самарадорлиги аниқланади.

Мутлок самарадорлик фермер хужалиги сарф қилган сармоя натижасида қўшимча натижа, яъни сарф қилган сармоянинг бир бирлигига олган қўшимча ялпи даромад ва фойда билан ифодаланади. Корхона бўйича бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$ССа = \frac{\Delta ЯД \text{ ёки } \Phi}{С};$$

Бунда: Сса – мутлок самарадорлик;

ΔЯД - қўшимча олинган ялпи маҳсулот;

Φ - қўшимча олинган фойда;

С – сармоя(инвестиция)нинг усган қисми.

Масалан, фермер хужалиги хужаликнинг бозор иқтисоди талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун комплекс тадбирларни амалга оширишни режалаштириб, бу тадбирларга 30 млн.сум инвестиция ажратмоқчи. Ҳисоб-қитоблар бу тадбирларни амалга ошириш хужалик фойдасини ҳар йили

8 млн.сумга ошириш имкониятини беради. Бунда сарф-харажатларнинг самарадорлик коэффициенти – 0,27 ни ташкил этади.

$$Ca = \frac{8\text{млн}}{30\text{млн}} = 0,27$$

Инвестиция айрим воситалар ва йуналишлар буйича сарфланганда мутлак самарадорликни аниклашда куйидаги формуладан фойдаланилади.

$$Ca = \frac{(T_0 - T_1) \times M}{C}$$

Бунда: T_0 – сармоя килингунга кадар булган даврдаги махсулот бирлиги;

T_1 – сармоянинг килингандан кейинги таннарх;

M – сармоя килиши натижасида олинган махсуот ёки иш хажми.

Масалан, фермер хужалиги сигирларидан сут соʻиб олишни механизациялаш учун соʻиш агрегатларини сотиб олиб урнатди. Бу тадбирларга 15 млн сум сарф-харажат килди. Натижада 100 бош сигирнинг хар бири 3000 кг (30 центнер) сут берадиган, кулда соʻиладиган сигир машиналар ёрдамида соʻиладиган булди. Сигирлар кулда соʻилганда 1 центнер сут таннархи – 1300 сум булган булса, уларни машинада соʻиш натижасида 1 центнер сут – таннархи 1200 сумни ташкил этди. Шу тарика хар бир центнер сутни соʻиб олишдан – 100 сум тежашга эришилди. Маълумотларни юкоридаги формулага куйиш оркали бу тадбирга килинган сарфлар (инвестиция) иктисодий самарадорлигини аниклаймиз:

$$C_a = \frac{(T_0 - T_1) * M}{C} = \frac{(1300 - 1200) * 3000}{15000000} = \frac{3000000}{15000000} = 0,2$$

Бу тадбирга килинган сарф-харажат мутлок самарадолик коэффициенти – 0,2 га тенг булди. Сармоя сарфларининг меъёрий самарадорлик коэффиценти-0,14 ни ташкил этганлиги учун сигирларни машинада соʻиш учун соʻиш агрегатларини соʻиб олиш ва ишга тушуриш билан боʻлиқ тадбирга – 15 млн сум сарфлаш иктисодий жихатдан самарали экан. 0,2 ёки 0,14 коэффицентларнинг мохияти шундаки, юкоридаги тадбирга сарф килинган сармоянинг хар суми – 0,2 сум тежаш ёки фойда олишни таъминлаган. Меъёрий самара эса – 0,14 сумга тенг. Энди сарф-харажатларнинг самарадорлигини янада туликрок тушуниш учун уларни коплаш муддатини билиш керак, яъни бу сарфлар уз кийматини олинган кушимча даромадлар билан неча йилда коплайди? Сарф–харажатларни коплаш муддати куйидагича аникланади:

$$\text{Корхона буйича} \quad \text{кМ к} \quad \frac{C}{\Delta\Phi} = \frac{30000000}{8000000} = 3,7\text{йил}$$

$$\text{Айрим йуналишлар} \quad \text{кМ к} \quad \frac{C}{(T_0 - T_1) * M} = \frac{15000000}{(1300 - 1200) * 3000} = \frac{15\text{млн}}{3\text{млн}} = 5\text{йил}$$

сармоя тури буйича

$$\text{меъёрий} \quad \text{кМ к} \frac{1,0}{0,14} = 7,14 \text{йил}$$

Хар иккала тадбирда ҳам коплаш муддати меъёрий муддатдан кам булганлиги сарф–харажатнинг иктисодий самарали эканлигини курсатади.

киёсий ёки нисбий самарадорлик.

Бу усулдан бирор бир тадбирни бир неча йулда амалга ошириш мумкин булган такдирда фойдаланилади. Бу усулда иктисодий баҳо беришнинг асосий мезони энг кам харажат килиш хисобланиб, куйидаги формула билан ифодаланади:

$$C + H * K \rightarrow \min$$

Бунда: С–махсулот ёки иш бирлиги учун копланган жорий харажатлар;

Н – капитал сарфлар ёки инвестициянинг меъёрий даражаси;

К – у ёки бу йуналишдаги капитал сарфлар ёки инвестиция.

Масалан, фермер хужалиги бошокли дон экинлари хосилини уриб-йи\иб олувчи комбайн харид килмокчи. Ишлаб чикариш омиллари бозорида 3 хил русумдаги комбайн мавжуд булиб, бири Россия Федерациясида ишлаб чикарилган «Енисей» комбайни, бахоси–16 млн сумни, иккинчиси-АҚШ да ишлаб чикарилган «Кейс» комбайни, бахоси–22 млн, учинчиси–Германияда ишлаб чикарилган «КСА» комбайни, бахоси–19 млн сум.

Комбайнлар паспортида курсатилган техник маълумотларга кура мавсумда «Енисей» - 600 тонна, «Кейс» - 1200 тонна, «КСА» комбайни эса – 840 тонна бошокли донни уриб-йи\иб олиши мумкин.

Хар бир русумдаги комбайн билан уриб-йи\иб олишга кетган жорий харажатлар 1 тонна хисобига «Енисей» комбайнида – 50 минг сумни, «Кейс» комбайнида – 35 минг сумни, «КСА» комбайнида – 40 минг сумни ташкил этган. Юкорида келтирилган маълумотларни нисбий (таккослама) самарадорликни аниклаш формуласига куйиш оркали қайси русумдаги комбайнни сотиб олиш фермер хужалиги учун иктисодий самарали эканлигини аниқлаймиз:

$$1. \text{ «Енисей» } 50 + 0,16 * 26,6 = 54,2 \text{ минг сум};$$

$$2. \text{ «Кейс» } 35 + 0,16 * 18,3 = 37,9 \text{ минг сум};$$

$$3. \text{ «КСА» } 40 + 0,16 * 22,6 = 43,6 \text{ минг сум}.$$

Хисоблардан куришиб турибдики, фермер хужалиги «Енисей» русумли комбайнни сотиб олганда 1 тонна бошокли донни уриб-йи\иб олишга бир хилликка келтирилганда – 54,2 минг сум, «КСА» комбайнини харид килганда – 43,6 минг сум, «Кейс» комбайнидан фойдаланганда – 37,9 минг сум сарф килган буларди. Ёки «КСА» комбайнидан фойдалангандан кура – 5,7 мингга «Енисей» га нисбатан эса – 16,3 минг сум кам сарф килишга эришади. Шунинг учун фермер хужалиги «Кейс» русумли комбайнни сотиб олгани маъкул.

Таянч иборалар

- Иктисодий самарадорлик

- Сотишдан тушган тушум
- Рентабеллик даражаси
- Фойда нормаси
- Ишлаб чиқариш таннарни
- Фонд \айтими ва си\ими

қискача хулосалар

қишлоқ хужалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, рақобатбардошлиқни ошириш ислохотларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги жуда мураккаб иқтисодий категория бўлиб, техника ва иқтисодий самара тушунчаларини ўз ичига олади.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни қўллаш орқали олинган фойдали натижаларни ёки жами ресурслар бирлигига олинган натижаларни ифода этади. Фермер хужаликлари фаолиятига иқтисодий баҳо беришда етиштирилган ялпи даромад (соф маҳсулот) асосий мезонини ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва фермер хужалиги фаолиятига туғри ва тўла баҳо бериш учун иқтисодий самарадорлик курсаткилари тизимидан фойдаланилади. Бунда асосий курсатки сифатида бир хилликка келтирилган жами харажатларнинг бир бирлигига етиштирилган ялпи даромад (соф маҳсулот), ялпи маҳсулот, фойда ва рентабеллик, ёр, асосий фондлар бирлигига етиштирилган ялпи маҳсулот ва ялпи даромад, меҳнат унумдорлиги курсаткиларидан фойдаланилади.

Фермер хужалиги фаолиятининг самараларини ташкил этилиши капитал сарфлар ва инвестициянинг туғри йўналтиришга боғлиқ. Бунинг учун раҳбарлар ва мутахассислар инвестиция йўналишларига туғри баҳо бериши ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаши керак. Капитал сарфлар ва инвестицияларнинг мутлақ (абсолют) ва нисбий самарадорлиги аниқланади ва шунга қўра маълум қарорлар қабул қилинади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Самарадорлик, иқтисодий самарадорлик нима?
2. Иқтисодий самарадорлик мезонини деганда нима тушунилади?
3. Иқтисодий самарадорликнинг курсаткилар тизими қандай курсаткиларни ўз ичига олади?
4. Капитал сарфлар ва инвестиция деганда қандай сарфлар тушунилади?
5. Капитал сарфларнинг мутлақ (абсолют) самарадорлиги қандай аниқланади?
6. Капитал сарфларнинг нисбий (қийсий) самарадорлиги қандай аниқланади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. кишлок хужалиги тараккиёти - тукин хаёт манбаи: Биринчи чакирик Узекистон Республикаси Олий Мажлиси Х-сессиясида сузлаган нутк, 1997 йил 25-декабрь - Т.: «Узбекистон», 1998.
2. Салимов Б.Т., Хамдамов к.С., Юсупов М.С., Уроков Н.И. ва бошқалар. Дехкон ва фермер хужаликлари иктисоди. Укув кулланма. –Т.: Узбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам'армаси, 2004.
3. Абду'аниев А. кишлок хужалиги иктисоди. Дарслик. –Т.: Узбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жам'армаси, 2004.
4. Попов Н.А. Экономка отраслей АПК. Курс лекции, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.htm>
5. Попов Н.А. «Основу руночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М.: Тандем, 2002, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>

XI БОБ. ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА КУЛЛАБ-КУВВАТЛАШ

Режа:

1. Фермер хужаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туришнинг мохияти, зарурияти ва узига хос хусусиятлари
2. Давлатнинг фермер хужаликларини тартибга солиш ҳамда куллаб-кувватлашдаги асосий вазифалари, уни амалга ошириш шакллари ва усуллари
3. Фермер хужаликларини давлат томонидан куллаб-кувватлаш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиб туришни такомиллаштириш йуллари

11.1. Фермер хужаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туришнинг мохияти, зарурияти ва узига хос хусусиятлари

Фермер хужаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва куллаб-кувватлаш заруриятини даставвал мамлакат иктисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири - кишлок хужалиги ва унинг узига хос хусусиятлари билан боʻлиқ ҳолда қарамоқ мақсадга мувофиқдир.

Эркин бозор тарафдорлари аграр соҳага хос булган бир қатор хусусиятларга (кишлок хужалик маҳсулотлари бозорида соф рақобат имкониятларининг мавжудлиги, аграр ишлаб чиқаришга хос булган табиий – биотехнологик омиллар фермердан мустиқ қарорлар қабул қилишни талаб этиши ва бошқ.) таяниб, бу тармоқда эркин бозор муносабатлари амал қилиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд деган оғрани илғари сурадилар. Уларнинг фикрича бозорнинг уз-узини тартибга сола олиш хусусияти, аграр иктисодиётга давлат аралашувини талаб этмайди ва бунга зарурият ҳам йук. Мустиқ хужалик юритиш ва тадбирқорлик эркинлиги эса бозор шароитида фермер хужаликларининг юксак суръатлар билан ривожланишига олиб қилиши қерак.

Аммо, республикамиз бозор муносабатларига тула бошлаганидан бери утган давр сабоқлари ҳамда илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибалари кишлок хужалигини давлатнинг фаол аралашувисиз ривожлантириб булмаслигини қурсатмоқда мутихассисларнинг фикрича «...бозор механизми аграр соҳада ҳам ҳамма масалаларни ҳал қилаолмайди. Бошқача қилиб айтганда, иктисодиётнинг аграр сектори бозор шароитида алоҳида урин тутати ва давлат томонидан куллаб-кувватланмасдан туриб соҳалараро рақобатга бардош бераолмайди»¹²

Америкалик иктисодчи – олимлар К.Р. Макконнел ва С.Л. Брю давлатнинг аграр соҳага фаол аралашуви заруриятини қуйидаги муаммоларга боғлайдилар:

- кишлок хужалик маҳсулотлари булган талабнинг ноэластиклиги;

¹² Р.Ш.Шусанов, М.Ҳосимов, «Дешқон хужалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари», Т.:«Чилпон», 2000, 74 б.

- техник ривожланиш натижасида фермерлар махсулотларининг талабдан ошикча ишлаб чиқарилиши;
- кишлок хужалик ресурсларининг нисбатан иммобиллик хусусияти;
- кишлок хужалиги махсулотлари бозорида соф ракобат кураши ҳукм сурган ҳолда, унга ресурслар етказиб берувчи бозорларда монополия элементларининг мавжудлиги.

Шу туфайли ҳам аграр соҳани давлат йули билан куллаб-қувватлаш ҳар бир ривожланган мамлакатлар ҳукуматларининг диққат марказида туради. Масалан, АҚШда фермерларни куллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари 1930 йиллардан бери амалга ошириб келинади ва улар уз ичига қуйидаги масалаларни қамраб олади:

1. Фермер махсулотлари баҳоси, ишлаб чиқариш ҳажми ва даромадлар.
2. Тупрок ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.
3. кишлок хужалигига оид илмий-тадқиқотлар.
4. Фермерларни кредит билан таъминлаш тизими.
5. Фермерлар ишлаб чиқаришни турли табиий офат ва фавқулодда ҳолатлардан суўрталаш.

кишлок хужалиги мураккаб биотехник технологик ҳамда ижтимоий - иқтисодий тизим сифатида тавсифланади. Унда ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий характердаги омиллар билан биргаликда ер, сув, усимлик ва чорва моллари организм, ёру\лик. Иссиқлик, ҳаво, табиий иқлим ва жу\рофик жойлашув каби табиий омиллар ҳам муҳим аҳамият қасб этади. Ишлаб чиқариш жараёни турли тавсифдаги ушбу омиллар уй\унлашиб кетади.

